

Уб
Н

МАХБУБ УЛ-ҚУЛУБ

АЛИШЕР НАВОИЙ



АЛИШЕР НАВОИЙ

МАХБУБ УЛ-КУЛУБ






У31
Н14

АЛИШЕР НАВОЙИ

МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

(ҚАЛБЛАР
СЕВГИЛИСИ)

ТОШКЕНТ
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЯТИ
1983



Рассел В. АПУХТИН

Масъул муҳаррир ва сўзбони муаллифи

С у й и м а Ғ а н и е в а

Тақризчи Амонилла Валихонов

Насрий баён муаллифи

ИЮЯТ МАХСУМОВ

Н $\frac{70303 - 201}{М 352 (04) - 83}$ 1 — 83 4702570100

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 й.

«МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ»

Бу асар улуғ мутафаккир ва буюк шоир Алишер Навоийнинг умри охирида 906 (1500—1501) йилда ёзилган йирик насрий асаридир. У муаллифнинг гоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва хулосаларининг йиғиндисиدير.

Навоий бу асарни яратишда кўзлаган мақсади ҳақида асар муқаддимасида шундай ёзади: «...болаликдан то қариликка қадар кўҳна даврон воқеаларидан, айланувчи осмон ҳодисаларидан, фитна қўзғовчи дунё буқаламунлигидан — товламачилигидан замонанинг ранг сингари гуногунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил ҳаёл ва тараддудлар билан дайдиб юрдим, ҳар товур ва равншда бўлдим ва турли йўللарга кирдим, яхши-ёмоннинг хизматини қилдим, катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим, гоҳ хорлик ва қийинчилик вайронасида нола қилдим, гоҳо иззат ва маъмурилик бўстонида мажлис қурдим... Йўқсуллик ва камбағаллик пайтларимда, фалокатли замонларда ва ноумид юрган пайтларимда баъзан илм-фан мадрасаларида қуйи сафлардан жой олдим ва олимлар мажлисида илм нуридан кўнглимни ёритдим... давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараган элга мурувват кўрсатдим... Мақсадим шуки, ҳар йўлда юрдим, оламда бўлмиш ҳар навъ одам билан кўришдим, катта-кичикнинг феълу атворини ўргандим, яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим, яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, заҳрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг заҳмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезади гап бўлиб қолди. Замон аҳлидан баъзи ҳамсуҳбатларим ва даврон кишиларидан айрим дўстларим бу қоллардан хабарсиз ҳамда кўнгиллари бу яхшилик ва ёмонликлардан асарсиздир... Шу жиҳатдан, ҳамсуҳбатларни ва дўст-ёронларни бу қоллардан огоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўриндики, токи уларда ҳам ҳар тоифанинг хислати ҳақида билимлар ва ҳар табақанинг аҳволи ҳақида тушунчалари бўлғай...»¹.

¹ Бу ва кейинги иқтибослар асарнинг ҳозирги нусخасида қўрилган матнидан келтирилади.

Қўринадик, Навоий бу асарида ҳам инсон ҳақида қайғуради. Унинг дардини чекади, инсонийликка ярашиқли фазилатларни мадҳ этади, унга зид бўлган иллатларни нафратлайди. Бинобарин, инсонпарварлик, халқпарварлик бу асарнинг бош гоёсини белгилайди.

«Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий бевосита ўз давридаги деярли барча ижтимоий гуруҳ ва табақаларга характеристика беради ва уларнинг қайси бири яхши ёки ёмон, қайси бири инсонийликка, халққа, мамлакатга фойдали ёки зарарли эканлигини бошқа асарларидагига қараганда кенгроқ, чуқурроқ ва аниқроқ баён этади.

Айни чоқда, Навоий айрим масалаларни ўз даври фарзанди сифатида, мафкурачиси даражасида фикр юритади. Чунончи, у илгор интилишларнинг рўёбга чиқишини ҳукмронлар адолати билан узвий боғлиқ, уларнинг измида дея талқин қилади; феодал тузумининг мафкуравий таянчи диний муассасалар вакиллари — риёкор шайху «кароматлари ҳийла ва найрангдан» иборат дин арбобларини аёвсиз танқид остига олган Навоий ўз давридаги феодал мафкураси билан боғлиқ бир қанча тавба, зуҳд, таваккал, сабр, ризо каби мафҳумларга ҳам тўхталиб, бу хусусда баъзи панду насихатлар беради.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг биринчи қисми «Халойиқ аҳволи ва афъоли ва аҳволининг кайфиятида», яъни кишиларнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида бўлиб, қирқ фаслдан иборатдир. Асос эътибор билан бу қисмда феодал жамиятидаги турли ижтимоий табақаларнинг ана шу жамиятда тутган ўрни ва вазифаси ҳақида, ўз бурчига, тўғри, ҳалол муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида сўз юритилади.

Алишер Навоий гуманист ижодкор сифатида ўз замонасининг «жафоу дунлик»ларга тўла эканлигини кура олди, ҳаминша кенг меҳнаткашлар оммаси томонида бўлиб, халқ бошига тушган жабру ситамдан беҳад азоблар чекди. У ўзининг ғазалларидан бирида бу ҳақда фоят ёниб ёзган эди:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Ана шу халққа зулм ўтказувчи шоҳу вазир, мансабдору нуфузли шахсларни Навоий бу асарида шундай таърифладики, натижада типиклаштирилган феодал ҳукмдорининг ўта салбий образи феодал давр иллатлари фонида гавдаланди. Навоий бундай золим шоҳлар ҳукмронлиги остидаги мамлакат ва халқ аҳволининг оғир ва хатарли эканлигини тасвирлаб ёзади: «...мамлакат нотинчлиги унинг юрагига ором бағишлайди, халқнинг бесару сомонлиги эса хотиржамлик келтиради. Обод жойлар унинг зулмидан вайрон, кабутар уялари бой-кушларга ошиён... Ноҳақ қон тўкишлик унга ҳунар, кимки жони бор, ундан қўрқар...»

Золим подшоҳ наздида, дейди Навоий, узоқ муддат сидқидилдан яхши хизмат қилганларнинг мутлақо эътибори йўқ. Чунки у кичик бир хато учун нобуд қилиб юборишга тайёр. У ўта жоҳил бўлиб, фисқ-фужурни, лаганбардорликини севади ва ҳ. к. Навоийнинг бундай золим шоҳга берган баҳоси аввалдан охирга қадар фош қилиш ва қоралаш руҳида ёзилган.

Айтиш керакки, Навоийнинг сарой амалдорлари, шоҳ атрофидаги мансабдорлар ва бошқа нуфузли табақалар ҳақидаги барча айтганлари ўта танқидий руҳда ёзилган. Муаллиф ўзи яшаб ижод этган ижтимоий тузумнинг ҳар тур иллатини аёвсиз тарзда фош этиб таштайди. Навоий бу билан алоқадор ҳолда ўз даврида ҳамда кейинги

даврлар учун ҳам мустасно аҳамиятга эга бўлган яна бир масала ҳақида жуда муҳим, жуда илғор ва чуқур маъноли фикрларни баён этади. У ҳам бўлса, бошқа мамлакатлар ва халқлар осойишталигини бузадиган, мамлакатни вайрон, аҳолини хароб қиладиган босқинчилик урушлари, ихтилоф, инзо ва қонли туқнашувлар ҳақидаги қайдлардир. Булар асарининг «Лашкарлар ва ҳарбий юришдаги қора черик туғрисида» деган фаслида келтирилади. Жумладан, Навоий ёзади: «Ҳарбий юришдаги қора черик — яъжуж ва маъжуж деб аталган махлуқ гуруҳига шерик... Ишлари талаш мумкин бўлганни таламоқ, ёт юртларини чигирткадек босиб, гиёҳ ва япроқларгача яламоқ... барчаси ақл-идрок ва инсоф каби фазилатлардан бегона... Одамгарчиликларни йўқликда махлуқлардан ҳам ўтадилар; ҳайвонга хос қилиқлари кўпу одамийликларни оз». Шундай қилиб, феодализмнинг бош таянчи ва муҳофаза кучи бўлган лашкарларни ҳамда уша даврда энг характерли воқеалардан бўлган ғоратчилик сиёсатини Навоий қаттиқ қоралайди.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг бу қисмидаги деҳқонлар, уларнинг яратувчилик қудрати ва меҳнатининг баракати ҳақидаги фасл алоҳида юрак тафти билан қаламга олинган.

Маълумки, ўрта аср феодализм шароитида деҳқон асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган. Зотан, Навоийнинг катта таҳсинига лойиқ бўлган ана шу асосий кучгина бутун жамиятнинг моддий базасини яратган. Албатта, шаҳар ҳунармандлари ва шунинг каби майда хўжаликлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни ҳам инкор этилмасда деҳқон хўжаликлари барча элу юртни таъминловчи асосий манба эканлиги шаксиз. Бу ҳолни Алишер Навоий ҳам алоҳида уқдириб ўтади. У дейдики, айтайлик: деҳқон дон сочишидан бошлаб қушлару жониворлар ундан баҳраманд, бутун борлиқ обод. Навоий деҳқоннинг тавсифи учун «ожиз» қолганлигига иқдор бўлиб дейдики, «деҳқоннинг бир дон сепганида шунча ҳикмат бор, ўзга ишларини таърифлаш маҳолдур». Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ўзбек адабиётида то Навоийга қадар ҳеч ким ҳеч қачон деҳқонларни, оддий меҳнаткашларни Навоийчалик таърифламаган. Навоийнинг бу фаслдаги чуқур самимият ва юксак гуманизм руҳи билан суғорилган фикрларини деҳқонлар шарафига айтилган насрий қасида дейиш мумкин.

Алишер Навоийнинг шу қисмдаги мударрислар, табиблар, котиблар каби ижтимоий гуруҳлар ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир. Олим бу тоифадаги кишилар ҳақида гапирар экан, уларга хос бўлган камчиликлар ва шу билан бир қаторда, уларнинг ижобий томонларини кўрсатиб беради.

Жумладан, мударрислар Навоийнинг фикрича, жумла жамият учун керак. Аммо улар амалпараст бўлмаслиги, ўзи билмаган нарсалар ҳақида сўзламаслиги ва дарсдан изҳори фазл учун фойдаланмаслиги ва ҳ. к. шунинг каби бир қанча камчиликлардан фориғ бўлишлари зарур. Табиблар ҳақида фикр юритар экан, бу тоифа ўз ишида маҳоратли, беморларга шафқатли ва марҳаматли, айниқса улар билан хушмуомала бўлиши лозим, деб алоҳида уқтиради.

Алишер Навоий замонанинг маърифат таратувчилари бўлган котибларнинг меҳнатига катта баҳо беради. Навоий котибларни сўз хазинасининг хазинадори деб атади. Хати чиройли котиблар сўзга оройиш беради, сўзлашувчига эса осойиш етказиши, дейди у. Бу ғоят муҳим ва масъулиятли санъатга катта талабчанлик билан қараган Навоий унинг намояндалари орасида саводсиз, лоқайд ва бадхатлари бўлишларини истамайди ва ўз нафратини ана шундайларга қаратади.

Алишер Навоийнинг адабиёт ва санъат намояндаларига бўлган

қарашлари ҳам гоёт муҳимдир. Чунки Навоийнинг қарашлари Ға-
фатини оддий назаристен ёки ҳолис тарихнависнинг қарашин эмас,
балки бутун бир давр маданий ва адабий ҳаётини йўналтириб тур-
ган, унинг бурчини белгилаб берган буюк арбобнинг, маданият ҳо-
мийсининг қарашидир.

Алишер Навоий адабиёт ва санъатнинг муҳим ижтимоий қурол
ёканлигини яхши англаган. Шунинг учун шоир тазкирасида ҳам,
рисолаларида, дostonларида ҳам адабиёт ва санъат аҳлининг мад-
ҳияси, тавсифига алоҳида ўрин ажратади. Шу нуқтаи назардан ён-
дошганда, уларга «Маҳбуб ул-қулуб»да берилган баҳо ҳам Навоий-
нинг бутун ижодий ҳаёти давомида тутган изчил позициясига содиқ
қолганлигидан далolat беради.

Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб»даги шоирлар ижодини ғоявий
йўналишига қараб муайян гуруҳларга ажратиши, номига шоир бўлиб
тутуруқсиз ижод этганларни танқид қилиши, унинг бутун ижоди да-
вомида, хусусан «Мажолисун-нафoис»да илгари сурган, адабиётнинг
ғоявийлиги ва ижодкорнинг бурчи хусусидаги фикрларининг хулоса-
си сифатида аҳамиятлидир. Навоий сўз санъаткорларини шунчаини
шоирлик даъвоси ёки донг таратиш учун эмас, балки «эл файзи учун»
«бағоят аржуманд, бениҳоят шариф ва дилписанд» шеърини яра-
тиш йўлидаги ижод билан шуғулланишга даъват қилади.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг санъат аҳлига бағишланган фасл ва са-
ҳифалари ҳам жуда мароқли ва ибратлидир. Даставвал шуни айтиш
лозимки, Навоий бу асарида санъат аҳлининг тўрт тоифасига ўрин
беради. Улардан бир гуруҳи созанда ва хонандалар, иккинчи гуруҳи
сўз санъаткорлари бўлган нотиқлардан иборат.

Алишер Навоий санъат аҳлининг қаламга олинган ҳар бир тон-
фасини муфассал муҳокама қилади ва бу санъаткорлар ижодидаги
ижобий ва салбий моментларни, улар характеридаги яхши ва ёмон
жиҳатларни ёритиб беради. Айтайлик, Навоий «мутриб ва муғаний-
лар зикрида» сўзлар экан, уларнинг «иккаласига дарду ҳол аҳли
жон қилурлар фидо» деб юксак баҳо беради. Чунки Навоий таъкид-
лашнча, «кўнгил қуввати хушовоздан, руҳ кути овоздин». Бугина
эмас, шоир юксак ижрочилик санъатини айрим диний маросим ва
удумлардан ҳам юксак қўяди ва дейдики, «...қонун ва чағона асбоб-
ларининг ноласи қулоққа эшитилганда, шу пайт ойдек соқий қадаҳ-
ларга май қуйиб, таъзим билан узатса, парҳездорликка ким эътибор
беради-ю, ақл-ҳушнинг ихтиёрини ким ўз қўлида тута олади?!»
Чиндан ҳам моҳирона ижрочилик санъатининг эмоционал таъсир
кучи шу қадар юксакки, ана шундай пайтларда тингловчи дилга
санъат асаридан бошқа нарса малол келади. Навоий созандалик ва
хонандалик санъатининг ана шу асл моҳияти ва хосиятини юксак
тақдирлайди. Шунинг учун ҳам ўша замоннинг машҳур санъаткори
бўлган Шиблий ва Нурийларнинг номини самимият билан тилга
олади.

Созанда ва хонандалар ҳақида гапирар экан, Алишер Навоий
булардек киши руҳига таъсир этишга қобил кишилар сирасида ҳам,
саёқ сийратли, тиламчилари ҳам бор эканлигини айтади. Шоир бун-
дайларнинг аксари «эркак сувратидаги таннозлар ва башанг кийим
кийган уйбузар ахлоқсизлардир», баъзилари «ўлгудек қайсар ва да-
ғал сўзли», «қўшиқ айтиб, соз чалиб, одамларни таловчи йўлтўсар-
дирлар» деб койннади Навоий.

Шу жиҳатдан қараганда «Маҳбуб ул-қулуб»даги шоирлар ва
санъаткорлар ҳақидаги қайдлар асарнинг барча давр, замонлар
билан ҳамнафаслик фазилатини намойён этади.

Асарнинг ана шу — биринчи қисмида яна бир ажойиб фасл мав-

жуд. Бу — «Уйланиш ва хотишлар ҳақидаги» ғаслдир. Унда уйланиш, оила ва оилада аёлларнинг роли борасида сўз юритилади.

Урта аср феодализи шароитида, диний ақидалар ғоят ҳукмрон бир пайтда Алишер Навоий ўзининг буюк лирик меросида аёллар гузаллигини мадҳ этиб, ўзининг ажойиб дostonларида ажойиб хотин-қизлар образларини (Ширин, Лайли, Дилором, Меҳинбону, Меҳр, Равшанақ, Луъбати Чиний, Меҳроуз ва бошқалар) яратибгина қолмай «Маҳбуб ул-қулуб»да аёлларнинг оиладаги юксак мавқеини, айни чоқда уларнинг жамиятдаги ижтимоий ролини ҳам эътироф этади, улуғлайди: «Яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти. Ўзининг оройиши ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Хусни бўлса — кўнгил ёзиги, ҳушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади...» Шунингдек, муаллиф бу ғаслда хотин ёмон бўлса, тили ачиқ, беҳаф, дилдор бўлса, оилада қандай кўнгилсизликлар юз бериши мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдирмайди, бу хусусда ўз панд-ўғитларини ларига тутмайди. Бу билан Навоий хотин-қизларни шундай нуқсонлардан фориғ бўлишга ҳам чорлайди.

Кўринадики, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг биринчи қисмида ўз аксини топган Навоийнинг сиёсий, ижтимоий-ахлоқий ва маърифий қарашлари унинг бутун дунёқарашидаги бошқа кўнгина қирралари билан узвий боғлиқдир.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисми асосан ахлоқий масалаларга бағишланади. 10-бобдан иборат бу қисмда яхши фазилат ва ёмон хислатлар таҳлил этиб берилади. Агар таъбир жойиз эса, Навоий ўз ўқувчиларига, — мана бу яхши фазилатлар сенга ўрнатилган, мана бу ёмон хислатлардан эса ўзингни фориғ тут, — демоқчи бўлади.

Маълумки, XV аср феодали жамияти мафкурасида шундай ахлоқий масалалар мавжуд эдики, ҳар бир мутафаккир уларга ўз муносабатини билдирмай ўта олмас эди. Булар юзасидан юқорида қисман фикр билдирилди.

Навоий одоб ва тавозуъни бир-бирига дахлдор тушунчалар сифатида талқин қилади. У тавозуъни такаббурликнинг акси бўлган ҳокисорлик, камтарликни англатишини уқдиради.

Алишер Навоий ўз ўқувчисини тавозуъли бўлишга чақиради. Чунки у таъкидлаганидек, тавозуъли кишига халқнинг меҳри ошади, ҳамма бундай кишини ҳурмат қилади ва у билан дўстлашишга интилади. Навоийнинг образли қулиб айтишича, тавозуъ кишининг дўстлик чаманида янги-янги гулларнинг очилишига, яъни тавозуъли кишининг янги-янги дўст орттиришига сабаб бўлади. Чамандаги ҳар бир гул эса ўзига хос анвойи атр ва чиройга эга бўлиб бутун гулистоннинг кўркем бўлишига олиб келади. Бу эса, жуда катта, навоийна терап фикрдир. Чунки, у айни пайтнинг ўзида кишиларни ўзара дўстлик, биродарликка ундайди. Дўстлиқни бир чаманга, дўстларни эса анвойи гулларга нисбат беради. Миллий, синфий ва диний фарқларни ўртага солиб, кишилар орасида низоъ пайдо қилиб, сўнгра уларни эзишга, уларга зулм ўтказишга қаратилган ўрта асрлар феодали ахлоқий қарашлари ҳукмрон бўлган бир пайтда масаланинг шу тарзда қўйилишининг ўзи ҳам ғоят илғор муносабатдир.

Навоий тавозуънинг ана шу катта маънафатини таъкидлар экан, айни пайтда бу хислатнинг қутбий акси бўлган такаббурликнинг ўта зарарли моҳиятини ҳам очиб ташлайди.

Ишқ ҳақида сўз юритар экан, Навоий ўз давридаги бу тушунчани моҳиятча мутаассибона талқин этганлардан фарқли улароқ, асос эътиборни ҳаётий ва кенг ижтимоий маънадаги ишқ ғоят наъза

си бўламини шунқ таърифига тортади. Бу ўринда ахлоқ, одоб ҳамда таълоу ҳақида ўз ақидаларининг исботи, далили сифатида Навоий жуда содда, айни чоқда теран мазмунли ҳикоятлар келтирадики, уларнинг асар бадиятини таъминлашда аҳамияти каттадир.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг учинчи қисми «Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар» деб номланади ва ҳар хил фойдали пандлар ҳамда ҳикматларни ўз ичига олади. Бу қисм ғоят бой мазмунли ва ранг-барангдир. Унда ҳам одам ва одамийлик ҳақида, чин инсоний фазилатлар тўғрисида асрлар мобайнида халқ тажрибаси ва билимининг қаймоғи сифатида йиғилган фикрлар, шунингдек, Навоийнинг узоқ ҳамда мураккаб ҳаёт тажрибасининг натижалари, хулосалари келтирилгандир. Навоийнинг ўзи қайта-қайта такрорлагани «оз сўз — саз сўз» ҳикматига тула риоя қилади ва ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, деярли ҳар бир жумла, ҳар бир таъкид ва танбиҳ афористик характерга эга бўлган ҳикмат ва допилик намуналарини яратади. Навоийнинг бу панд-насихатлари том маънода гуманистик ва халқчиллик характерга эга. Уларга риоя қилишлик — баркамол инсон бўлишлик демакдир. Айтиш керакки, Навоий юксак инсоний фазилат ва эзгуликларни мадҳ этиш, тарғиб, ташвиқ этиш билан чекланмайди. У айни замонда одамлардаги ёмон, хунук, инсонийликка хилоф ҳислатларни, инсонлар учун, жамият учун зарарли, шарафли инсон шаънига ярашиқсиз хулқ-атвор ва сифатларни қоралайди, танқид остига олади. Унинг бу танқиди аксар ҳолларда жуда фаол, кескин ҳужумкор характерга эгадир.

Навоий бу қисмда, ўзининг социал қарашларига онд фикрларни давом эттиради, чуқурлаштиради, янги-янги фактлар билан асослайди. У танбеҳлардан бирида замонасининг тескарилигидан шикоят қилади. Навоий дейдики, бу замонда бировга яхшилик қилганга ёмонлик қайтади, бировга мулозамат қилинса, эвазига такаббурлик олинади. Ҳар кимга бир хизмат қилсанг ўнлаб туҳматга тайёр туриш керак. Бундай кишилар олдида қанчалик заҳмат чекиб хизмат қилсанг, яна қул бўлиб эгилишингни талаб қиладилар. Навоий танқидининг объекти ҳукмрон синф вакиллари, золимлардир. Бундай кишилар хизматида «Ҳар вафо эвазига юз жафо чекмасанг, гуноҳқорсан ва ҳар меҳр-муҳаббатнингга минг дарду алам кўрмасанг, хонавайронсан. Улар жон фидо қилсанг, яна жонинг билан ташаккур изҳор қилишингни талаб этадилар, агар бу шукронани адо қилсанг; яна такрор жон фидо қилишни талаб этадилар». Бундай ғайринисоний иллатлар эса Навоий яшаб ижод этган муҳит, феодализм жамияти учун характерли эди. Навоий эса, жамиятнинг ана шундай, яъни тенгсизлик асосида қурилиши факти билан келиша олмайди, бундай тузумни қоралайди, ундан нафратланади ва унинг барча иллатларини фош этиб ташлайди.

Бундай зулмкорлик, беҳаёлик, инсонни, унинг қадр қимматини беҳ ости қилиниши Навоийни ниҳоясиз қийнаб ташлайдики, у беҳтиёр фарёд кўтаради: «Давр бевафоларининг жабридан дод! Ва замон беҳаёлари зулмидан фиғон ва фарёд! То олам пайдо бўлгандан бери бу ўтда ҳеч ким менчалик ўртанмаган, то бевафолик бошлангандан бери ҳеч ким мен каби бу алангада ёнмаган. Замон кишилари бевафоларидан бағримда тиконлар бор ва давр халқи беҳаёлигидан кўксимда яралар бор...» Ҳеч шубҳасизки, булар ёлғиз Навоийнинг норозилиги, қалб тугғени эмас, албатта.

Алишер Навоий нафсониятга берилган, худпарастларни танқид остига олади. Бундай дардга гирифтор бўлган кишилар бировнинг бошига тушган кулфатга парво қилмайди, бировга яхшиликни раво кўрмайди, ҳар доим ёлғиз ўзи ҳақида қайгуради. Бундай кишилар

«барчага ўзгандан ўзи азизроқ ва ўзгалар сўзидан ўз сўзи азизроқ». Чиннакам инсон эса, бундай нуқсонлардан фориқ бўлиши, кишилар билан ҳамдарад ва ҳамнафас бўлиши лозим. Бадкирдор ва палид худ-параст шахслар мажлисидан зиндон яхшироқдир, деб уқдиради, Навоий. Шунингдек, аччиқ сўзлилиқ, нодонлик, ёмон қилиқлилиқ, қаноатсизлик, шовша-шошарлик, ичкиликбозлик, бачканалик, фисқ ишлар билан шугулланиш, ёлгончилик кабиларга берилган кишилар ҳам Алишер Навоийнинг қаттиқ танқидига дучор бўлади. Навоий ана шу ёмон, ярамас хислатлардан — иллатлардан одамларни холи қўришни истайди. Эҳсонли ва саховатли бўлиш, қарамли (яхшилик) бўлиш ва ҳожат чиқариш, мурувватли ва вафодор, садоқатли ва юмшқ кўнгилли, ширин суҳан ва мулоим бўлиш каби бир талай фазилатларни Навоий кўкларга кўтариб мадҳ этади.

Навоий халқ ҳисобига бойлик орттиришни қаттиқ қоралайди. Буниги устига халққа қарши турган, халқ ва мамлакат манфаатлари хизматига қўйилмаган, мамлакат ободончилигига сарф қилинмаган ва муҳтожлар талабини қондиришга қаратилмаган бойликни рад этади, ҳаромдир, дейди. Навоий бу билан чекланмайди. Бундай бойлик эгаларининг кимлар эканлигини ва қандай йўллар ва воситалар билан бойлик орттиришларини ҳам конкрет кўрсатишга ҳаракат қилади. Булар — зolim шоҳлар ва уларнинг амалдорларидирларки, улар халқ мол-мулкани очикдан-очик ва зуравонлик йўли билан талайдилар. Шу йўл билан қаср қурадилар, базм қиладилар, зарбафат тўн киядилар, олтин косалардан май ичадилар...

Булар — риёкор руҳоний, қози ва шунга ўхшаш шариат ишворларидирларки, улар дин ва дарवेशлик ва тасаввуф ниқоби остида ва шуларни қурол қилиб олиб халқни алдайдилар ва шу йўл билан уни талайдилар...

Булар — савдогарлар, олиб-сотувчилар, чайқовчилар, даллолу қаллоблардирки, улар турли найранг ишлатиб бузни шойи деб ўтказишни, арзон олиб қимматга сотиб, шу йўл билан халқни хонавайрон қилишни касб қилиб олган сурбетлар ва ҳ. к.

Алишер Навоий вафони таърифлар экан, сўзни унинг ўз замонида йўқолиб кетган бир мавҳум эканлигидан бошлайди. Вафо инсоният тожини беэаб турувчи қимматбаҳо дур, одамийлик бошидаги ловиллаб турган гавҳарли тождир. Вафо аҳлининг кўнгли пок, табиати покиза бўлади.

Навоий вафо билан ҳаёни узвий боғлиқликда олади: «Ҳар кўнгулником, — деб ёзади Навоий, — вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ». Навоийнинг вафо ва ҳаё ҳақида қайта-қайта фикр юритиши, уларни алоҳида турли масалалар билан боғлиқ ҳолда талқин этишидан кўринадики, булар шунчаки инсоний хислатлар бўлмасдан, муаллиф тушунчасида ижтимоий-ахлоқий категориялар ҳамдир.

«Маҳбуб ул-қулуб»даги материаллар заминидан нутқнинг жуда кўп фазилат ва хислатлари очилади. Жумладан, Навоий «нодон пандида ғалат муқаррар ва душман насиҳатида фириб мутасаввар» эканлигини, улар билан мулоқотда бўлганда ақл ва тадбир билан иш қўришни маслаҳат кўради. Шунингдек, ёлгончилик ҳам катта қусурдир. Дарҳақиқат, «ҳар кимки сўзи ёлгон, ёлғони зоҳир бўлғоч уёлгон. Ёлғонни чиндек айтувчи суҳанвор — кумушни олтин била рўқаш қилғучи заргар». Шунинг учун одам ўз-ўзини шарманда қилиш, ҳам кўзбўямачилик қилишдан қочиши даркор. Навоий таъбирича бу катта юз қоралиқдир.

Аччиқ тиллик ҳам энг ёмон хусусиятлардан бири эканлиги ҳақида

Навоний баъди: «яччиғ тия заҳарли найзадек санчилади. Кўнгулда тил найзасининг жароҳати битмас, унга ҳеч нарсаси малҳам бўла олмайди». Шунинг учун у кишиларни очиқ чехралик бўлишга даъват этади ва дейдики, бундай кишиларнинг «очиқ юзидин халойиққа ҳурсандлик ва ширин сўзидин улусга шодлик етишади».

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг бу қисмида, шуҳратпарастлик зиёни, дард аҳли нафасининг ҳароратдорлиги, фосиқ олим ва бахил ғанийнинг табиати, илм ўрганмоқ хосияти, нодонликнинг касофати, ёмон қилиғлиқ ва бадхўрликнинг зарари, қарияликда қилинган бачкана-ликнинг оқибати, беҳуда ҳазилга рағбатнинг ҳурматсизликка олиб келиши ва ҳоказолар ҳақида муфасссал фикр юртилади.

Навоний айтадики, «саҳву като башарият лозимидур». Демак, киши мутлақо хатосиз яшаши қийин. Аммо ҳамма мардлик тасодифан ёки заруратан йўл қўйилган саҳву катони тўғри англай олиш ва унинг олдини ола билишдадир.

Маълумки, Навоний илм аҳллариини ғоят юксак баҳолайди, мамлакат ободонлигини таъмин этишда, халқ ақволини енгиллатишда уларга жуда катта умид боғлайди. Бу хусусда «Маҳбуб ул-қулуб»даги:

Кишига неча келса мушкул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол,—

каби афористик байт ва илм ҳамда олимлар ҳақидаги фикрлари ғоят аҳамиятлидир. Шунингдек, илм ўганиб ундан амалда фойдаланмаган, яъни илмини халқ, мамлакат хизматига қўймаган олимларни Навоний ҳажв остига олади. Илмини амалда қўлламаган олимни устига китоб ортилган эшакка ўхшатади.

Олимлик ахлоқ қам Навоний назаридан четда қолмаган: «Олим киши бир жоҳилни қаршисига ўтқазиб, уни мулзам қилишини истаса, бу олимнинг ўзи учун ҳақоратдир. Олим, аввало, ўз илмининг даража ва салмоғини асраши керак, гапқарини синаб кўриш учун тошга урмаслиги лозим». Демак, олим ўз билими қадрини, ўз мавқеини яхши тушуниши ва уларни суистеъмол қилмаслиги лозим.

Навонийнинг илм-фан ҳақидаги ўғитлари, унинг маърифатпарварлик ғояларининг узвий қисмини ташкил қилади. У бутун ҳаёти давомида илм-маърифатни тарғиб этди. Меҳнат азиятини чекиб илм ўрганганларни хирадмандлар деб олқишлади ва авлодларни илм-маърифатни эгаллашга даъват этди. Унинг «Билмаганини сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» каби доно ўғитлари халқнинг ҳикматли сўзларига, афоризмига айланиб кетди.

Шундай қилиб, Алишер Навоний «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ўз замонасига ва ундаги ижтимоий табақалар, гуруҳлар, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ҳодисаларга фаол муносабат билдиради. Лекин асар муқаддимасида ўз аксини топган муаллифнинг умидсизлик кайфияти, олам ишлари, олам аҳлидан норозилиги, қорғинлик ҳолати асос эътибори ила бутун китобнинг ҳужумкор руҳи учун характерли эмас. Муаллиф ўзининг юксак оптимистик тилагини, келажак авлодларига қаратилган энг покиза туйғуларини, гуманистик пиятларини, доно ўғитларини асарга ғоят катта дадиллик ва ўзига қос қатъийлик билан тирак мазмун ва сержило бадний бўёқларда баён этади.

Сўйима ҒАНИЕВА

* * *

Алқисса. фуқаронинг гадоси, ғаройиб сирларнинг юзини очувчи, фақиру ҳақир, Навоий лақабли Алишер мундоқ арз қилур ва айтишни ўзига фарз деб билурки, бу хоксор ва паришонрӯзгор камина болаликдан то қариликка қадар кўҳна дарон воқеаларидан, айланувчи осмон ҳодисаларидан, фитна қўзғовчи дунё буқаламунлигидан — товламачилигидан, замонанинг ранг сингари гуногунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил хаёл ва тараддудлар билан дайдиб юрдим; ҳар товур ва равишда бўлдим ва турли йўлларга кирдим, яхши-ёмоннинг хизматини қилдим; катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим; гоҳ хорлик ва қийинчилик вайронасида нола қилдим; гоҳо иззат ва маъмурилик бўстонида мажлис қурдим.

Маснавий:

Гаҳи топтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдум замондин комронлиғ,
Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.

Йўқсуллик, камбағаллик пайтларимда, фалокатли замонларда ва ноумид юрган пайтларимда баъзан илм-фан мадрасаларида қуйи сафлардан жой олдим ва олимлар мажлисида илм нуридан кўнглимни ёритдим; гоҳо тақводорларнинг масжидларида улар қадами етган жойга юз қўйдим, кўп сажда қилишим натижасида манглайим шилинди, гоҳо поклик хонақоси аҳлининг обдасталарига сув қуйиш билан улар ўртасида обрў топдим ва гоҳо хароботийлар гуруҳи майхоналарида кўза кўтариш билан ҳурмат қозондим.

Гоҳ насткаш ва бахил кишилар қошида хурландим ва разил-покаслар олдида эътиборсиз бўлдим: гоҳ ишқ кўйида бепарво кезиб, жон олувчи наричеҳралар томонидан ҳалокатга учрадим; гоҳ тентаклик маҳалласида разил кишилар бўйнимга муштладилар, болалари эса бошимга тош ёғдирдилар, гоҳ шаҳрим эли жабридан ғарибликка тушдим ва ғариб кишиларга қўшилдим ва улар билан бирлашдим; гоҳ тоғлар чўққиси оромгоҳим бўлди ва саҳро этаги паноҳим бўлди. Ва гоҳ бу қийинчиликларга чидолмай, ватанимга қайтдим, ёлғизлик хилватгоҳида ётдим; гоҳ ғурбатда хаста ва ғарибларга товон ва гоҳ азишлар хизматидан ва улар суҳбатидан баҳраманд ҳамда ўз сўзимни уларга ёқимли топдим.

Рубоӣ:

Гардун манга гаҳ жафоу дунлуқ қилди,
Бахтим киби ҳар ишга забунлуқ қилди,
Гаҳ ком сари раҳнамунлиқ қилди,
Алқисса, баса буқаламунлиқ қилди.

Аммо давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкини турли одамларнинг ҳужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арзодини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим. Баъзан иззат-икром юксакликларига кўтарилдим. Шу пайтларда улуг кишиларни ва юқори мансаб эгаларини ҳурмат ва таъзим юзасидан меҳмон қилдим ва баъзан шодлик боғида зиёфат дастурхонини тузиб, май қуювчи соқийлар ва хонанда-созандаларнинг базму тароналаридан баҳраманд бўлдим.

Баъзан, подшоҳлар бир-бирлари билан мурасасиз бўлиб қолганда, орага тушиб, уларни келиштириб қўйдим ва баъзан уруш майдонига кириб, жоҳиллик ва подонлик туҳматига қолдим; баъзан халқ учун хайрли иш қилувчилар қаторига кириб, ҳар хил жамоат бинолари қурдим; ғайратим натижасида турли работу бекатлар барпо бўлди ва йўловчиларга шодлик етишди.

Байт:

Улуғ мансаб ва давлатга етишгач.
Дилимни кўп орзу ҳаёллар чулғади¹

Бу муқаддимадан мақсадим шуки, ҳар йўлда юрдим; оламда бўлмиш ҳар павъ одам билан кўришдим; катта-кичикнинг феълу атворини ўргандим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, заҳрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг заҳминини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди. Замон аҳлидан баъзи ҳамсуҳбатларим ва даврон кишиларидан айрим дўстларим бу ҳоллардан хабарсиз ҳамда кўнгиллари бу яхшилик ва ёмонликлардан асарсиздир.

Қитъа:

Асал билан майни тотиб кўрмаган киши,
Висолу ҳижроннинг ширин ва аччиғлигини не билсун?
Тузнинг* қуми юмшоғу тошлари қаттиқлигини
Қийналган бечора йўловчи йўл юрганида билади.²

Шу жиҳатдан, ҳамсуҳбатларини ва дўст-ёрларини бу ҳоллардан огоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўриндики, токи уларда ҳам ҳар тоифанинг хислати ҳақида билимлари ва ҳар табақанинг аҳволи ҳақида тушунчалари бўлгай. Улар ҳам муносиб кишилар хизматига бел боғлаб, номуносиб одамлар суҳбатидан, азоб-уқубатларидан ўзни тортиш лозимлигини билгайлар ва махфий сирларини ҳар кимсага сўзламагайлар, шайтон сифат одамларнинг ҳийла-найрангларига алданиб қолмагайлар. Кимки ҳар қандай одам билан суриштирмай суҳбатлашиш ва дўстлашишни ҳавас қилса, унга мен фақирнинг тажрибаси етарлидир.

Бинобарин, бу сўзларнинг дилларга ёқимлилиги туфайли асарга «Махбуб ул-қулуб» («Қалблар севгилиси») деб ном қўйилди. Бу битилганларнинг фойдали таъсири билинди ва уни уч қисмга бўлинди:

БИРИНЧИ ҚИСМ: ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи ҳақида, **ИККИНЧИ ҚИСМ:** ях-

¹ Шеърларнинг асли китоб охирида берилади.

* Туз — текис чул (дала-туз).

ни феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақида;
УЧИНЧИ ҚИСМ: турли фойдали кузатишлар ва
мисоллар ҳақида.

Умид шуки, бу асарга уқувчилар диққат-эти-
бор кузи билан назар солиб, ҳар қайсилари ўз
фаҳми-идрокларига яраша дилларини обод ва
ёзувчи руҳини ҳам дуо билан шод этгайлар.

БИРИНЧИ ҚИСМ

*Кишиларнинг аҳволи, феъл-атвори ва
гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида*

Бу қирқ фаслдир

1. ОДИЛ ПОДШОҲЛАР ТУҒРИСИДА

Адолатли подшоҳ ҳақ таолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидир; бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир...

Одил шоҳ қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар очади ва мамлакат халқи бошига олтин билан дурлар сочади. Қамбағал ва бечора одамлар унинг яхши, мулойим муомаласидан роҳатда; золим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тигидан қўрқувда. Адолатли шоҳ шундай қўриқчики, унинг сояйи давлатида қўй-қўзилар бўри хавфидан омон; ёмонларга шафқатсизлигидан йўлдаги мусофирлар йўл тўсарлар ваҳимасидан эсон. Марҳаматидан мактабларда болалар шовқин-сурони... Ҳайбатидан йўлларда қароқчилар йўқ ва халқ қўли ўз моли билан тўлиқ. Забтидан амалдорлар қалами синиқ ва золимлар байроғи йиқилди. Ғамхўрлиги ва фаолиятидан масжидлар жамоат билан тўла ва мадрасалар илм устида баҳслашувчилар билан ғала-ғула. Қасоскор тигидан ўғри қўли эл молига етмайди ва ўчи олиши хавфидан йўлтўсарларнинг қадами йўқлиқ биёбонидан нарига ўтмайди. Савдо қилиш учун тун бўйи дўконларда шамъ ўчмайди, олди-сотди қилувчилар кўчаларда безорилар дайдишидан қўрқмайди. Шомдан то саҳаргача масжид хонақоҳларининг эшиги очиқ; хилватхоналар ибодат нуридан ёруғ. Шаҳарда кўчалар посбони у, далада қўйлар чўпони у. Аҳолининг ҳовли-боғи унинг шарофатидан обод; сипоҳлар орзу-умидларига етиб шодон. Одил шоҳ шарофатидан кечалари турк аёлларининг аллалари тинмайди; болалар эса, бемалол ошиғини ўйнайди. Қампирлар ип йигираркан, чарх овозига жўр бўлиб, унинг ҳақиға дуо ўқийдилар; канизам-

лар пахта саваркан, савагпчининг тап-туши билан тўлқинланиб, қўшиқ айтиб, уни олқишлайдилар. Фақирлар унга дуо-тахсин ўқиб, эркалик қиладилар. Шоҳ эса, очик қўллилиқ билан фуқарога саховат қилади ва уни сийлайди.

Очларнинг овқати одил шоҳнинг шафқат ва муруват билан ёзган дастурхонидан; яланғочларнинг либоси унинг лутф-марҳамат хазинаси эҳсонидан. У мамлакат боғини обод қилишда ёмғир булутидай сероб; мамлакат аҳли кўзини ёритишда жаҳонга нур сочувчи офтоб. Ўзга юртларининг элу халқи уни орзу қилади; бошқа ўлкаларнинг мазлумлари адолатпарварлиги туфайли уни дуо билан тилга олади. Олимлар унинг яхши номини таърифлаб рисоалар битади; шоирлар унинг гўзал сифатини мадҳ айлаб қасидалар ёзади. Бастакорлар унга атаб куйлар яратади; хонанда-созандалар уни дил-жигардан куйлайди.

Адолатпарвар шоҳ халқни рози қилса, хақ-таоло шоҳдан рози бўлади, кишиларнинг арзу додини тинглаганда, бу иш юзасидан халқ олдида сўроқ беришни ўйлаб, изтироб чекади.

Маснавий:

Ўзи подшоҳ, лекин дарвешсифат,
Унга шоҳликдан кўра фақирлик хуш келади.
Халойиққа бу шоҳдан нажот етсин,
Ҳаёт ундан асло холи бўлмасун³.

2. БЕКЛАР ҲАҚИДА

Мундоқ шоҳга бек набий хизматидаги тўрт (чаҳор) ёрнинг биридек.

Бек* камбағал бечораларнинг паноҳи ва подшоҳ давлатининг — хайриҳоҳи. Бек шоҳга бу дунё ҳақида чин сўз дегувчи ва охират ғамин егувчи, ундан ёмонларнинг кўнгли вайрон, яхшиларнинг мушқули осон. Унинг кўнглида халқ молига тама йўқ: дунё йиғишининг хаёли йўқ. Муроди — аҳолининг тинч-омонлиги; мақсади — жамиятнинг равнақи... У мусулмонларни рози қилувчи киши, мусулмонлар эса уни дуо қилади. Унинг зоти тузук, шоҳ эшигида ҳам қилмиши яхшилиқ.

Шоҳ эшиги бундай беклардан холи бўлмасин, давлат осмонида бундайларнинг умри қуёши завол кўрмасин.

* Бек — шаҳар ёки вилоят бошлиғи, умуман улуғ мансаб эгалари.

3 НОМУНОСИБ НОЙИБЛАР (ЎРИНБОСАРЛАР) ТЎҒРИСИДА

Ёлғончи, худбин нойибнинг мусулмонман, пайғамбар умматиман, дегани, Жаброил — фариштанинг худодан келтирган хабарларини гапиряпман, дегани — барчаси ёлғон.

Шунигдек, шоҳ хусусияти ҳақидаги гаплари ҳам қип-қизил ёлғон. Унинг ёлғон ҳукм тарқатувиға боис тамаъ шумлигидир; нотўғри фармон чиқарувига сабаб, дунёға хирс қўйишидир. Бир нарса оладиган бўлса, чин ўрнида ёлғон гапирди; мусулмонларга зарар етказиш унинг дини ҳисобланади. Ёлғон турганда унинг чин сўзлаши амримаҳол; пора олишда эса, тилида бир гапни айтади-ю, дилида бошқа хаёл. Сўзи билан иши бир бўлмаган бундай нойибнинг шоҳ эшигидан йўқолгани авло.

4. ЗОЛИМ, ЖОҲИЛ, ФОСИҚ ПОДШОҲЛАР ТЎҒРИСИДА

Адолатли подшоҳ ёрқин кўзгу бўлса, бу унинг теска-рисидир; униси ёруғ тонг бўлса, буниси — қоронғи кеча-дир. Зулм қилиш унинг кўнглига ёқимли; ахлоқсизлик эса табиатига севимли. Мамлакат нотинчлиги унинг юрагига ором бағишлайди; халқнинг бесару сомонлиги эса хотиржамлик келтиради. Обод жойлар унинг зулмидан вайрон, кабутар уйлари бойқушларга ошиён.

Золим подшонинг базмида май — бода сели тугён қилиб, бу селдан мамлакат ободлиги вайрон бўлади. Май қўювчи уйига ётқизилган фишт масжиднинг тукилган равоқидан, май хуми оғзига ётқизиб сувалган фишт эса емирилган меҳробнинг тоқидан. Ноҳақ қон тукишлик унга ҳунар, кимки жони бор, ундан қўрқар. Агар шароб ичишни бошлар, мусулмонлар кўча-кўйда юришни тарк эгар. Агар хулқи бузуқ ва ёмон феъл бўлса, халқнинг ўғил-қизига увол. Агар жаҳли тез ва қайсар бўлса, мушфиқ Навоийнинг ҳолига вой.

Бундай ёмон подшоҳларнинг номаъқулчилиги ўзини хуш ёқади; халқнинг маъқул иши унга номаъқул. Бирининг кўп хизмати озгина камчилиги бўлса, йўқдир қиммати. Ҳақ ва рост гап оз хато билан унинг назарида ёронга чиқади. Ўзининг хато фикри унги келмаса, дахлсиз одамлар жавобгар бўлғуси; хато фикрга қаршилиқ кел-сатганлар туҳмат балосига қолғуси. Носавоб хаёли кўзга чиқмаса, алоқаси йилларга изолайди, хабари йўқларни азобдан қўйиб қалб-хуштан қўйди. Тахсин айтмаган ко-

ра рӯзигор. Ҳа фойдасига қатраини қадри дарёчалик ва заррини қиймати қуёшчалик; халқнинг бир дунё моли бир қора пулчалик қадрсиз; фидо қилган азиз жони эса, аҳамиятсиз. Золим шоҳ қора қузғунни оқ туйғун — деса, гозни яхши олади демаган айбдордир; ёруғ кунни қора тун деса, осмон тўла юлдуз демаган одамнинг ҳолига вой.

Чун гапни айтувчиларнинг жони хатарда; хайрли ишга далолат қилувчилар ўлим хавфида. Ҳақиқат унинг қаршисида беҳуда, ақлли одамлар унинг наздида нодон.

Жоҳил подшоҳнинг кунглида халққа нисбатан адовати муҳфий хазинасидан кўра кўпроқ. Ўлдирмоқ учун жон бермоқ унинг шиори, элнинг молу жонига қасд қилмоқ унинг шикоридир.

Бу ёмон подшоҳнинг вазири ҳам Фиръавннинг Хомон деган вазирига ўхшаш ёмондир.

Байт:

Бундай шоҳлар заҳарли илонга — вазирга мададкор бўладилар,
Халқ учун вабо бир сари, булар бир саридир⁴.

Ҳақ бундай балоларни номавжудлик чоҳидан мавжудлик тахтига чиқазмасин ва йўқлик зиндонидан борлиқ шаҳрига йўлатмасин!

5. ВАЗИРЛАР ТУҒРИСИДА

Вазир сўзи «визр» (гуноҳ) сўзидан келиб чиққандир. Бу ҳол унинг табиатига жуда мос ва лойиқдир. Вазирликни ғоятда ўрнига қўйиб бажарган Сулаймон пайғамбарнинг вазири Осаф бўлиб, у ўз узугига: «Инсофли одамни худо раҳмат қилсин!» деб ёзиб қўйган экан. Ўша Осаф дунёдан кетар чоғида инсофни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди ва инсоф гавҳарини ноинсофлар орасида қолдирмади. Кнши ўзини ҳар қаёнга елдек ургани билан, Осафни бу дунёда қайдан топади?! Агар, дунё аҳлидан бирор зотни Осафсифат дейиладиган бўлса, ишонмангким, Сулаймон тахти аллақачон барбод бўлиб, Осаф ҳам аллақачон ўлиб кетган.

Бу золимлар мамлакатни барбод қилувчи, халқнинг йиғган-терганини йўқотувчилардир. Энг яхшиси, бирор кимса булар ҳақида қалам тебратмагай ва бу қаламдек юзи қоралар номини қалам тилига келтирмагай. Дори ўрнига заҳар бериб, беморларни ўлдирувчи табиблар буларга жуда ўхшаш ва яқиндир. Бу икки тоифадан ҳар

бирн илондир, шоҳ бундайларни ер билан яксон қилничи зарур.

Буларнинг ҳаммаси чиён; халойиққа етказади кўп зиён. Улар қаламининг учи — чиён найзаси; аҳоли жонита у найзадан ўлим даҳшати. Бу найза мазлумларга қанчайин санчилса, у золим вазирларнинг боши ҳам ажал тоши билан шунча янчилади, деб умид қиламиз.

Рубоий:

Булар ичра гарчи балад-пасти бор.

Барибир, халойиққа жабри бор.

Шоҳ ундайлрни бутунлай йўқ қилиб юборса яхши,

Пайғамбар дебдурки, «золимларни ўлдириш!»

6. ДИЁНАТСИЗ САДРЛАР /МАНСАБДОРЛАР/ ТУҒРИСИДА

Виждонсиз, ҳаром-харишдан тортинмовчи, бедиянат садрлар — ҳеч зарурати бўлмаган бидъатдек нарсадир. Агар бу нокас илмсиз бўлса, бутун қилмиши — бузуқлик, фисқу фужурдир. Унинг базмидаги саз ва куй оҳанглари илм ва тақвога тутилган азанинг мотам фарёдидир.

Олимлар тарафидан гулоб (гул шарбати) солиб келтирилган шишалар бўшагач, хизматкорлари бу идишларни май билан тўлдирадилар: улар учун келтирилган навротни ушатиб, садрлар ўз ичкиликларига газак қиладилар, бунинг вазифаси бошқа нарсаларга кўчирилган. Ярамаслик унда ғолиб, талабалар эса югурдакли қиладилар. Уларнинг хизматкорлари хонақо учун ажратилган таомга, маҳрам болалари эса шайх ва мударрис маошига шерик. Базмига май келтиришга муҳтасиб рози ва унга май сузгувчи соқолли қози. Мамлакатда бу каби ман қилинган нарсалар ривож топаверса, ислом ва шариатга ҳурмат бўлармиди?

Аслида, садр — олимларга дастёр, шайхларга хизматкор, сайидларга кўмакчи ва фуқаро хизматига ҳаминша тайёр бўлмоғи керак. Улар зулм риштасини узгувчи, вақф ерларининг бузилганини тузувчи ва зироат-деҳқончиликни авж олдиришга саъй-ҳаракат кўргизувчи бўлмоғи керак.

Маснавий:

Садр бузмас фақат майхўр, палидин,

У бузғай хожани, ҳатто сайидин.

Ўзи ойёру маккордир саросар
Сўзи кўп ялтироқ, тўн зебу зевар.

Қитъа:

Истарки, бошига алоқали салла ўраса,
Эғинга мавлавийлардек ридо ташласа,
Бу етмагандай, отининг бўйнига қўтос осиб олса,
Соқолидек, ўзи ҳам ўз бўғзидан осилади⁵.

7. БАҲОДИРЛИҚ ЛОФИНИ УРГАН ФОСИҚ ВА ОЧКЎЗ МАҚТАНЧОҚЛАР ҲАҚИДА

Шоҳ эшигида — уйнда пул-молни совиргувчи бу одамлар на тангрига ибодат ва на шоҳга итоат қиладилар. Истагани шухратпарастлик ва одатлари олифтагарчилик. Юриш-туришлари маст-аластлигу, ўзларига зеб бериш. Чин гаплари — лоф уриш, маъноли сўзлари — ёлғончилик. Динлари — ичкиликбозлик, расм-русумлари — динсизлик. Истаклари от чоптириб завқ олиш. Гап-сўзлари бош-яланг бетга чопиш.

Базмда даъволари ўзларини Ҳотамдек, жанг-жадалда ўзларини Рустамдек танитишдир. Бошларидаги жиганинг дабдабасидан «Насри тойир»* юлдузи ҳуркади; найзаларидан «Симоки ромих»** юлдузига доғ тушади. Салла ўрашлари ҳам бесўнақай, қўпол; салла печининг узунлигидан эса, елкаларида бетиним озор.

Мамлакат ёвини қувиш, юрт сақлаш ишимиз деб шоҳга миннат этишади, бу даъволарга эришгунча нечтасини ичкилик ўлдиради, бир қанчалари эса бошқа ёмонликлар туфайли дўзахга равона бўладилар. Буларнинг юздан бири жанг майдонига етади; шунда ҳам йўртоқи чопиш билан ўзини ҳалок қилади. Булар жанг майдонида баҳодирлик лофин урадилар ва душман сафини бузиш ўрнига ўз шерикларини босадилар.

Бу хилдаги «баҳодир» ҳеч жанг майдонида бўлмасин; душман сафини бузишда, майдонда бундайларнинг қони тўлмасин!

Шоҳ учун камбағал-бечоралар дуоси, фуқаронинг тинч-омонлиги ва тангрининг розилиги — жанговар қўшиндир. Агар шоҳ қўшинига ҳақ меҳрибончилик қилса, унинг байроғи: «Зафар берувчи оллоҳдир» шиори билан

* Насри тойир — қийғир шаклида тасаввур этиладиган бир юлдузнинг номи (уқоб деб ҳам юритилади).

** Симоки ромих — Асад буржидаги бир юлдузнинг номи.

зийнатланади. Агар шоҳга давлат бўлса ёр — душман бўлур хору хоксор...

8. ЯСОВУЛ ГУРУҲИ ТУҒРИСИДА

Ясовул шундай одамки, у мазлум, эзилган кишини золимнинг зулмидан қутқаргай. Лекин ясовул бу хизмати учун ҳалиги мазлумдан ортиқча ҳақ олгудек бўлса, у ҳам зулмкорнинг зулмига каттакон шерикдир. Агар хизматига яраша ҳақ олиш ҳаёлида бўлса, у ота мероси ва она сути каби ҳалолдир. Ва агар олган ҳақи хизматидан кам бўлса, бу унинг мард ва мурувватлилигига далолатдир. Борди-ю, астойдил иш битирса-да, ўзига тегишли бўлган ҳақни олмаса, бундай одамни чин авлиё деса бўлади.

Кўпгина яхшилар бу каби жўмардликни ўзларига шиор қилиб, шу йўл билан барча мақсадларига эришганлар.

Маснавий:

Турли сувратда бўлулар авлиё.
Баъзиси эл ҳожатини қилгай раво
Лек аларнинг сирлари элдин ниҳон,
Ҳақдин ўзга кимсага эрмас аён.

9. ЛАШҚАРЛАР ВА ҲАРБИЙ ЮРИШДАГИ ҚОРА ЧЕРИК ТУҒРИСИДА

Ҳарбий юришдаги қора черик — яъжуж ва маъжуж деб аталган махлуқ гуруҳига шерик. Меҳнатда тиними йўқ, юриш билан бўлиб, ўй-орзу нима билмайди. Ишлари талаш мумкин бўлганин таламоқ, ёт юртларни чигирткадек босиб, гиёҳ ва япроқларгача яламоқ.

Инсонийлик билан улар ўртасида қарама-қаршилик, мусулмонлик билан улар орасида келишмовчилик бор. Уларнинг зоти фаҳм-фаросатдан холи; барчаси ақл-идрок ва инсоф каби фазилатлардан бегона. Қаёққа юзлансалар, уларда қайтиш йўқ; кўпинча кечаси ҳам, кундузи ҳам ғафлат уйқусидан уйғониш йўқ. Таналари иссиқ-совуқни фарқ қилмайди; гавдалари очлик ва яланғочлик зарарини сезмайди. Одамгарчиликлари йўқлиқда махлуқлардан ҳам ўтадилар; ҳайвонга хос қилиқлари кўпу одамийликлари оз.

У гуруҳдан ажиброқ ҳалойиқ, бўлмайди, 3,5
Чунки ҳаромхўрлик билан қоринлари тўлмайди.

То ўлгуяча бало бўлиб яшайдилар,
«Ясоғлиқ (аскар) ўлмайди», деган гап рост экан.⁶

Қизиги шуки, ҳақнинг ҳар табақадаги элга яширин марҳамати бўлгани каби, булар орасида ҳам яхши одамлар йўқ эмас.

Қўшин бозорини ҳам ясоғлиқ аскарлар қизитади; улар ҳар парсани арзонга олиб — қийматга сотади. Амалдорлар мамлакат аҳолисидан пора олганлари каби, улар ҳам қўшин улушидан чўтал олиб турадилар.

Байт:

У чиркин гуруҳ сипоҳлар молни нечаю кундуз истасанг
ҳам, истамасанг ҳам олади⁷.

Уларга одамзод сазо бериши мумкин эмас, уларни ҳақнинг ўзи жазоласин.

10. ШОҲГА ҚАРАМ ОДАМЛАРНИНГ УНГА ЎХШАШЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Кимки шоҳга хизматкор ва қарам бўлса, иши ва муносабати ҳам шоҳниқига ўхшаш бўлади. Агар шоҳ адолатпарвар бўлса, аҳолисида ҳам адолат асарлари бўлади. Агар шоҳнинг одати халққа зулм қилишлик эса, эли ҳам зулм фикри билан яшайди. Агар шоҳ эътиқодли бўлса, халқининг шиори ҳам ислом ва дин бўлади. Агар шоҳ кофиртабиат бўлса, қарамоғидагиларда ҳам шундай кофирлик феъли бўлади.

Донишмандлар шоҳни улуғ, пишқириб оқадиган дарёга; аҳолиси ва яқинларини эса дарё атрофидаги анҳорларга ўхшатадилар. Дарё сувида қандай хосият ва кайфият бўлса, анҳорларида ҳам шу каби кайфият ва хосият бўлади. У аччиқ бўлса — бу аччиқ; у чучук бўлса — бу чучук. У лойқа бўлса, бу лойқа, у тиниқ бўлса — бу тиниқ.

Бир дарёдан чиқадиган ариқлар
Сувини билимдон киши бир хил деб билади.
Модомики, дарё билан ирмоқ суви бир бўлгач,
Можаро кўтаришга ҳожат йўқдир⁸.

11. ШАЙХ УЛ-ИСЛОМ ТЎҒРИСИДА

Шайх ул-ислом — мусулмонлар пешвоси бўлиб, мусулмонлар унинг йўлидан боришлари лозим. Бундай

одам зур олим бўлмоғи, ислом динини ҳимоя қилмоғи ва унинг тарғиботчиси бўлмоғи даркор. У даргоҳга яқин, шариат қонунидан чиқмовчи, фақирликка қаноат қилувчи, поклик йўлини тутувчи, ёмон, яхши кишиларга бирдай шафқатли, катта-кичикка бир хил — фақат тўғри йўл кўрсатувчи, рад этиб бўлмас даражада ҳақ сўз-ни сўзловчи, шариат қонунларида мустаҳкам ва барқарор турувчи, ҳар қандай бидъатчининг бидъатини йўққа чиқарувчи; файзли ва обрули одам бўлмоғи шарт. Шундай бўлгандагина уни «Шайх ул-ислом» деса бўлади.

Байт:

Шайх ул-ислом пир Ансорий
Шундан холиқнинг яқини бўлади⁹.

12. ҚОЗИЛАР ТЎҒРИСИДА

Қози мусулмонлик биносининг таянчидир ва мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир. Қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий билимлардан хоотири хабардор бўлиши керак. Хамирида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, соф кўнгли иккиюзламачилик иллатидан холи бўлиши лозим. Қозининг маҳкамаси шариат илмининг хазинаси бўлмоғи; у ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоғи лозим. Унинг билимдонлигидан ва қалби поклигидан кишилар кўнглида унга ҳурмат ва шукуҳ; ишга диққат-эътибор ва фаросат билан муносабатда бўлишидан бедиёнат — виждонсизларнинг юрагида ғам-андух; кўнгли ҳақ каломлари билан кучли; ҳукмлари ҳадисларга асосланган. У шаръий ҳийлаларни ўз кўнглига, ҳуқуқшуносларнинг шубҳали алдовларини эса замирига йўлатмаслиги керак; порахўр муфтилар унинг қошида тубан ва хор; ҳийлагар вакиллар унинг қаршисида айбдор бўлмоғи зарур.

Агар илмсиз қози ичкиликхўр бўлса, уни ўлдирмоқ керак ва дўзах ўтига етмасданоқ куйдирмоқ керак. Агар қози порахўр бўлса, ислом дини қўрғонига раҳна солувчи бўлади; агар у ўзи пора бериб, қозилик мансабига ўтирган бўлса, пора эвазига шариат қонунини буза олади.

Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги — тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим. Ахир, тўғри чизиқ оғдирилса, эгри бўлади. Чолғу асбобининг тори созлайма-

ган бўлса, овози бузилади. Модомики, ҳукми элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шиори тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи лозим.

Қозининг оёғи тўғрилиқ кўпригидан четга тояр экан, жонини жаҳаннам тубида бўлади. Қозилик ишини қандай хоҳласам, шундай қиламан дейиш ҳаёсизлик ва ёлгончиликдир.

13. ҚОНУНШУНОС МУФТИЛАР* ТЎҒРИСИДА

Ҳар иш ва ҳар нарсанинг тўғри ва нотўғрилиги ҳақида фатво берувчи ҳуқуқшунос муфти диндор ва етук олим бўлиши керак. У мўмин-мусулмонлик илмида моҳир; диёнат нури пешонасидан зоҳир бўлмоғи керак. Унинг кўнгли ҳеч нарсага оғмаслиги, кўнглида ҳийлагарлик бўлмаслиги; ривоятлари тўғри, ёзганлари устозларнинг сўзларига мувофиқ бўлмоғи лозим. Муфти — ичкиликбозлардек фосиқ — ахлоқсиз; жоҳил одамлардек бадкирдор ва шафқатсиз бўлмаслиги; бир танга учун юз ҳақни ноҳақ ва озгина марҳамат учун кўп «йўқ» ни «бор» деб битувчи бўлмаслиги керак. Бир сават узум учун бир боғнинг куйиб кетишидан ғам чекмайдиган ва бир ботмон буғдой учун бир хирмоннинг совурилишидан ташвишланмайдиган бўлмаслиги лозим. Муфти ҳийлагарлик билан ёлгон фатво (ҳукм) ёзар экан, у қаламининг учини билан шариат юзини қора қилган бўлади; шу қилган иши учун ҳақ олиб, ўз молига қўшса — динини дунёга сотган бўлади. Бундай муфти — одам ўлдирувчи табибдир. Бирига ислом динини ўлдириш, иккинчисига мусулмонларни ўлдириш насибдир.

Рубоий:

Муфти агар иши учун ҳақ олиб қалам тебратса,

Ҳақ ортиқ бўлса, озайтирмоғи керак.

Фатво беришда пул эвазига «ҳа» ёки «йўқ» деган

Ҳукмини қиладиган бўлса,

У қалам тебратувчининг қўлини қаламдек кесмак керак¹⁰.

14. МУДАРРИСЛАР ТЎҒРИСИДА

Мударрис — мансаб ва амалдорликка қизиқмаслиги; ўзи билмайдиган илмдан дарс беришга урунмаслиги; манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргизмаслиги; ол-

* Муфти — ислом дини ҳуқуқшуноси.

гирлик билан дарс ўрнига шовқин-сурон солмаслиги, жоҳиллар каби салласи катта-ю, печи узун бўлмаслиги, мақтанчоқлик учун мадраса айвонининг турини эгалламаслиги лозим.

Мударрис — дин илмидан аниқ масалаларни билмоғи керак, кўпчиликка дунёвий билимлардан таълим бермоғи лозим; у ярамасликлардан хазар қилмоғи ва нопок одамлардан узоқ юрмоғи; ўзини олим ва билармон деб кўрсатмаслиги; турли-туман ахлоққа хилоф ишларни «қилса ҳам бўлади» деб ҳаромни ҳалолга чиқармаслиги; жойиз бўлмаган ишлар билан машғул бўлиб одамларни ёмонлиққа ўргатмаслиги; қилиш керак бўлган ишларни қилмасликни ҳам одамлар ундан ўрганмаслиги керак.

Агар шундай ножўя ишларни қилса, бу мударрис эмас, бидъатчи — беҳуда одатларни тарқатувчидир. Бундай кишиларнинг суҳбатида бўлиш ислом аҳлига ман қилингандир. Мударрис — олим, тақводор бўлмоғи, яъни ҳамма зарарли ишлардан сақланмоғи; ҳалол иш тутмоғи лозим...

15. ТАБИБЛАР ТУҒРИСИДА

Табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши; беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиши; асли тиб илмига табиати келишмоғи, донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи; мулойим сўз ва бемор кўнглини кўтарувчи, андешали, хушфёъл бўлмоғи керак. Ўткир ва шафқатли табиб Исога ўхшайди. Исонинг иши чиққан жонни дуо билан танга киритиш бўлса, бунинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармасликдир. Бундай табибнинг юзи хасталар кўнглида севимлидир; сўзи эса, беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар бир нафаси беморларга даво; ҳар қадами эса, хасталарга шифодир. Унинг юзи нажот келтирувчи Хизрни, берадиган шарбати эса тириклик сувини эслади.

Табиб агар, ўз касбида моҳир бўлсаю, аммо ўзи бадфёъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам, бари бир унинг мизожида ўзгариш пайдо қила олмайди. Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллоднинг шогирди кабидир. У тиг билан ўлдирса, бу заҳар билан азоблайди. Шубҳасиз, жаллод бундай табибдан яхшироқдир: зеро, у гуноҳкорларни ўлдиради, бу эса бегуноҳларни ҳалок қилади. Ҳеч гуноҳ-

кор жаллод қўлида хор бўлмасин; ҳеч бир бегуноҳ касалманд бундай табибга зор бўлмасин.

Байт:

Ширин сўзли моҳир табиб тан хасталигига шифодир,
Бадфеъл, сержаҳл ва саводсиз табиб эса эл жонига балодир.¹¹

16. НАЗМ ГУЛИСТОНИНИНГ ХУШОВОЗ ҚУШЛАРИ* ТУҒРИСИДА

Улар бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳи — илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойиган ва халқнинг таърифига эҳтиёж сезмаганлар бўлиб, қиладиган ишлари маънолар хазинасидан жавоҳирлар йиғмоқ ва у жавоҳирларни эл эзгулиги учун назм ипига термоқликдир. Назмларининг ифодаси ниҳоятда қутлуғ, ғоят ёқимли ва улуғдир. Истаган одам буларнинг шеърларидан сўз муъжизаларини топа олади. Буларнинг назмлари шундай табаррук каломларки, ҳурмат юзасидан уларни шеър дейишга ҳам элнинг тили бормайди.

Мана шу азиз ва шарофатли зотлар гуруҳининг энг улуғ пешвоси ва энг биринчиси ва энг сараси, валийлик денгизининг гавҳари ва каромат пешаларнинг энг юксак юлдузи — муъминларнинг амири ҳазрат Алидирларким, ҳақ у кишидан рози бўлсин ва юзларини ёруғ қилсин. У кишининг шеърӣ девонлари бор бўлиб, унга яширинган сир ва маъноларнинг чегараси йўқдир.

Энди биз бу ажойиб зотлар гуруҳига мансуб бўлганлардан баъзилари ҳақида айтиб ўтайлик:

У жумладан: форсий ибора билан сирлар жавҳарини тизувчи Шайх Фаридуддин Аттор; «Маснавий»ни ёзувчи, яқинлик денгизининг сувчиси Мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийлардир. Буларнинг шеър ёзишдан мақсади илоҳий сирларни баён қилмоқ ва чексиз маърифат тарқатмоқдир.

Яна бир гуруҳ шоирлар борким, улар ҳақиқат сирларига мажоз сирларини аралаштириб, ўз фикрларини шу услубда ифода этибдурлар. Чунончи, маъно аҳли сўз пардозчиси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозӣ; ишқ аҳлининг чин ва садоқатли ошиғи Амир Хисрав Деҳлавӣ; тасаввуфда нозиқлик ва мушкуллик чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Санойӣ; ҳақиқат аҳлининг

* Яъни, шоирлар ҳақида.

ягонаси Шайх Авҳадиддин; сўз билан ҳар қандай чуқур маъноларни ифода қилган Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз.

Яна булардан бошқа бир гуруҳ бўлиб, уларнинг кўпчилики асарлари мажозий маънодадир. Улардан Камол Исфаҳоний, Ҳоқоний Шервоний, Ҳожу Қирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Ҳожа Камол, Анварий, Заҳир, Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворийдирлар.

Яна, ҳақиқат, инсоний севгини мадҳ этиш йўлида камолга эришган, илми ҳар икки йўлда ҳам мукаммал ва бекаму кўст бўлган, назм аҳлининг пешвоси ва раҳбар устози хазрати шайхулислом, миллат ва диннинг нури мавлоно Абдурахмон Жомийдирларким, биринчи гуруҳ равишида сўзи шарафли ва сўнгги гуруҳнинг ҳам услуби гузалликларида камол эгасидирки, дунёдаги илоҳий ҳақиқат шайдолари ҳам, пок инсоний муҳаббат аҳллари ҳам буларнинг латиф ва маънодор сўзлари билан хушнуддирлар ва тарқатган маърифатлари билан ҳузур қиладилар.

Яна, пастки табақадаги жамоат ҳам бўлиб, булар фақат шеър ёзиш билан шод ва хурсанд, рози ва баҳраманддирлар. Улар юз машаққат билан бир байт тўқий олсалар, шоирлик даъвосини етти қават осмондан ҳам ошириб юборадилар. Сўзларида на ҳақиқат ва маърифат болидан лаззат, ёзган назмларида на шавқ ва на ишқ ўтидан ҳарорат бор; на шоирона таркибларида гузаллик ва на ошиқона куйиш-ёнишларида аланга мавжуд. Агар баъзиларида гоҳо бирор яхши байт юзага келиб қолса, уларча ўринсиз даъво билан ҳамма ёққа жар солиб, у байтни ҳам зойеъ қиладилар. Булардан баъзилари бирор ёқимли маъноли нарсга тўқиса, уларча ёқимсиз даъвою манманлик билан уни ҳам йўққа чиқардилар. Гуё уларнинг ўзларига ишончлари зўру ўз яратган сўзларига эътиқодлари мустаҳкам. Қизиги шундаки, бу тоифа шоирларнинг кўпчилигининг шеърда маъно озроқ ва шоирлик даъволари кўпроқдир.

Рубоний:

Аълолари уларнинг энг яхшисидир,
Тубанлари эса барча тубанлар тубани.
Ўртароқлари эса ҳеч нарсга ярамайди,
Билгилким, яхшиси улардан оғиз очмаслик керак.¹²

17. КОТИБЛАР ТУҒРИСИДА

Котиб шоирлар шеъри билан варақни безовчи ва сўз хазинасининг хазинасидир. Хазиначининг вазифаси амонатни сақлашдир, уни рухсатсиз сарфлаш эса хиёнатдир. Амонат сақловчи киши хиёнатчи бўлса, ўз касбида айбдор бўлади ва бундай кишининг қўлини кесмоқ яхшидир. Яхши ёзилган хат ва хатга қўйилган нуқталар, чиройликлар юзига гўзаллик бахш этган холдек оқ қоғоз жамолини безайди. Чиройли хати бор котиб сўзга оро беради ва сўзлагувчига роҳат бағишлайди. Агар хат битувчи хаттот тўғри ёзса, унинг битгани тўғрилар кўнглига сўзсиз мақбул бўлади. Муҳаррир, хоҳ бир байт, хоҳ юз байт ёзсин, таҳрири дуруст бўлса мақбул тушади. Агар ёзув шакли чиройли ва тўғри бўлмаса, билимли кишини ташвишга солади.

Шунингдек, чиройли ёзадиган котиб ҳам кўп хатога йўл қўядиган бўлса, унинг қўли фалаж касалига йўлиқсин. Кимки, нуқтани ўринсиз қўйиб — «ҳабиб»ни «ҳабис», «муҳаббат»ни «меҳнат» қилиб ёзгудек бўлса, ундай фалокатга юз лаънат! Хати ёмонлиги устига яна беҳисоб ғалат ва хатоларга йўл қўйишлик, қари кишининг соқол бўяб, масхара бўлгани кабидир. Ундай хатни парчалаб, аҳлатхонага ташлаш, хаттотни эса дўзах посбонига топшириб, жаҳаннамга йўллаш яхшидир.

Севгилидан келган мактубнинг хати гўзал ҳам мазмунли ёқимли бўлса, кўнгил истаги ва жон ороми шудир. Аммо севгилисидан келган мактубнинг ёзуви хунук бўлса ҳам севгучи уни ёмон демайди.

Ёмон котибнинг жойи қаламдондек чуқурлик бўлсин, боши эса қаламдек яра ва қора бўлсин.

Байт:

Сўзни чалкаш, хато ёзадиган юзи қора котиб —
Боши қаламдек тилинсин¹³.

18. МАКТАБ АҲЛИ ТУҒРИСИДА

Мактабдор домла гуноҳсиз бечораларга жафо қилувчидир. У ёш болаларни азоблаш ва калтаклашга ўрганган; ўзи раҳмсиз, мияси пўлатдан, кўнгли эса тош кабидир. Ҳазабидан қоши чимирилган, гуноҳсизлар билан аччиқлашинишга одатланган. Уларнинг кўпчилигида кўн-

гил қаттиқлиги ва тамаъ хасталиги ошкор. Бунинг устига, улар ақл камлигига ҳам гирифтор. Улар қийнаш йўли билан болалар кўнглини ўзларига ром қилмоқчи ва кичкинтойларнинг беқарор табиятини дўқ-пўписа билан тартибга солмоқчи бўладилар. Улардаги кўришиб турган қўполлик ёш болалардаги келишмаган хатти-ҳаракатни силлиқлашга йирик эговдир. Уларнинг иши одам тугул, ҳатто девнинг ҳам қўлидан келмайди.

Лекин инсоф билан айтганда, ҳар қандай иродали одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади. Мактабдор домла эса, бир тўда болага илм-адаб ўргатади. Бунга нима етсин! Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми идроки озлари бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳақи кўп; агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди. Бинобарин, шогирд шайх ул-ислом ва қозилик даражасига кўтарилганда ҳам устози ундан рози бўлса, тангри ҳам рози бўлади.

Ҳақ йўлида кимки сенга қийналиб бир ҳарф ўқитган бўлса, Унинг ҳаққини юзта хазина билан ҳам адо қилиб бўлмайди.¹⁴

19. АШУЛАЧИ ВА ЧОЛҒУВЧИЛАР — МУТРИБ ВА МУҒАННИЙЛАР ТУҒРИСИДА

Шодлик оширувчи хонанда: ғамни тарқатувчи созанда — буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо қиладилар. Модомики, улар мулойим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга фидо бўлса не ғам? Ахир, кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади. Ёқимли овозу маҳорат билан куйлайдиган хонандадан дард аҳлининг ўти яна алангаланари. Агар гўзал бўлса, ҳиссиёт аҳлининг ўртасида қиёмат кўтарилади. Ҳар бир созанданинг куйи дардлироқ ижро этилса, унинг чертиши дардли юракка қаттиқроқ таъсир қилади. Очиқ чехрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа, дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқаради. Фаҳм-фаросатли созанданинг ёқимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қилади. Хусусан, ўзи чалиб, ўзи куйласа, кўнгил мулкига қўзғолон солади.

Сулуқ аҳлига яширин бўлган бу манзилда инсон ҳам камолот топади, ҳам зарар ортиради. Солик бу ерда бир дардли оҳ билан мақсадига етибдур ва бир наъран

жонкоҳ билан йиллар бўйи қозонгани ҳам илгидан — қўлидан кетибдур.

Шиблӣй ва Нурий... самоъда кетдилар ва бу йўл тариқат бирла мақсад маъзилига етдилар. Кўп оллоҳни истагувчилар арганун — орган садосига мафтун бўлиб, бутхонага кирди ва динну ислом нақдини муғбачаларга бой бердилар.

Майхонада кимки май ичишдан ибo қилса, най овози бир дилкаш наво билан уни расво қилади-қўяди. Агар киши май завқини унутиб, ичишдан тортилар экан, гижжак чўзиқ нолалар чекиб, унга ёлборади ва танбур пардалари мафтункорлик билан ҳалок этади, унинг ҳаловат пардасини чок этади, чанг зорланиб, бўғзини чўзада; уд тилининг инграб ёлбориши чангникидан ҳам ортади. Қачонки рубоб бошини ерга қўйиб илтимос қилганда, қўбуз қулоқ тутиб, кайф-сафо оҳангини тузади. Булар билан баравар қонун ва чағона асбобларининг ноласи қулоққа эшитилганда, шу пайт ойдек соқий қадаҳларга май қўйиб, таъзим билан узатса, парҳездорликка ким эътибор беради-ю, ақл-ҳушнинг ихтиёрини ким ўз қўлида тута олади?! Сўфи ва тақводорларга ҳам бу базмда эътибор қолмайди. Гарчи ишқ аҳлининг расво бўлиши учун бу нарсаларга эҳтиёж йўқ эса-да, уларнинг дард ўтига най ел бериб, май эса ёғ бўлиб туйилади ва у янада аланга олади.

Араб теvasи ҳайдовчининг «ҳудий» деган хониши билан саҳрода юришини тезлатади, булут парчасида эса момақалдироқ садосидан чақмоқ чақади. Инсон мусиқа садосини тинглар экан, хаёли бузилиши табний ва одамнинг бу жон офатидан қутилиши маҳолдир.

Аммо хонанда ва созандаларнинг саёқлари, гарчи гамми тарқатувчи, шодлик таратувчи бўлсалар ҳам, лекин ҳақиқатда пасткаш ва тиланчидирлар. Бундай ашулачи ва чолғувчилар зорланиб ва ялинчоқлик билан пул топадилар. Агар буюрувчидан инъом-эҳсон бўлса, унинг хизматини бажарадилар. Суҳбатда ноз-неъмат тўкин бўлса, улар ҳар қандай амр-фармонни бажаришга тайёрдирлар. Агар базмда майшат кам бўлса, улар ноз-истигно ва инжиқлик билан қилиқ кўрсатадилар. Ва агар ноз-неъмат деган нарса тамом йўқ бўлса, уларнинг кўнгли сендан узилди ҳисоб. Улар агарчи йил бўйи сенинг эҳсонингдан баҳраманд бўлган эсалар-да, ёнингдан танимай ўтиб кетаверадилар. Оз олсалар — ерга урадилар; кўп олсалар — қадрламайдилар. Уларнинг кўпчилиги ахлоқсиз; бадфеъл; қолганлари ҳам ўлгудай қай-

сар ва дағал сўзли бўладилар. Ҳаракатлари ҳаддан ташқари тутуруқсиз сўзларидек, гаплари эса бемаҳал қилган нозларидек, улар вафо деган фазилатдан бенасиб қолганлар; шунинг учун вафодорлар улар олдида қадрсиз ва хароб. Вафосиз муғанний — ҳаёсиз муттаҳам. Агар йиллар бўйи иззат-ҳурмат қилиб, унга едириб-ичирган бўлсанг ҳам бир гал уни қуруқ қўйсанг — сендан кечади, танимайди қўяди. Булар эркак сувратидаги таниозлар ва башанг кийим кийган уйбузар ахлоқсизлардир. Улар қўшиқ айтиб ва саз чалиб, баъзиларни таловчи, йўлтўсарлардир:

Маснавий:

Ҳеч кимга бу фитна дуч келмагай,
Чунки овозидан пажот қуши учиб кетади,
Қуш қўнмоқчи бўлса, доим довул уради,
Бу билан ўша қушни узоқ муддатга ҳуркитиб
юбориш мумкин.¹⁵

20. ҚИССА ТЎҚУВЧИ ВА ҚИССА АЙТУВЧИЛАР ҲАҚИДА

Ё маъжунхўр ёки банги кўнглида ҳар доим маърака қуриш истаги. Баланд овоз билан ҳар дам чапак чалиши ақл ва тоқат қушларини қочириш учундир. Ҳаракатларидан телбалар қилиги намоён бўлади, сўзларидан эса маст-аластларнинг шiori англашилади. Туя қумалоғини қанд деб сотади, йиғиндаги мухлислари эса уни тавнавул қиладилар.

Байт:

Ҳеч ким маъжун билан қандига харидор бўлмасин,
Унинг ҳангомаси билан ҳеч қандай бозор қизмайди.¹⁶

21. НАСИҲАТГУЙ ВА ВАЪЗХОНЛАР ТУҒРИСИДА

Воиз ҳақ сўзини тарғиб қилиши, пайгамбар сўзидан четга чиқмаслиги керак, энг аввал унинг ўзи ҳақ ва пайгамбар йўлига кириши, сўнгра эса насиҳат билан эл-ни ҳам шу йўлга солиши лозим. Ўзи юрмаган йўлга эл-ни бошламоқ — мусофирни йўлдан адаштириб, биёбонга ташламоқ ва саҳрода уни йўқотмоқдир. Ўзи мастнинг элни ҳушёрликка чақириши — уйқучи кишининг одамларни бедорликка даъват этганига ўхшаш бир нарсадир.

Уйқусида сўзлаган касал одамдир,
Унга қулоқ осган эса тентакдир.

Ваъз муршидлар — пирлар ҳушёр кишиларнинг ишидир ва уларнинг насиҳатини қабул этган мақбул кишидир. Аввало, унинг ўзи бир йўлга тушиб олган бўлиши, кейин эса бошқа одамларни ўша томон бошлаб бориши керак. Йўлга билмай кирган йўқолади ва мақсадидан бошқа ерга етади.

Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисга бўш кирган одам тўлиб чиқсин; тўла кирган одам эса енгил тортиб, холи қайтсин. Воиз олим ва ҳалол иш кўрувчи бўлса, унинг насиҳатидан четга чиққанлар гуноҳкор бўлади.

Агар, у бошқаларга буюрса-ю, ўзи қилмаса, унинг сўзлари ҳеч кимга таъсир этмайди ва фойда келтирмайди. Ўз ёрдамчилари орқали насиҳат қилувчи воиз — ўзи қолиб, шогирдини куйлатувчи қушиқчидир.

Қитъа:

Дастёрсиз сўз айта олмайдиган воиз

Дастёрнинг қулидир, у ҳақни куйловчи қушиқчи эмас.¹⁷

22. МУНАЖЖИМЛАР ТУҒРИСИДА

Сайёра ва юлдузларни кузатиб, ҳукм чиқарадиган мунажжимлар нуқталарни ҳисоблаб, лоф урадиган фолбинга ўхшайди. Унинг ўлчов жадвали — бўлмаган нараса. Тушунтиришлари ва осмон жисмлари ҳаракатига оид гапларининг ҳаммаси хато. Устурлоби* узоқроққа улоқтирилиши керак бўлган асбоб. Ойни кузатувчи анжоми бутунлай бефойда, натижа бермайдигандир. Бу асбоб-анжомларга асосланиб, сўз юритувчи мунажжимлар ҳақнинг қазо ва тақдир ҳақидаги сўзини унутган гофиллардир.

Бу мунажжимлар шундай кишиларки, қулида битта анор бўлса, унинг пусти ичида нечта парда, нечта хона бор ва ҳар парда ва хонада нечта анор донаси борлигини билмайдилар; у доналар аччиғми, нордонми, чучукми эканини айта олмайдилар. Бовужудки, одамлар неча марталаб анорни сўйиб еган, хосияти қанақалиги-

* Устурлоб — қуёш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб.

ни айтиб ҳам берган, думалоқ осмон, ундаги юлдузлар ва буржлар ҳақида афсона айтадилар ҳамда уларнинг шарофатли, хосиятсиз таъсирлари ҳақида сафсата сотадилар. Ҳолбуки, буларнинг ўн сўзидан биттаси тасодифан ҳам тўғри чиқмайди. Ишларининг қабоҳат эканини улар ё тушунмайди ва ёки тушунишни истамайди. «Мунажжим — каззоб» дегандек буларнинг сўзи ёлғондир. Ўзлари ростлик дунёсидан йироқ тушгандир, ўткир кўзларини ғафлат пардаси ўраб олгандир.

Байт:

Фалак, юлдузлар ҳолати фойда ва зарардан холи эмас,
Лекин уни ҳақ билади, мунажжим билиши мумкин эмас.¹⁸

23. САВДОГАРЛАР ТЎҒРИСИДА

Савдогар саёҳатни севади, дунёнинг ҳар хил иқлим ва шаҳарларидан хабар топади, у ерлардаги қизиқ ва ажойиб нарсалар ҳақида афсона айтади, нодир ва ғаройиб воқеаларни ҳикоя қилади. У, тоғларнинг тоши ва дашт-саҳроларнинг қумлари устида туя суради; денгиз мавжлари ва сув тошқинларидан фойда ва зарар кўради, ҳалол ризқ топамай, деб узоқ, машаққатли йўлларни босади; у тинч-осойиштагина ҳаёт кечираётгандек туйилса-да, ичида қанчадан-қанча изтироб ва ташвишлари бўлади.

Савдогарнинг бошида бирини юз қиламан деган савдо; кўнглида бўзини шойинга айлантираман, деган истак бор.

Савдогар ёлғиз фойдани ният қилмаслиги; фойда қиламан деб, ўзини қаттиқ машаққатга қўймаслиги, савдо қилиб фойда топамай, деб денгизга кема сурмаслиги; дур оламан, деб наҳанг оғзига қўл солмаслиги; мол ва пул кўпайтираман, деб жонсарак бўлмаслиги керак. У хизматкор ва савдодаги гумашталарини ўз ҳашамати ва обрўсининг сабабчиси деб билмаслиги; нафис матоларни аяб, эски чопон киймаслиги; лаззатли таомларни кўзи қиймай, қаттиқ нон емаслиги лозим. Унинг тортган қийинчиликлари тирикчилигининг яхши ўтиши учун хизмат қилса ва топган фойдаси кўнгли фароғати учун сарфланса, яхши бўлади.

Шунингдек, савдогар сафарда юраркан, азиз-улуғ ва доно кишиларни топиб, улар суҳбатидан баҳраманд бўлишни ҳам ўзига ният қилиб олса; бунинг рўно ва аҳа-

мингидан баҳра олиб, фақир-бечоралар ҳам бойиб, юзга чиқса. Бойлар тарафидан муҳтожларга берилиши лояним бўлган шаръий закот — диний солиқни ҳар йили ўз вақтида бериб турса; фақирларнинг ҳақлари бўйнида қолмаса ёки молларини азиз тутиб ўзини хор этмаса. Бож-хирожни бериш ўрнига ўз молини яшириб, ўз обрўсини тўкмаса ва ёки топган-тутганини меросхўрлари сочиб-совуришни учун тўплаб қўймаса ёки бирор ҳодиса қўзғаш учун жамғармаса. Акс ҳолда бундай савдогар ховжа эмас, мардикор бўлади; ўз хасислиги ва пасткашлиги билан ҳаминша азобу укубатда қолади.

Байт:

Бундай кишида ақл-ҳушдан нишон ҳам йўқ,
Гарчи жаҳон машҳури эса-да, уни гадо деб билгил.¹⁹

Шаҳар олибсотари хиёнатчи, ўз фойдасини кўзлагани ҳолда, элга қаҳатчилик тилайди, унинг мақсади — элга зиён етказиш орзуси, арзон олиб, қиммат сотишдир. У оларда шойини бўз деб камситади; сотарда эса бўзини шойи дея вайсайди. Шолни тўрқа* ўрнида ўтказа олишда кечикиш йўқ, бўйрани кимхоб ўрнида пуллай олишда тўхташ йўқ. Дуконида инсофдан бўлак ҳамма мато мавжуд; ўз айбига иқдорликдан бўлак ноинсофликнинг барча тури куплаб топилади. Мусофир савдогар билан бу бамисоли эр-хотин; балки бирини аскар, иккинчисини унинг хотини деса бўлади. Олибсотарга фойда-ю, харидорга — нуқсонли мол, ҳар икки томондан ёлғон олт ичган даллолдир.

Байт:

Яхши қарасанг, бу гуруҳнинг барчаси одам эмас,
Улардан йироқ туришлик сенинг фойдангдир.²⁰

24. БОЗОР КОСИБЛАРИ ҲАҚИДА

Бозордаги савдогар косиблар ҳаққа хиёнат қилувчи, ваъдаси ёлғон одамлардир. Улар бир пуллик матони юзга сотиш билан минг бор мақтанадилар; минг сўм турадиган нарсани юз сўмга олишдан заррача уялмайдилар. Тўғрилиқ билан савдо юритиш — улар учун гўё зарар келтиради; ваъдага вафодорлик — улар учун гўё бадкирдорлик ҳисобланади. Улар савдога берилиб, охи-

* Катон деган нафис қимматбаҳо матодан тикилган кийим.

ратни упутадилар, инсоф ва адолат тарозиси борлигини тан олмайдилар. Уғил отани алдаши — буларнинг ҳунарлари...

Булардан кимки ўзини покиза деса,
Аниқлаб курсанг, бир муттаҳамдир.²¹

25. БАЪЗИ ҲУНАРМАНД ВА САНЪАТЧИ УСТАЛАР ТУҒРИСИДА

Ҳунарманд ва санъаткор усталарнинг ёлгонлари кўпдан-кўп, чишлари оздан-оз. Қилган ишлари ҳаддан зиёда қўпол: ваъдалари эса, гумон ва хаёл қилингандан ортиқроқ даражада бетайин. Эр кишига юксак фазилат саналган чин сўз — булар қошида катта айбдир; барча калойиқ наздида айб ҳисобланган ёлгон булар олдида улкан ҳунар.

Маспаний:

Эртадан кечгача ишда санъатсозлик қилади,
Ҳунар ишлатишда найрангдан пардоз беради.
Бу йилнинг машқини олиб,
Бировинг ишини юритади.
Буюртмачи хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал,
Уни алдашда хато қилмайди.²²

26. МИРШАБЛАР, ЗИНДОНИЛАР ВА ҚОРОВУЛЛАР ТУҒРИСИДА

Шаҳар ҳокими, миршаб ва қоровул — ўғри ва каллакесарларнинг ҳимоячиси ва уларнинг умидини юзага чиқарувчилардир. Зиндонда қамалиб ётганлар — дўзахга ташланганлар билан барабар; зиндон қоровуллари эса уларга азоб берувчи фаришталар. У ернинг миршаблари — дўзахнинг олижаноб посбони; гуноҳкорлар занжирбанд, уларнинг оёқ-қўлларида кишан ва бўйинларида ҳалқа; бу кишан ва ҳалқалар дўзах-занжирлари ва гулларни* эслатади.

Бозор ва қиморхоналардаги киссавур ва қиморбозларнинг топган пулларида соқчилар чўтал оладилар.

Зиндон қудуғи ўғриларнинг тундай қоронғи кўнглига ўхшайди; у ердаги гуноҳкорларнинг паришон кўнглига қўрқинчдан хавф солади. Зиндонда айбдорларга

* Гул (купляги ағлол) — темир ҳалқа.

умиддан кўра қўрқув кўпроқ: ёмонликни ҳунар қилиб олган бадкирдорларга, у ерда ўжарлик қилишдан таслим бўлиш яхшироқ. Ҳар гал у ердан бировни тортиб чиқарганларида, зиндонда қолганлар ваҳимадан беҳуш йиқиладилар. Омон қайтиб келганларнинг ҳикоялари даҳшатли ва келтирган хабарлари ташвишли. Бири: «Дорга осганда яхши турди, деса, иккинчиси: «Бўйини чопганда яхши утирди»,— дейди. Бири қатл қилинганнинг мардлигидан ҳайратда; бири эса шу пайтда бевошнинг рубойи ўқиганидан қайғуда. Бу каби даҳшатли ҳоллар беҳад ва бу каби ажабтавор аҳволлар беҳисоб. Амалга ҳирс қўйган соқчи гуноҳкорнинг қўлга тушишига тиришади, аммо ундан истагини ҳосил қилгач, унинг қутилиб кетишига дуоғўй. Дунёда бу жой қиёматга ўхшайди. Шаҳар зиндонидаги занжирбанд гуноҳкорлар ишққа гирифтор бўлиб, ғам уйида ётган ошиқларни эслатади.

Ҳақ барчани бу ерлардан йироқ тутсин ва бу манзиллардан узоқ сақласин.

Байт:

Бу кўп азобу уқубатли бир манзилдир.
Унга тушган киши беҳад дард-алам тортади.²³

Байт:

Модомики, у жойга тушдингми,
Умид шуки, ҳақ холоскоринг бўлсин²⁴.

27. ДЕҲҚОНЧИЛИК ТУҒРИСИДА

Дон сочувчи деҳқон — ерни ҳайдаш билан ризқ йўлини очади. Агар у ҳалол ва ишчан бўлса, унинг ҳўкизи Солиҳ туясидек* номдор бўлади. Унинг зўр, паҳлавон қўш ҳўкизи ҳар қандай огир меҳнатга бўйинсуниб, олдида юради. Бу ҳўкизлар иш пайтида деҳқонга ҳамдам ва у билан доим ҳамқадам; деҳқон билан ер ҳайдашда гўёки одам.

Оламнинг ободлиги деҳқонлардан; меҳнат аҳли шодонлиги улардан. Деҳқон ҳар қандай экин экишга қилса ҳаракат — элга ҳам озиқ-овқат етказур, ҳам бара-

* Муҳаммаддан илгариги лайғамбарлардан бири Солиҳнинг ноҳаси — туяси муқаддас деб ҳисобланган.

кат. Деҳқонки, ҳалол меҳнат билан дон сочади, ҳақ бир; донини етти юзга етказади. Сочган дони кўкаргунча, уни ўриб, хирмон қилиб ҳосил кўтаргунча қуртқушлар ундан баҳраманд: дашт ваҳшийлари унинг билан хурсанд. Чумолилар уйи ундан обод; гур** деган ҳайвонларнинг кўнгли ундан шод. Кабутарлар мастлиги-ю, тўрғайларнинг шўх навоси шу донлардан. Ўроқчининг тирикчилиги шунинг орқасидан; бошоқчининг кўзи тўқлиги шунинг орқасидан. Қўшчининг ундан муроди ҳосил, сомончи ундан мақсадга восил. Гадоилар у билан тўқ; хонадон эса маъмур. Мусофирга таом шундан; мужовирга ком ундан. Новвойнинг тандири у билан иссиқ; аллоф-уффурушнинг бозори у билан қизиқ. Фуқаронинг ризқ-рўзи, ғарибларнинг куч-қуввати дон биландир. Уни еган зоҳид зуҳур билан тоат қилади; у билан тўйиб олган обид қаноатлилиги ҳақида лоф уради. Дон туфайли гадоё халтаси бурда нонга тўла. Шоҳ хазинаси эса дон орқасидан инжу ва олтинга бой.

Деҳқоннинг бир дон сепганида шунча ҳикмат бор, ўзга ишларини таърифлаш маҳолдир.

Унинг боғи жаппатии эслатади; полизида руҳ озиғи кўринади. Дарахтининг ҳар бири кўк осмондек улкан; у дарахтлардаги гул мевалар фалакдаги юлдуз ва юлдузчалардек. Фақирларнинг сирка ва шинниси у мевалардан; боёнларнинг газаги ва аъло шароби шу мевалардан.

Турли-туман мевалар етилгач, боғда гўзаллик ва тартиб сезилади.

Бундай одам — яъни деҳқон, бахилликдан йироқ бўлса яна яхши; зиқналигу ёлғон сўздан ҳазар қилса яна яхши. Шоҳ солиғини тўлашдан бош тортмаса, ўз шеригига жафо қилмаса, шунда унинг сочган донаси саодат инжусидан ҳосил беради; сепган уруғи эвазига мева эмас — юлдуз теради. Бундай деҳқон Одам Ато фарзанди, балки ундан ризқ еганлар — шу деҳқоннинг фарзанди-ю, унинг ўзи Одам Атодир.

Қитъа:

Кимки деҳқончиликни касб қилди,

Унинг иши нон-улашмак бўлди,

Бундай кимса даражаси юксаклиги

Одам аточа бўлмаса-да, одамгарчилиги бор.²⁵

** Гур — ёввойи эшак.

Безори билан разилларнинг турмуш ва ҳислатлари мусулмонларникидек эмас. Улар табиатида инсонийлик йўқ; уларнинг шiori ҳайвонлик, балки йиртқичликдир. Безорининг иши пичоқ уришлик бўлгандан кейин ўзи телба ит, пичоқ унинг тиши ўрнида. Соғлигида у қутурган ит; мастлигида эса ундан қочар юз ит. Панжалари дашт йиртқичининг чангалидек ажал иштари; у имон келтирадиган дуо ўрнига ўлар кунда ўқишга рубоий ўрганади. У яхши-ёмон ҳаммани сўкади; чиёндек нимага тегса, иш уради. На ақл бор уларда, на дин; на ҳаё бор уларда, на чидам. Ишларида ишончсизлик ва попоклик: одатлари бемурувватлик ва бевошлик. Шаҳардаги бу разиллар ер юзи газандаларидир, улардан ҳазар қилмоқ вожиб, балки фарздир.

Байт:

Уларнинг ташвиши ҳаёққа зиён етказишликдир,

Пайғамбар айтганидек: «азоб берувчини ўлдиринг!»²⁶

29. ҒАРИБ ВА БЕЧОРАЛАР ТУҒРИСИДА

Саёқ жут* ва лўлиларнинг кўпчилигининг ҳаракати кулгили ва усуллари тўғридир. Уларнинг думалаб сакрашларида хоксорлик, ерга бош тираб туришларида лоқайдлик сезилади. Эшакларининг устига ортганлари тезак бўлса ҳам ўзлари мағрур; инсонийликларининг чегараси маймундан бефарқ бўлса ҳам кўзларида гурур. Улар сакрашлари билан одабийлик фазилатидан қочадилар; яхшилик ўрнига масхарабозлик билан ўз юзларига маломат эшигини очадилар. Бугун топганини бугун ейди, эрта гамини чекмайди; тилаганда бирор нарса бермагандан шикоят қилмайди. Ватан ва масканлари хорлик вайронаси, манзил ва бошпаналари хоксорлик қошонаси. Тонг отгач, эру хотин тирикчилик вамида тарқаладилар, ўғил-қизлари эса кўча-кўйда изғиб юрадилар. Ҳар қайси нимаки топиб келса, оқшом барчаси бир ерга йиғилиб баҳам кўрадилар. Топганларини еб тугатмагунча уйқуни ўйламайдилар. «Эртага нима еймиз!» деган сўзни билмайдилар. Яна эртасига қиладиган ишлари худди кечагидек. Бу ҳам бир

* Жут — Ҳиндистондаги бир қабиланинг номи.

тирикчилик бўлиб, уддасидан чиққан одам қила олади. Аммо, бундай хурлик инсон такаббурлигидан дурустроқ, бу хил адашинилик, инсон мақтанчоқлигидан яхшироқдир.

Байт:

Агар инсон чин инсон бўлса, ўзини инсон демайди.

Қийин ишини бажарса-да уни мушкил демайди.²⁷

30. ШИЛҚИМ ГАДОЙЛАР ТУҒРИСИДА

Тиланчин ва гадоёларнинг кўпчилиги бегайрат ва беҳаёдир. Кундузи уйма-уй кезмоқлари — шилқимлик билан элдан олмоқ, ҳамда кечаларни келиб ўғирлаш иниятида халқ молига кўз солмоқ учун.

Гадоё — хайр қилувчидан неъмат олса, ундан рози бўлмайди; ҳадя берувчига узр айтишга тили бормайди. Еган билан очкўзлардек меъдалари тўймайди; тилаган билан чанқоқ касалига йўлиққан бемордек ташналиги қопмайди. Қовоқ ва качкуллари* бангиларнинг хилма-хил хаёли билан тўла; тўрвалари эса риёкор сўфилар кўнглидек турли-туман нарсаларга тўла. Гадоё тугиб қўйган ақчасини ювғичидан бошқанинг очмоғи маҳол; ерга кўмган тангаларини тупроқдан ўзга биров емоғи гумон. Гадоёнинг кўзлари — ҳирс сўзининг «сод» ҳарфига ва «тамаъ» сўзининг «айн» ҳарфига ўхшайди. Ана шу ҳирс ва тамаъдан кўнгилларида маҳрумлик ташвини бор.

Булар орасида ўзига қаландар деб от қўйган лаънатилар, одамгарчиликдан маҳрум бўлган, дев ва шайтонлардан баттарлари ҳам бор. Улар — инсонийлик ва мусулмонликдан йироқ; тўнғиз ва айиқ одамийликда булардан яхшироқ. Уларнинг ўз шаклини ўзгартириб юриши одамгарчиликдан четлашганини; пўстинини тескари қилиб кийишлари — йиртқич ҳайвонларга яқинлашганини кўрсатади.

Гадоёларнинг барча тури катта-кичик ҳамма учун хавф туғдиради: бузуқ хаёлидек, соф кўнгилга ташвини солади.

Шеър:

Уларни инсон деб бўлмайди,

Ёки мўмину мусулмон одам деб бўлмайди.

* Качкул — гадоё ва қаландарлар ёнларига осиб юрадиган қовоқ идиш.

Фисқ-фасодчилардан четда бўлмоқ вожиб,
Чунки бузилган хилтларни (сафо, балғам ва ҳоказоларни)
ипсон жон ўрнида санамайди.²⁸

31. ҚУШЧИ ВА ОВЧИЛАР ТЎҒРИСИДА

Қушчи овчиларга раҳбар ва уларга фармон берувчидир. Бу жамоат унга қарам ва унинг ҳукмига бўйсунлади. Унинг қўлидаги бир қуш бечора кеча-кундуз қийноғу машаққатга дучор. Кечалари унга уйқу харом, меҳнатдан асло ороми йўқ. У ўз нафси деб бир гуноҳсиз махлуқнинг оёғига банд солади; узун кечаларда унинг азобланишидан хурсанд бўлади. Умид ипини тамаъ игнасида утказиб, у тилсиз бечоранинг кўрар кўзини ҳам тикиб қўяди. Мақсади уни ҳам овчи қуш қилмоқ ва ўзга жонлиларга човут солувчи қилмоқ. Қушчи сайёд кундузи дашту водийларда югуради, ғафлатда қолган бир неча кучсизни юз макр-ҳийла билан алдаб ва қушини уларга солади ва шундай қилиб у бечорани овлайди. Сўнгра қанжарга у қонга ботган бечора қушни сўймасдан бурун нима учун қанотини синдириб, қўлтиғини ёради? Бундан ўзи завқ олади ва қотил шогирди — қушини хурсанд қилади. Шундай қилиб, қушлардан бир нечтасининг қонини тўкади ва қўлтиғини ёриб, қанотини сўкади, эгарининг тасмасига қанжаргага боғлаб, уйига жунайди, ўзи ва қуши қилган ишларига қувонади.

Шум нафсини қондириш учун бир-икки қадаҳ кўтаради, ўлжасини кабоб қилади. Қолган бир нечасини эртаси кун бегига элтиб беради. Шундай қилиб, бек илтифотидан кўнглида мукофот тамаъси ортади.

Овчининг ўз қуши таърифида айтган барча гапи — лоф; ўзини мақтаб сўзлаганлари бари ёлғон.

Бунча ёмонликларга боис нафс истаги; хоҳ меҳнати, хоҳ тамошоси, хоҳ кабоби ва хоҳ бек инъоми бўлсин ёлғиз нафсдандир.

Маснавий:

Буларнинг барчаси нафсониятдандир,
Уларни ипсон қаторига киритиб бўлмайди.

Қаерда жуноқ бўлиб ётиб қолса **2,5**

Пули ҳам, отига ем ҳам, қушига օзуқа ҳам ўша ердан олинади.²⁹

32. УЙЛАНИШ ВА ХОТИНЛАР ТУҒРИСИДА

Яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг қозоналиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса — кўнгул ёзиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради.

Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдфирдинг у; тескари айланувчи фалакдан бошингга ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳам ғамнок; баданингга хасталик ва заифлик етишса, унинг ҳам жони ҳалак.

Уйланган одамнинг баъзи қийинчиликлари осонлик билан битади, аммо, қийинчиликлар орта борса хавфли бўлади. Бу хилдаги чигалликларни бартараф қилишда умидсизланмай, сабр-таҳаммул қилинса, ҳар қалай бирга яшаш мумкин бўлади.

Аммо, худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгул ундан озор ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дилини яралайди; покиза бўлмаса, ундан эрига юзи қоралик келтиради. Агар майхўр бўлса, у уй ободлиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади.

Юқорида таърифи берилган яхши хотинлар жуда кам туғилади. Кимга шундай хотин учраса, бошига бахт қушининг қўнгани шудир.

33. РИЁКОР ШАЙХЛАР ТУҒРИСИДА

Риёкор шайх ўзини яхши ва чиройли кўрсатишга уринади. У олтин қопланган мис кабидир: усти ялтироқ — ичи қалтироқ. Унинг кўриниши дарвешга ўхшайди; аммо ичи шундайин булганч. У гўё ҳамма нарсадан қўл силтагандек, аслида барчаси алдамчилик; кароматлари тамомила найрангбозлик. Дабдабали салласи салобат юки, бошидаги ҳар туки бузуқ ҳасл аломати. Эгиндаги қуроқ тўп товламачилигидан нишона. «Ридо»* — нонли кийими — айбпўши, пардаеи;

* Ридо — шайх, дарвешлар елкасига таъриб юрадиган чойшаб каби ёпиғич.

уини ҳар бир ипи риё чархи билан йигирилган толадир, мисвоки* тама тишини ўткирлайдиган эговдир, Соқолтароғининг гилофи кишиларни масхаралаш асбобиға жой. Уини тасбиҳ ўгириши — кўзбўямачилик; намози чўзиб ўқишдан мақсади — элга ўзини кўрсатиш. Кулоҳ номли чўққи тўпписи — салласи учун пардоз; бу айёрини узун салласининг печи эса тулки думидан нишондир. Беҳуда ҳайқириги — худди бемаҳал қичқирган хўроздек совуқ.

Гофиллик билан ўқийдиган дуолари мастлар базмидаги қий-чув, ҳаралла-тараллага ўхшайди. Барча гап-сўзлари ҳийла-найранг; жамики ҳаракатлари гараз аралаш; тушларининг барчаси уйдирма; уйғоқликда деганларининг ҳаммаси ёлғон. Зикр тушишлари усулдан ташқари; шавқу завқ жазаваси таърифдан нари. Шайхлар устки кўринишда шунчалик дабдаба-ю даҳма-закор; ички маънавийётлари эса бутунлай бўшлик.

Бу ифлос шахсининг бунчалик зеб беришдан мақсади ўзини пок кишилардек қилиб кўрсатишдир.

Ҳайҳот — аттанг! Уят, юз минг уят!

Афсусланадиган жойи шундаки, бу ярамасларга ик-лос қўйган муридлари ҳам бор; улар бунинг хизматида мухлису беқарор. Шайх бу дўконини тадбир билан юри-тади; алдов билан йиғин йиғади. Бунинг ишларидан шайтон ҳайратда; ҳатто лаънати девлар ҳам шафратда.

Шеър:

Фақирлик номи билан бунча макру найрағу риёкорлик
Шоҳи бўйра устидаги гадога ўхшайди.

Буниси ўзини дарвеш, униси ўзини шоҳ деса,

Ажабланадиган ери йўқ, ҳар иккаласида ҳам ақл ва ҳаё йўқ.³⁰

34. ХАРОБОТ** АҲЛИ ТУҒРИСИДА

Харобат ринд*** ларининг бутун вақти майхонада ўтади; бошида май ҳаваси; бош қўяр жойи эса, май идишиндек қадаҳнинг оғзи. У майхонанинг қай бурчаги-

* Мисвок — тиш тозалагич.

** Харобот — XII асрда Ғаждаги бир маҳалла номи. Ҳаёт завқидан лаззат истаган хонанда, созанда, шоир ва бошқалар бу ерга тўплашиб мажлис қулар, унда май ҳам истеъмол қилиб, мушоира ва мубоҳасалар уюштирар эдилар. Кейинчалик бу ном умуман хурсандчилик қилувчилар маъзилига нисбатан қўллана бошлади.

*** Ринд — шариат қоидаларини жоҳиллик юзасидан эмас, онгли суратда инкор қилувчи, аксар вақтини хурсандчилик билан, шеър ва мусиқа тинглаб ўтказувчи одамлар. Уларни хароботийлар ҳам дейишади.

да базм кўрса, май ташиш баҳонаси билан ўзини ўша ерга уради. Майпараст ўз бошидан ор-номус салласини олади; олиб уни бир қултум май учун майфурушнинг оёғи остига солади. У майхона туфайли, уй-жойидан ажрайди. Майхўрликка берилганлиги учун бош-оёқсиз юпундир.

У ҳар бир май қуювчидан қадаҳ олса, ўзини Жамшиддан* ҳам шавкатли ва бахтлироқ сезади. У мугбачалар ҳуснига бутпарастдек сажда қилади, майхоначи оёғига туфроқдек бош қўяди. Унинг ёқаси майпараст шўхлар қўлидан чок; кўнгли эса улар ишқининг тиги билан тилинган. Унинг майхонадаги иши — май тиламчилиги; қўлида эса майхонанинг синиқ сополи. Оёғи расволик кўчасида, боши яланг; бадмастларнинг муштаридан пешонаси чақа, қош-қабоғи ҳам. Ўз вужудини ўзи ерга қоради; мажлисларда энг қуйидан жой олади. Агар нафслари тупроқ билан тенг бўлса-да, лекин ҳимматлари олдида баланд осмон гуё пастдек. Замон қайғуларидан кўнгли ғамсиз; фалак ташвишларидан хотири аламсиз. На ҳаётдан, на ўлимдан қўрқади; ҳиммати олдида бор-йўқ бирдай. Май идишидек аччиқ-аччиқ йиғлашдан унга шодлик юзланади; қадаҳга қуйилган майдек тубанга тушишдан хурсанд бўлади. Майхонада бир дам ҳушёр бўлмайди, дунёнинг яхши-ёмонлигига кўз солмайди. Замоннинг яхши-ёмони билан иши йўқ, айтиш мумкинки, оламда бундай беғам киши йўқ. Майпараст балки даврон зуровонлари зулмидан шундай кун кечиринишга ҳақлидир; агар шундай бўлса, у ҳақнинг авф ва марҳаматига лойиқдир. Вужуди майхона тупроғида фоний; умиди ҳақнинг карамидан абадий ҳаёт. Ринд ва гадолар етишган давлат ва саодатга шоҳлар ҳам орзу ва хасрат билан қарайдилар.

Рубоий:

Йўқлик жомини пайдар-пай кутарган ринднинг
Дунё ва охиратга майли йўқ.

Ҳақ раҳмати умиди билан у тун-кун маст,
У фирибгар зоҳиддан кўп ортиқдир.³¹



* Жамшид — қадимги Эрон шоҳларидан бири, афсонавий ҳашамат эгаси.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида

1. ТАВБА ТЎҒРИСИДА

Ҳақиқий тавба — ёмон феъллар туфайли келадиган азоб-уқубатларнинг олдини олмоқдир ва ҳақ мадади билан у феъллардан чекинмоқдир.

Тавба — гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини гуноҳ зангидан тозалайди; афв сайқали билан у кўзгунинг юзини ёритади. Тавба — бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилиқ йўлининг бошланишидир; у такаббурлик ғафлатидан сесканмоқ ва башарият уйқусидан уйғонмоқ ва ўзининг нолойиқ аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташламоқ, кўзга кўринмас ярамасликларни ҳис қилмоқ, керакмас нарсаларга интилиш зараридан хабардор бўлмоқ — қабиҳ ишлар, шармандалиқ ва расвогарчилик туфайли ҳижолатга қолишдан огоҳ бўлмоқдир. Тавба — инсонга хос саркашликдан воқиф бўлмоқ; кишини тўғри йўлдан оздирувчи нафс фасодидан ва кўнгил итоатсизлигидан нафратланмоқдир.

Тавба — ҳақдан нажот тилаш вақти келганидир; банданинг нафсга тобё бўлишини тарк этганидир. Бу — кечани ёритувчи гавҳар, ҳар бир қора кун кечирувчи кимсага лойиқ эмас. Бу тавфиқ шамини яхшилиқлар йўлбошчиси ҳар кимга ҳам ато қилмайди...

Илоҳо, инсоф шамоли эсиб, йўлдан озганларни ёмон ҳолатдан огоҳ этгай. Огоҳ булгач, ўз қилмишидан ҳижолат тортиб, думоғидан уят дуди чиққан ва бу каби ишларидан ибо қилиб, афв сўраб ножўя ишларидан тавба қилиб уринсиз феълнинг ўзгартиргай ва адашган йўлдан чиқиб, тўғри йўлга киргай...

2. ҚАНОАТ ТУҒРИСИДА

Қаноат — бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруғи иззат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир.

Қаноат — киши кўнглига равшанлик етказди; кўз ундан ёруғлик касб этади. Қаноатли дарвешнинг қаттиқ нони тамагир шоҳнинг ноз-неъмат тўла дастурхонидан яхшироқдир. Қаноатга одатланган фақирнинг ёвғон умочи — олғир бойнинг новвоту ҳолвасидан тотлироқдир.

Шоҳ удирки — олмайди-ю, беради, гадо удирки — сочмайди-ю теради. Ҳар ким қаноатга одатланган бўлса, шоҳлик-гадолик ташвишини билмайди. Гарчи тирикчилик уйи доим тор, бу ҳақда қанча муболаға қилсанг, ўрни бор. Қаноат бир қўрғонки, унга кирсанг, нафснинг ғалвасидан қутиласан. Қаноат бир чўққиқи, унга чиқсанг, дўст-душманга муҳтожликдан халос бўласан. Қаноат — хокисорлиқдирки, натижаси юксаклик; муҳтожликки, фойдаси эҳтиёжсизлик. Қаноат — экиндир, уруғи бойлик; дарахтдир — меваси муҳтожсизлик; майдир — аччиқ, лекин наشاءси шодлантирувчи; йўлдир қаттиқ, лекин борар манзили севинтирувчидир.

Қаноатда қанча роҳат ва фароғат бўлса, уни акси бўлган тамада шунча разиллик ва уқубат бор.

Хасис табиатлик одамнинг дўсти тиламчи ва нокасдир; разолат уларнинг феъл-атвориға мосдир. Улар муносабатига камситишлик ва енгилтаклик хосдир. Ҳар кимда бу сифатлар мавжуд бўлса, бундай одамни халқ ёмон кўради. Ана шу туфайли нокаслик, разиллик ривожланади, одамгарчилик ва инсонийлик эса заволятпади. Булар — ор-номус уйини куйдирувчи бир ўтдир; иззат-ҳурмат хирмонини совурувчи ва улуғворлик шамини ўчирувчи бир елдир. Тамагирнинг бирор нима олишга ўчлиги, худди еб тўймаснинг таомға очкўзлиғига ўхшайди. У бири тубанлар ҳаракати бўлса, бу бири ҳайвонлар одати.

Қаноат шундай бир жавҳарким, элни бу икки балодан халос қилади ва халқни бундай офатдан қутқаради.

Тамагирлик ва нокаслик шундай ёмон феълки, булар гўё икки ёқимсиз эгизакдир. Униси бундан ёмон — буниси ундан ёмон; иккаласи ҳамма ёмондан ёмон. Буларнинг бири нокас ва бирининг иқболи паст; иккаласининг маҳияти бирдир.

Рубоий:

Ҳар кимнинг қаноатдек улуғ ҳислати бор,
Барча эл ичинда иззату ҳурмати бўлади.
Ҳар кимки тама ва ҳирсга бино қўйса,
Яхши-ёмон ичра хору наҳс кўринади.³²

3. САБР ТУҒРИСИДА

...Сабр — аччиқ, аммо фойда берувчи; у — қаттиқ, аммо зиён-заҳматни даф этувчи. Қайси бахтсиз сабр этагини тутган бўлса, у охири ўз муродига етади; қайси бир гирифтор кўнгил сабр тугунини бўшатмаган бўлса, унинг бахт тугуни очилади. Сабр шодликлар калитидир, бандларни ечувчидир. Сабр ўртоқдир, суҳбати зериктирарли, аммо мақсадга олиб борувчи; сабр улфатдир, узоқни кўзлаган; аммо охирда истакка етказувчи. Сабр уловдир — секин юрадиган, аммо манзилга элтувчидир. Сабр — туядир — оғир қадам, лекин бекатга олиб борувчидир. Сабр — насихатгўй, ачитиб гапирадиган, киши табиати ундап озор чекади, лекин, амал қилган охирда муродига етади. Сабр — табиб, бадхўр дори, бемор ундан азоб тортади, аммо сўнггида соғликка эришади.

Ишққа мубтало бўлган ошиқлар бу сўзни эшитганда чўчидилар ва лекин сабр натижасида ёр васлига етишадилар. Ҳажр азобини тортаётган кишилар сабр сўзини эслашдан жирканадилар, лекин охирда сабр туфайли дийдор кўришадилар. Сабрнинг умидкорлик қафасида жоң булбулига на хомушлик фойда берар, на куй ва на қола; сабр мажлисида руҳ тўтисига на сукут наф еткурар, на фарёд ва на фиғон.

Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан баравар; сабр даштида дам олиш югуриш билан баравар. Сабр бор ерда, айрилиқ ўтида куйганларга ўлишдан ҳам йўқ; иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ.

Сабр — ҳажр шомидек қоронғи ва узун, аммо сўнгги висол тоғи; сабр — ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳоят — иқбол каъбаси.

Балога гирифтор бўлиб, нобуд бўлиш хавфи остида қолган одамнинг ҳаёти сабр туфайли озод; ҳар бир номид шахснинг тушкун руҳи сабр туфайли тетик, обод...

Ҳикоят:

Нақл қилишларича, бир бечора-потагонининг кўнглига бир гулюзнинг ишқи тушди. У туҳмат туфайли зиндонга гирифтор бўлди. Туҳматни бўйнига қўйиш учун

унга берилмаган азоб қолмади, аммо у махфий сириги тилига олмади. Оқибат бир кун миршаблар бориб, уни зиндондан тортиб чиқаздилар ва бош-оёғидан тортиб бир қучоқ ёғочни унинг баданига уриб ушатдилар. Калтак зарбидан унинг бутун вужуди жароҳат бўлди; ҳамма аъзосининг териси шилинди. Унинг аъзойи бадани шундай дабдала қилинган эдики, оққан қон у майдонни лолазор қилди. Шунда ҳам, у бечора мутлақо дам урмади ва иқрор сўзини тилига келтирмади. Ниҳоят, золимлар уни азоблашдан чарчадилар ва ўртадан судраб чиқариб, ноилжликдан қўйиб юбордилар. Инсофани туғри иш қилдилар.

Сўнгра, азоб берувчилар йироқлашгач, жафоканш оғзидан майдаланган танга парчаларини чиқарди. Тулланган одамлар бу ҳол сабабини сўрадилар.

Унинг жавобидан маълум бўлдики, золимлар калтаклаётган пайтида севгилиси келган ва бир бурчакда унинг аянчли ҳолига боқиб турган экан. Унга жабр-зулм қилинаётганида, у тангани оғзига солиб, ҳар зарбда икки тиши орасига олиб, қаттиқ тишлар ва тишининг зарби билан у пулни майда-майда қилиб ушатар экан. Ошиқ ўз маъшуқаси қаршисида сабр-чидам кўрсатиб, унинг кузатиб турганини сезар экан.

Бу манзарани ўз кўзи билан кўрган маъшуқаси меҳр-шафқат билан қошига келиб, юмшоқ сўзлар билан яраларига малҳам қўйди ва ширин тил билан мажруҳ танига жон бағишлади. Бу ошиқ йиғит тасаввур қилиб бўлмас давлатга муяссар бўлди ва хаёл қилиб етмас саодатга эришди. Бу бахт — барча қийинчиликларини сабр-чидам билан енгиш намунасидир. Бунга азоб-уқубатга бардош кўрсатиш орқали эришилди.

Байт:

Кимки бирор қийинчиликда сабру чидам кўрсатса,
Бахт унинг заҳрни болу, тиканини гулга айлантиради.⁸³

4. ТАВОЗЕЪ ВА ОДОБ ТУҒРИСИДА

Тавозеъ* — кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади, одамларни у билан дўстлаштиради. Тавозеъ — дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшандан ошналик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар со-

* Тавозеъ — одоб сақлаш, хокисор бўлишлик.

чади. Тавозеъ — такаббур мухолифга мулойимлик ва кумтарлик йўлини кўрсатади; гердайган душман кўнглида инсонийлик завқини қўзғатади. Қайта-қайта кўрсатилган тавозеъ — ҳаёсиз такаббурни уят чегарасига тўмон йўллайди ва ҳаддан ташқари инсофсиз душманни ёмонлик қилишдан қайтаради.

Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Одобли одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ, ҳеч қандай эҳсон бермай каттадан-кичик, ҳаммани шод қилади; ҳеч қанақа ҳадч қилмай, кишиларнинг ғамини тарқатади.

Одоб — кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади; ёшлар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. Одоб — улуғлар кўнглида ёшларга меҳр уйғотади ва у одобли ёшга бўлган муҳаббат кўнгилда абадий қолади. Ёшларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган феъл-атвори одобдир, одоблиларнинг юриш-туришида халқ улуғворлик кўради.

Одоб — кишилар тарафидан қилиниши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини бекитади ва одамни ҳазил-мазаҳдан, камситилишдан сақлайди. Одоб — одам табиатига инсонийлик бахш этади ва киши мизожига одамийлик манзилида ором беради.

Одобдан кичикларга шунчалик фойда етадиган бўлса, катталарга не чоғлиқ эканини тасаввур қилинг. Одоб ва тавозеъ — меҳр-муҳаббатнинг зеб-зийнатидир; одобсизлик — дўстликка путур етказди. Одоб ва тавозеъ дўстлик ойнасига жило беради ва икки орага ёруғлик бағишлайди.

Тавозеъ ва одоб эгаларига ҳамма таъзим қилади ва ҳурмат билдиради. Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади. Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топади. Агар киши одоб ва тавозеъ каби яхши хулққа эга бўлса, ўзи ҳам халқнинг иззат-ҳурматиغا сазовор бўлади. Дўстлар орасида шу каби суҳбат ва шу йўсунда ҳамжиҳатлик бўлса, қандай яхши! Бундай аҳл, иттифоқ, муҳаббатли, одобли бўлиш — дўстлар учун бахтиёрликдир.

Байт:

Бундай ҳаёт ақл ва ҳикмат эгалари насибасидир,
Нафспараст ва худбинлар унга эриша олмайдилар.³⁴

Ҳикоят:

Ривоят қилувчи ровийлар шундай ҳикоя қиладиларки, бир ов пайтида елдек от чоптириш даврида Хусрав Парвезнинг шоҳлик тожидан порлоқ гавҳар йўқолади. Ҳамманинг хаёли ов можароси билан банд бўлгани туфайли, буни ҳеч ким сезмай қолди. Овдан кейин Мадойинга қайтадилар. Шундан сўнг, тож гавҳари тушиб қолганини биладилар. Халойиққа жар соладилар, у ноёб гавҳарни қидира бошладилар. Чунки, подшоҳ тожининг у зийнати мамлакат хирожига тенг эди. Шунинг учун, уни топиб келтирган кимсага жуда катта инъом ва мукофот ваъда қилинди.

Халқ у биёбонда гавҳарни топиш ва инъомга эга бўлиш орзуси билан овора эди. Иттифоқо, бири ғофил ва бири огоҳ икки ҳамроҳга учрадилар. Ғофил — жоҳиллиги сабабли гердайган, огоҳ эса, тавозеъ ва одоб туфайли улуғвор эди. Булардан бирининг оти жаҳонгашта Мудбир, иккинчисининг оти йигитлар марди Муқбил эди. Улар шу биёбонни кечиб ўтиб, шаҳарга бориш ниятида даштда кезар эдилар. Булар, ниҳоят, ҳалиги инжу ахтариб юрган одамларга йўлиқдилар ва уларни бошлаб чиққан бошлиқ билан учрашдилар. Мудбир такаббурлик қилиб, у одам билан салом-алик қилмай, гердайиб ўтиб кетди. Муқбил эса инсонийлик юзасидан у одамга одоб ва тавозеъ билан энгашиб салом берди ва шу онда оёғи остида тушиб ётган гавҳарни кўрди ва дарҳол олиб, ўпиб, ҳурмат билан бошлиққа тақдим этди. У эса, ваъда қилинган мукофотнинг мутасаддиси эди. У Муқбилни ўзи билан олиб шаҳарга қайтди ва бўлиб ўтган воқеани Хусрав қошида баён этди. Хусрав Парвез хушҳол ва шод бўлди. Муқбилга ташакурлар изҳор қилгани ҳолда, ҳаддан зиёда эҳсон билан уни мукофотлади.

Мудбир такаббурлиги туфайли шаҳар ҳаммомига гулоҳ бўлди, Муқбил эса одоб ва тавозеъ шарофатидан мақсад гавҳарини топди, шоҳ гулзоридан ўрин олди.

Байт:

Такаббур ва ғофил шаҳарда хор-зор кезади,

Тавозеълини эса мақсад гавҳари бадавлат қилади.³⁵

5. ИШҚ ТУҒРИСИДА

Ишқ — порлоқ юлдуздир, башарият кўзининг нуру зиёси шундан; ишқ — товланиб турувчи гавҳардир — инсоният тожининг зийнати ва баҳоси шундан. Ишқ —

тоғас қуёшидир, қайгули диллар тиканзори ундан гулман; ишқ балқиб турган тўлини ойдир, қоронғи кўнгиллар кечаси ундан равшан. Ишқ — кеңг денгиздир, ҳар тўлқини юз ақлу ҳуш кемасини гарқ қилади; у баланд тоғдир, ҳар чўққисининг ўткир қирраси минг зуҳд-тақво этасининг бошини учиради. Ишқ — куйдирувчи шуъладир, кўпгина жон ва кўнгилларни хашакдек ёқади; алангали чақмоқдир, кўпгина жону дилларни ёлқини билан юл қилади. Ишқ — аждаҳодир, оламни дамига тортмоқ унинг тилаги; у қаҳрли подшодир, олам аҳлини ёппасига қирмоқ унинг мақсади; у ҳар қанча қон туқкани билан зерикмайди; у қанча одамни қон қилса ҳам қониқмайди. Ишқ — яшиндир, ақлу дин хирмонини куйдиради; у бўрондир, куйганларнинг кулини кўкка совуради.

Ишқ — шунчалар қайсарки, унинг олдида подшоҳ ҳам, гадо ҳам тенг; у шундай зулмкорки, унинг қошида ифлос-фосиқ ҳам, покдил ошиқ ҳам бир.

Ошиқ кўнглига маъшуқ ҳавасини солувчи ҳам ишқ; бир жилваси билан киши жонини олувчи ҳам ишқ. Ошиқ — ишқ балосига гирифтор; унинг куйдирувчи офатига дучор. Ишқ туфонида гарқ бўлган ошиқ, шундай яшшнинг чақмоғида уртанган — ошиқ; шу хон қўлида эзилган ва шу шафқатсиз дастидан девона ошиқ, у шундай фитначининг мафтун ва шундай қотилнинг аврашига берилган; ошиқ — шундай қон тукувчининг қўлида ҳалок бўлувчи ва шундай бало қўзғатувчи йўлида дард тортувчидир.

Ишқ тоғи зулмининг гамнокларидан бири — Фарҳоддир ва девоналик саҳросининг бечораларидан бири — Мажнундир. Қоронғи кеча девоналаридан бири — бетиним парвона ва гулистон ҳавосининг тўзимсизларидан бири — девона булбулдир. Юраги яхшилик ўти билан ёнувчилардан бирининг номи Хусрав ва ишқ майхонаси дардмандларининг намояндаларидан бири — Жомий бўлиб, буларнинг қабрлари нурли бўлгай. Улар тутган йўлни бизга ҳам насиб этгай; биз ҳам у зотларнинг орқаларидан борайлик.

Байт:

То абад булар бир-бирларига қалин бўлгайлар,
Самандарлар* каби ишқ ўти ичра юргайлар.³⁶

* Самандар — каламушга ўхшаган жонивор. У гўё оловдан пайдо булар ва олов ичиди яшар эмиш.

Бу таъриф қилинган ишқ ва бу баён этилган ошиқлар маъшуқ туфайлигина тирик ва юқорида айтилган аҳволларга донмо мансубдирлар.

Маъшуқ ҳусндан иборатдир...

Ишқ унда эътибор ва улугворлик, прода ва ихтиёр мавжудлигига қарамай, ҳусннинг ҳашаматли, назокатли саройида ночор бир хизматкор ва заиф бир қулдир. Ҳусн султони қачонки гўзаллик ниқобларидан ва яширинлик пардаларидан чиқиш тараддудини кўрса, ва ўз юзини очиб, жилва билан табассум айласа, ҳажр азобида қийналиб ётган ошиқнинг кўзи ёр нури акс этган ойнанинг шишаларидек чарақлаб, унга ҳайронлик билан боқиб қолади; ишқнинг жасур сеҳргари, у ойна орқали ўзини кўнгил уйига ташлайди, у хонани хароб эта бошлайди ва бу билан ақлу хуш каби парсаларга қўзғолон солади.

Шуниси аниқ эмаски, ҳусн султонининг бу зулми бедодидан у мулк аҳлининг мазлумлари нима қилади-ю, уларнинг ҳоли бунинг шиддатли азобидан сўнг қандай бўлади?

Шунга қарамай, ўша мамлакат асирлари ва у дённинг ўлим ва торож кўрган халқи унинг гўзаллиги майидаи ўзларидан кетиш даражасида маст-аласт ва унинг жамоли томошасидан вола-ю ҳайрон бўлиб, унинг завқи билан ақлдан озиб, мафтуну таслим бўлаверадилар.

Энди, ҳусн шоҳи — у мамлакатни эгаллагач ва мулк аҳлини зулм ва талон-торож билан асир этгач, ҳусн султони ўзининг жилваланиб турган жаннат фазосидан қоронғи хилват ҳарамхонасига кирса, нур зулмат пардаларига томон юрса ва жамоли қуёшнинг тун каби қора ниқоб булути билан яширса, яна талон-торож зўридан асир бўлмиш мамлакат аҳлининг ва ўлим азоби остида хароб бўлмиш мулк элининг уни кўриш ва томошо қилиш умиди барбод бўлса, улар шундай дод-вой соладилар ва тўполон кўтарадиларки, гўё қиёмат қўнгандек бўлади. Уларнинг дунёга сиғмас оҳ-воҳлари зolim фалаккача чиқади ва айланувчи осмонгача етади.

Бу даҳшатли аҳволнинг азобини сўз билан ифодалаб, ёзиш билан тасвирлаб бўлмайди. Бу азобни кўрмаган киши билмайди ва бу даражага етмаган одам ишонмайди. Ҳижрон ва фироқ деб шуни айтадилар.

Ишқ уч қисмга бўлинади:

Биринчи қисм — оддий одамлар ишқи бўлиб; халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир. Айтадиларки,

«фалон одам фалончига ошиқ бўлибди». — Бу хилдаги одамлар кимгадир ошиқ бўлиб, изтироб чекиб, шунинг хаёли билан юрадилар. Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси — шаърий никоҳдир. Никоҳ — барча халқлар учун умумий ва заруридир. Қуйроқ мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандаликлар кўринадики, бу ҳақда сўзлаш — одобсизлик, баён этиш — ҳаёсизликдир.

Иккинчи қисм — алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқи-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади.

Ишқ аҳлининг покбозлари ва шавқ-завқ аҳлининг назм битувчи ва афсонага пардоз берувчилари — қадимда ўтган назм-шеъринг ўрмонининг арслони ва ишқ оташхонасининг самандари ва завқу ҳис водийсининг пок йўловчиси Амир Хусрав Деҳлавийдирким, унинг нафаси ҳам пок, гап-сўзи ҳам пок, ҳар бир лафзиди ундаги маънолар ҳам пок. У ўзининг шеърлари билан ишқ аҳли орасига гавго, ҳиссу ҳол анжумани фазосига ҳаяжон ва можаро солган.

Яна ишқ аҳли орасида кам учрайдиган, беназир ва ягона, миллат ва диннинг фахри бўлмиш шайх Ироқийдирким, сўзларида маънолар, жумлаларида фикрлар порлаб турган асарлар эгасидир.

Ва, булардан кейин, икки дунёни бир дов билан ўйинга тиккан қиморбоз тахлит покбоз ва ишқнинг фонийлик майхонасида ҳақиқат майидан маст бўлган риндлар сирдоши, миллат ва диннинг қуёши Хожа Ҳофиз Шерозийдир.

Дунё ва охиратни бир оҳ билан ўртаган, пок ошиқлар бошлиғи, ерда фаришталар оламида яшовчиларнинг шайхулисломни, тўғри йўлга бошловчи улуг зот, миллат ва диннинг нури Абдураҳмон Жомийдирким, гарчи у кишининг мақтови назмга писбат беришдан юқорироқ бўлса ҳам, лекин шеърининг ҳар бир услубида мислсиз эдилар ва назмларида ҳар бир шеър билан оламга ўт сочган эдилар ва шеърларида ҳар бир байт билан дардаҳллариининг жонини ва кўнгил оламини куйдирган эдилар.

Яна у ҳазратнинг муҳаббат қадаҳидан юқ-юрум ичиб, тўғри йўл кўреатинида фонисифат бўлган, дард

ва ишқни туркий тилида ҳарорат билан ифодалаб, турклар ўртасида ўз ижоди билан ҳаяжон ва сортлар орасида офат қўзғотган кимса ҳам бор*.

Юқорида номлари зикр қилинганларнинг ҳаммасининг ижод қилиш ва шеърят устида бош қотиришдан мақсадлари — ишқни тасвирлашдир. Ҳаммасининг шавқи ва дард-ҳасратининг алангаси, ялиниш-ёлбориш ҳолати, ишқнинг дарду бало чақинидандир, ҳаммасининг куйиш-ёниш ҳақидаги ваҳимаси ҳам ўзининг ишққа мансублигини изҳор қилмоқ, балки ишқ йўлида мағлуб бўлганини билдирмоқдир.

Буларнинг муддаоси, ишқ оламида ошиқликнинг оғир аҳволини, маъшуқнинг ортиқ даражада гўзаллигини тавсифлашдан иборат. Ҳар бирида ошиқ ва маъшуқнинг ажиб ҳолатларига, ғариб ҳаёлларига, чегарасиз қизиқ воқеаларга, ниҳоясиз ранж-машаққатларга дуч келинадик, буни тасвирламоқ, албатта зарур. Масалан, маъшуқ ҳусни-жамолининг тенгсизлиги, ноз-истигноси-нинг беҳадлиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар.

Бундан сўнг, ошиқ дард-фироқининг авжга чиқиши, унинг маъшуққа ялиниб-ёлбориши ва куйиб-пишишининг бепоёнлиги ва шунга муносиб воқеаларни ҳам тасвирлаш лозим. Сўнгра, тағин, иккаласининг бир-бирига муносабати ва яқинлиги, касб-ҳунари, ихтисоси ва тарбиятидан юзага келган ҳолат натижаларини ҳамда юз кўрсатган қийинчиликларни ёзиш керак бўлиб, буларнинг ҳар бири учун китоблар ва жилд-жилд асарлар яратилганда ҳам уни тула тасвирлаш ва бу ҳақдаги мақсадни бошдан-оёқ қаламга олиш ғайритабiiй, балки узрли кўринади.

Дунё бозорининг ғавғоси ва дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонасидаги шовқин-сурони — ишқ туфайлидир. Бусиз инсон каломи жонсиз танага, башариятнинг лафзу иборалари гул ва райҳонсиз чаманга ўхшайди. Агар сўзнинг назм лаззатидан ҳарорати бўлмаса, ва шеърнинг ишқ ҳароратидан куйиши бўлмаса, уларни нурсиз шамъ ва бошлиқсиз тўда деб билинг.

Хулоса шуки, шеър*ий* сўз — шу мазмунда тараннум қилиши лозим, бундан ўзгача бўлса, у афсонадир. Асл сўз — ишқ ҳақидаги сўздир. Кўнгилда ҳаёт нашьаси бўлса, бу — ишқнинг ўзидир.

* Ҳақ бу ерда Навоiiининг ўзи ҳақида боради.

Байт:

Сузнинг маъносида ишқ ўтидан нишон бўлмаса,
Уни ҳаракатсиз қолган жонсиз бадан билгин.³⁷

Ҳикоят:

Нақл қилишларича, ишқнинг ҳажр ўти Мажнун жонига улашди; заиф баданига ҳароратли у ўтнинг алангаси туташди. Ҳар қанча муолажа қилсалар ҳам фойда қилмади; касал ортди, иситма тушмади. Бемор оғирлашиб жон талвасасига тушганда, кимдир бу аҳволдан Лайлини хабардор қилди.

Паривашни у хабар ношод қилиб, ўз девонасининг ҳолини сўраш учун нома ёзди. Бир одам у хатни Мажнунга ётказганида, унинг танида жон асари қолмаган эди. Шу пайтда меҳрибонлари Лайли номасини ўқиганларида беморнинг эшитаётгани ва таъсирланганини сездилар. Ҳар гал нома такрор ўқилганда, бемор танига жон қайта киргандек бўлар эди. Мажнун аҳволига ҳар қанақа дори-дармон, дуо ва тумор таъсири даври ўтган эди. Лекин унга Лайлнинг хати тумор ва дуо ўрнини босди.

Бемор касалдан тузалиб, сиҳат-саломат бошини кўтаргунча бу хатни такрор-такрор ўқиди, соғайгач эса тумор қилиб бўйнига тақиб олди. Ишқ алангасидан Мажнуннинг касали тузалди ва у сўз такроридан бадани қувватга кирди.

Байт:

Агарчи ошиқнинг мижози заиф ва касалдир,
Аммо маъшуқни ёдлаши унинг касалига даводир.³⁸

Учинчи қисм — сиддиқлар — ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдирлар. Уларнинг ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига кўтарилган бўлади.

Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса — улар беҳабар ва агар юлдузлар гул баргини ҳар томонга совурса, буларга асар қилмайди. Уларнинг ҳислари ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан; шавқ-завқлари эса, унга булган ишқларининг ҳужуми остида йўқолиб битган...



УЧИНЧИ ҚИСМ

Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар

Салтанат аҳлларининг ўринсиз гурурига ҳақнинг ҳоқимлиги, унга қарам бўлган ниҳоясиз мулклар ҳақида фикр юритиш, даъво ва кибрга мубталолигига ҳам унинг улуглиги ва азамати ҳақида ақл югуртириш илож бўла олади.

Саодатманд одам агар олим бўлса, нодонларнинг сўзлари ҳам унинг учун аҳамиятли бўлади, бахтсиз агар жоҳил бўлса, олим сўзини эшитишдан ор қилади. Ҳақиқатан ҳам жоҳилликдан бадбахтроқ нима бор дуиёда? Кимки ўзини ўзи мақтаса — бу аҳмоқликдир; кимки ўз сўзини ўзи маъқул кўрса — бу бахтсизликдир.

Оламдаги ҳамма одамлар ўзларини ўзлари севдилар; уларнинг сўзлари ҳам ўзларига жуда ёқимли туйилади. Башар жинсида бўлган бу сифат — уларнинг жоҳиллигига далолатдир, нафслари эса беихтиёр шу даъво билан машғулдир.

Танбиҳлар

1. ТАНБИҲ

Нафс кетига тушган — нафсоният манзилидагина тўхтайдди. Ҳеч ким ўз кўнглига ғам тиламайди ва ўз нафсини қийнашни хоҳламайди. Аммо ўзганинг азиз зотида беҳад хорлик кўрса, ўзига кичик бир қийинчилик юзланганича билмайди. Бир азиз кимсанинг шаънига ниҳоятда қаттиқ тегилганини англаса, ўзига озгина кулфат тушгандек ҳам таъсирланмайди. Барча учун ўзи ўзгадан азизроқ; ўз сўзи ўзгаларникидан маъқулроқ. Одам — оламдаги яхшиликларни ўзидан ҳеч аямайди, аммо бу яхшиликларни ўзгаларга раво кўрмайди.

2. ТАНБИҲ

Эркакларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши — хотинларнинг оройиш учун безанишлари кабидир. Аммо бу каби безанимоқ иккаласи учун номуносиб, хусусан, эркаклар учун кўпроқ шармандаликдир. Барча ўзини кўрсатиш ва безаниш касалига учраган, бу эса уларнинг ўзларига ёқимли туйилишидан далолат беради.

Тутуруқсиз сўзлари билан кулги кўтаришга сабабчи шонр ўзини Саъдий ва Хусравдан ортиқ деб ўйлайди.

Бадхат котиб қарганинг ифлос оёғидан хунукроқ қилиб ёзган ўз хатини — Жаъфар ва Азҳар каби машҳур котибларнинг хатидан гўзал деб билади.

Солган сувратидан одам қўрқадиган ёмон сувраткаш ўзини машҳур Абдулҳай ва Монийдан санъаткор деб ҳисоблайди.

Китобларни олтин ҳал билан безовчи музаҳҳибнинг хитойча нақши хато билан тула ва фарангчаси наққошлар тинкасини қуритадиган даражада бесўнақай бўлишига қарамай, ўзини Аторудга* ўхшатади.

Ҳар бир ҳунар эгаси ўз ҳунарини муболага билан таърифлайди, буни эса унинг нафси тақозо қилади.

Мадрасадаги беҳуда мунозара олиб борувчилар қийчувидан ҳам манманлик англашилади; бу унинг сўзини рад қилса — у бунинг даъвосини қайтаришга уринади; ҳар қайсиси ўз сўзини маъқуллайди ва ўзини эътироф қилади.

3. ТАНБИҲ

Ўзига бино қўйган одам — ақлсиздир; ўзига зеб берган — беор, сатангдир. Бой (аслида) — алданувчидир. Такаббур — лаънати. Шаҳвоний нафсга берилган — нафсининг қурбони бўлади. Бу балолардан нафсни тийиш — ҳалокатдан нажот топиш демакдир.

4. ТАНБИҲ

Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар; улар кўп эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар. Эшитмоқ — кишини бойитади; кўп гапирмоқ — саёзлатади. Кўп га-

* Аторуд — Меркурий сайёраси. Мифологияда бу сайёра китобат санъати аҳлининг ҳомийси ҳисобланади.

пирган — кўп янглишади. Кўп еган — кўп йиқилади. Тан касалининг асоси — кўп емакдир, қалб касалининг сабаби — кўп демакдир. Кўп демак — сўзга мағрурлик, кўп емоқ — нафсга бандаликдир. Одам учун бу сифатлар кераксиз ва барчаси худпарастликка оиддир.

5. ТАНБИҲ

Ўзига бино қўйишлик — бахтсизликдир, бунинг фарқи ва даражалари бор. Худбиннинг ҳар бир қилган иши ўзига яхши кўринади, лекин бу кўримсиз қилиқда фарқлар кўпдир; қисқартиб уч қисмга бўлинди.

Биринчи қисм: юқорида таъкидланганидек худбиннинг гап-сўзи, феъл-атвори, унинг ҳар бир қилган иши ўзига яхши ва маъқул кўринади.

Иккинчи қисм шундайки, худбиннинг ҳар қандай аҳволи ва ёқимсиз ҳаёллари ўзига маъқул, ёқимли ва чиройли кўрипади. У ўз ярамасликларини яхши деб мақтайди ҳам. Бу хунук башара ўзини дунёда машҳур ҳусн эгаси бўлмиш Юсуф Канъонийга* тенглаштиради. У ўзининг энг ёқимсиз овозини—Юсуф Андижонийдек** катта ҳофиз овозидан устун қўяди. Худбин ўзининг мазмунсиз байтларини шоир Салмоннинг*** гузал қасидаларидан яхшироқ деб билади; бемаъни ва беҳуда гап-сўзларини буюк олим Замаҳшарийнинг «Кашшоф»**** номли машҳур китобидан ортиқ гумон қилади.

Худбин — ҳақнинг амрига бўйин сунмайди; шайтоннинг барча буйруқларини бажо келтиришдан чарчамайди. Ўз олдида ўзи доно ва чечан, ҳар бир қиладиган номаъқул иши ўзига маъқул ва равшан. Унинг май ичишга иштаҳаси зўр, бадмастлик унга сингиб кетган; у билан бирга ўтириб ичган одамнинг яхшилиқча қутилиши мумкин эмас. Қимки зиёфатда у хосиятсиз билан бирга ўтирса, унинг ўринсиз ҳаракатлари туфайли, жондан безор бўлгай. Мажлисда ноўрин буйруқлар берганида,

* Гузалликда мислсиз Юсуф пайғамбар назарда тutilади.

** XV асрда яшаган андижонлик шоир ва хонанда.

*** Жамолiddин Салмон Соважий—XIV асрда яшab ижод этган форс шоири. Айниқса қасидагуйликда шуҳрат қозонган.

**** Маҳмуд Замаҳшарий (1074—1144) хоразмлик машҳур ўзбек тилшунос, олими, шоир ва адиб. Унинг «Ал-Кашшоф» (Ошкор қилувчи) асари Маққада ёзилган.

барча буйруқларни ижро қилиш ҳам бир-у, буники ҳам бир. Унинг мажлисига кириб қолган одам кетмоқчи бўлса, бир тўда муттаҳамлари тўсқинлик қилади ва улардан бир амаллаб қутулиб чиқса, дарвозабони йўл бермайди. Бунинг тузоғига илинган одам шундай балога қоладикки, бундан қутилиш учун, ўлимни кўзига тўтиё қилади; агар шунда биров: «ўлдириб, шу балодан сени қутқазаман» деса, унга жонини фидо қилади. Агар қутилса, Румда ҳам, Фарангда ҳам турмай, ундан қочади. Бугина эмас, агар у худбин жаннатда базм қурадиган бўлса, ўша жаннатга ҳам қадам босмайди.

Бу манманликка берилган, ахлоқсизнинг ва бу ярамас, ифлоснинг мажлисидан зиндон яхшироқ; унинг бадбўй, жирканч базмидан ҳожатхона покизароқ. Худбин оғзидан кекирса-ю, ортидан бошқа ел чиқарса, бу қилиқ ўзи учун жуда чиройли, гоят гўзал ва ярашқили. Худбиннинг уятсиз қилиқлари ўзига шундай завқли кўринадикки, бу базмда у билан бирга ўтирганлар ва бунинг бадахлоқ қилиғини кўрган ва эшитганлар, гўё унинг овозини ёқимли, ҳидини фойдали, деб унга миннатдорчилик билдиришлари лозимдай. Бу ярамасликни ҳеч ким унга айтолмайди ва мабодо айта олса, у одамнинг гапига қулоқ солмайди. Бордию, эшитганда ҳам бу ҳақ гапни нотўғрига чиқзади, бу «шарафли шахс» ўз қилиғи хунуклигини тан олмайди. Аксинча, унинг камчилигини кўрсатган одамни изза қилади ва қасдига тушади. Шундай ярамас қилиқли одам бу даврда ҳам мавжуд ва ҳозир ҳам бор.

Бу каби ўзини азиз билувчилар ора-сира кўришиб турадилар. Замона кишилари ўйлаб кўрсалар — уларнинг барини билиб оладилар. Уларнинг баъзиси, юқорида зикр қилинган «шарафли шахслар»дан кичикроқ бўлса, баъзиси улуғроқдир; агар баъзиларининг ишлари кам бўлса, баъзилариники ортиқроқдирки, буларнинг кўпчилигига бу эзилган камина беҳисоб яхшиликлар қилганман, эвазига эса беҳисоб зулм ва беҳад озорлар кўрганман, лекин кўрмасликка солиб айбларини кечирганман. Таагри уларга инсоф бергай. Мен мазлумни ва менга ўхшаш бошқа бечораларни уларнинг зулмидан халос қилгай.

Бу айтилган феъллар ва ёзилган хислатлар худбиннинг кўпчиликка нисбатан ўзини устун ва қилиқларини ёқимли деб билганидан ҳамда ўз жиловини шайтоний нафсининг қўлига бериб, нафсига қурбон бўлиб қолганининг касофатидандирким, қанчадан-қанча ёмон феъл-

лар шунинг натижасидир. Буларни йўқотиш учун эса, нафсни тийини ва кеккаймай, ўзини камтарин тутини зарур бўлади...

6. ТАНБИХ

Такаббурлик — шайтон иши ва маиманлик — нодон иши. Такаббур одам — барчага ёқимсиз. Худбинининг ҳеч бир иши элга маъқул эмас. У ўз биллими билан мағрур, аммо билимдонлар қаршисида эса айбдор. Худпарастликдан бутпарастлик яхшироқдир.

7. ТАНБИХ

Инсон учун яна бир улуг фарз — эҳсон қилишдирки, бу ҳақда кўп гаплар айтилган. Масалан: «Одам яхшиликларнинг қули», деган ҳадис ҳам шу жумладандир.

Ҳамма таълимотларда ва ҳамма миллат кишилари қошида — яхшиликка яхшиликдан бошқа мукофот йўқлиги исботланган.

Эҳсон деган сифатни абадий саодат деб, уни фитна ва офат яъжужини даф қилиш учун қурилган бир тўсиқ* деб бил. Инсоният боғининг энг гузал дарахти эҳсондир ва одамийлик хазинасининг энг бебаҳо гавҳари ҳам эҳсондир. Барча ёқимли сифатлар ва таҳсинга лойиқ аҳволлар эҳсон натижасидир ва эҳсон туфайли юзага келгандир. Барча яхшиликларнинг жами — эҳсондир ва барча яхшиликлар ҳақиқатан ундандир.

Қитъа:

Эҳсон ажойиб фазилат бўлиб, ҳар бир инсониятга мансуб,
шариф сифатлига оиддир.

Уни қимматбаҳо қафасдаги жавоҳир билгилки,

У ерда қайси бирини истасанг топилади.³⁹

8. ТАНБИХ

Аммо, бу замон ва давронда, ё замон айланиши, ўзгаришининг нуқсонлари, ёки давр ва замон аҳлидаги ақл ва инсонийликка етишган футур туфайли, бу варақ тескари уғирилган ва бу ҳукм акс натижа бергандир. Яхшиликка мукофот — қўполлик; одоб билан

* Қадимги афсонага кўра бадбаъшара одамхўр махлуқлар — яъжуж-маъжужлардан сақланиш учун Искандар баланд ва мустаҳкам девор қурдирган экан, бу ерда шуларга ишора қилинади.

қилинган хушмуомала эвазига кеккайиш, такаббурлигдан ўзгача муносабат кўрмайсиз. Бировга бир хизмат қилсанг, ундан ўн зарб ейишга тайёр турмоқ керак; кимгаки бир тавозеъ кўрсатсанг, минг қўполлик ва дилсиёҳликка ҳозир бўлиб турмоғинг лозим. Бировни олқишла-гудек бўлсанг, унинг қўп қарғишига учрайсан; бировни бир мақтагудек бўлсанг — ўн марталаб ёмонласанг-да, қутилмайсан. Бировга бир пиёла май тутгудек бўлсанг, у сенга қадаҳ-қадаҳ қон ютқазади; бир қадаҳ болигғни ичган одамдан коса-коса заҳар ютишга тайёр турмоқ керак.

Ҳар қандай хизматкорлик қилиб, унинг эвазига жабр-жафо кўрганнинг ҳолда, сендан яна хизмат кутадилар. Ҳар қанча вафодорлик кўрсатиб, кўз олдида ранж-машаққат тортсанг, яна қуллуқ тама қиладилар. Ҳар вафо эвазига юз жафо чекмасанг, гуноҳкорсан ва ҳар меҳр-муҳаббатингга минг дарду алам кўрмасанг, хонавайронсан. Уларга жон фидо қилсанг, яна жонинг билан ташаккур изҳор қилишининг талаб этадилар; агар бу шукронани адо қилсанг, яна такрор жон фидо қилишни талаб этадилар. Уларнинг юз муддаоларини бажарсанг-у, бири қолса, бошдан-оёқ айбдорсан: минг-минг орзуларини юзага чиқазиб, биргина узр орага тушса, бутушлай бебахтсан. Ёмонлик қилганларида минг карра ёлбориб илтижо қилсанг, сендан ёмонроқ киши йўқ. Дўст сифатида жонингни бермасанг, жонингга душманлик қиладилар; уларнинг кўнгли учун ноҳақ қон тўкишга рози бўлмасанг, қонингнинг тўкилишига гувоҳлик берадилар. Доим истаган ишларини ўз вақтида қилсанг-у, аммо бир гал кечиксанг, сўкиб-ҳақоратлайдилар; ишларини мудом истаганларидек қилсанг-у, бир қатла нуқсон рўй берса, умр бўйи қилганларининг ҳаммаси йўққа чиқади. Ҳар доим олмоқ — улар учун ҳунар; олганларидан юздан бирини қайтармоқни хаёлга келтириш — улар учун зарар. Меҳнат-машаққатларига чидасанг — отинг бефаросат; буюрганларидан бир озини унутсанг — зоти паст, деб қиладилар туҳмат. Барча молигғини уларга фидо қилсанг-у, бир гал эсдан чиқазсанг, лақабинг бемурувват; қилган жабр-жафолари эвазига узрхоҳлик юзасидан жон бермасанг, номинг — бе-номус. Бошларидан гул сочсанг, улар юзингга тикон санчадилар; агар гул сочишни туҳтатсанг, бағрингга чўғир қадайдилар. Ҳаминша ёлборганларга муомалалари нозу фироқ, ситамлари эвазига ҳар замон лутфу-карам қайтишини истайдилар. Қайси бечора мазлум бу

зулмкашлар қўлига гирифтор ва бу жабр-ситамчиларга хизматкор бўлса, булар жафосини уша жафокашлар жонидан сўра ва ситамларининг жароҳатини уша мажруҳларнинг бағридаги захмларидан кўр.

Қитъа:

Замон халқидан менинг жонимга етишган жафоларнинг
Бириси ҳам кофирларга асир бўлган мусулмонга етишмас.
Қанчалар зулм қилиб, сўнгидан тухматлар тўқиб,
Охирда уларни бу зору ҳайрон жафокашга юклайдилар.
Бу золимлардан агар жонни бериб халос бўлиш мумкин эса,
Худо ҳаққи, бажонидил бу жонни фидо қиламан.⁴⁰

9. Т А Н Б И Х

Саховат ва ҳиммат тўғрисида

Саховат — инсоният боғининг ҳосилдор дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саховат одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизидир, балки у тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Саховатсиз одам — ёғинсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушканбарга ўхшайди. Мевасиз дарахт ҳам бир-у, ўтин ҳам бир; ёғинсиз булут ҳам бир-у, тутун ҳам бир. Саховатсиз одамдан ичида гавҳари бўлмаган садафнинг фарқи йўқ; дурсиз садаф билан қуриб қолган тошбақа чаноғининг фарқи йўқ... Сахий булутдир, хирмон-хирмон дон ҳосили, балки хазина беради; бахил чумолидир, дон-дун, машоқ теради. Ҳиммат аҳлининг ихтисоси — саховатдир; бу улуғ сифат — покиза кишиларга хосдир. Одам — бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир; ҳимматлилардан олам аҳли учун юз минг шараф ва шукуҳ етишади. Ҳимматсиз киши — эр сониде эмас; жонсиз баданни ҳеч ким тирик демас. Олий ҳиммат одам — баланд парвоз лочиндир; беҳиммат — сичқон овловчи калхатдир. Шунқорнинг маскани — шоҳнинг билагидир; калхатнинг жойи ўлимтикнинг сассиқ бадани ва сўнгагидир.

Арслоннинг мақсади — ов қилиб, оч йиртқичларни тўйғазмоқ; сичқоннинг ҳаракати — дон ўғирлаб, тутун ахтармоқ. Ҳиммат эгаси — қашшоқ бўлса ҳам тубанлик қилмас; ҳимматсиз одам — хазина топса ҳам буюкларга тенг бўлмас. Чинор дарахти бўш қўлли бўлса-да, унинг юксаклигига нуқсон етмайди; ер тагида яшириниб ётган хазинанинг тулпроққа фойдаси тегмайди. Ҳимматли

кишиларининг даражаси юксакдир; аммо сахийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир.

Исроф қилиш — сахийлик эмас; уринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни куйдиргани—девоша дейдилар; сруғ жойда шамъ ёқгани ақлли бегона дейдилар. Мақтаниш учун мол бермоқ — ўзини кўз-кўз қилмоқ ва шундай қилиб ўзини «сahий» деймоқ — беҳаёлик билан ном чиқармоқ. Кимки халққа кўрсатиб эҳсон берса, у пасткаш, сахий эмас. Тилагандан сўнг беришлик ҳам саховатдан йироқдир, қисташ натижасида бергандан — бермаган яхшироқдир. Битта кулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга бергани — сахий деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга бергани — ахий дўст деб бил.

10. Т А Н Б И Ҳ

Саховат қандай қилинади

Яхшиликларни топмоқ — едирмоқдир; айбларни яширмоқ — кийдирмоқдир. Зарур вақтида берилган эски чопон ва бўз тўн — саховат; бемаҳал ҳадя қилинган зўрбафт чопон — ярамасликдир. Овқатим увол бўлмасин десанг — едир; либосим эскирмасин десанг — кийдир.

Саховат қилиш йўлини шу айтилган гаплардан англа; аммо олижаноблик ва мардлик расмлари бундан бошқачадир.

11. Т А Н Б И Ҳ

Олижаноблик (яхшилик) қилиш ва мардлик тўғрисида

Қарам — бир жафокашнинг оғир юкни кўтармоқ ва ўша юкнинг машаққатидан уни қутқармоқдир. Қарам — бировнинг тиканли машаққат юкни кўтармоқ ва тикан санчилишидан гулдек очилмоқ ва шу қилганини ҳақида қайта оғиз очмаслик; ҳеч миннат қилмаслик, асло юзига солмасликдир...

Ҳозирги пайтда қарам сабзаси сабзавотфурушнинг дуконидан бўлак жойда топилмайди ва меҳр (қуёш) гули осмон гулшанидан ўзга ерда очилмайди. Қарам — инсон табиатидан ноёб ва балки йўқдир; шу сабабдан қарам аҳлини кўз илғамас, ҳатто номавжуддир.

12. Т А Н Б И Х

Қарамдаги «к» ҳарфини гуё «кимё» сўзининг бошидан; «р» ҳарфини «семурғ» сўзининг орасидан ва «и» ҳарфини «маҳбуб» — гузаллар огзидан олган эмишлар. Ваҳолонки, ҳозир буларнинг учаласи ҳам огизда бор-у, амалда топилмайди. Эл ҳам буларни унутмишдир. Демак, бизнинг замонда қарам жавҳарини олам аҳлидан тилаш заррадан қуёшни талаб қилмоқ, энг кичик Саҳо юлдузидан осмонни фалакни талаб қилмоқ билан баробардир.

13. Т А Н Б И Х

Мурувват тўғрисида

Мурувват йўқликка чекинган қарамнинг қариндош-уруғидир, балки эгизак туғишганидир. Буларнинг иккиси ҳам одабийлиги йўқ халқнинг бевафолигидан хабардор бўлгач, булардан қочиб, йўқлик дунёсига сафар қилибдилар.

Қарамлик одам у гузал матодан (қарамдан) айрилишни хоҳламайди: мурувват эгаси ҳам шундай шарафли хулқдан ажрамайди.

Қарам билан мурувват иккаласи қайда бўлса ҳам тангри паноҳида бўлгай, иззат ва ҳурмат маконида ўрин тутгай.

14. Т А Н Б И Х

Вафо тўғрисида

Қарам ва мурувват — халқни вафодек бир яхши сифатдан маҳрум ҳолда курибдилар ва уни топиш учун йўқлик дунёси томон кетибдилар.

Жаҳон гулшани вафо гули зийнатидан бушаб қолган, башарият гули вафонинг муаттар ҳидларидан айрилган. Дунёнинг қоронги тупроқхонасини вафо шамъи ёритмаяпти ва замон бевафолар кўнгли билан улфатлашяпти. Вафонинг наргис гули давр чаманига кўз солмайди ва кишиларнинг кўнгил гунчасида кўролмаслик ва ҳасаддан ўзга нарса топилмайди.

Вафо — шундай бир покиза кўнгулли маҳбубаки, у табиати ва кўнгли пок бўлмаган кимсага ром ва улфат бўлмайди; вафо шундай бир покзот матлубаки, у зоти

тоза, табнати пок бўлмаган одамга яқинлашмайди ва унга рағбат кўрсатмайди. Вафо — шундай асл гавҳарки, у инсоният тожиги зийнатдир. Лекин дунёда вафога лойиқ инсон йўқдирки, бу унинг бошидаги жиғада порлаб турса. Аммо олам элида одабийлик йўқдир. Шуни унутмаслик керакки, вафо — ҳаё билан пайваста, ҳаё ҳам вафо билан боғлиқдир.

15. ТАНБИҲ

Вафо билан боғланган ҳаё тўғрисида

Қарам ва мурувват ота ва онадирлар; вафо билан ҳаё эса буларнинг икки эгизак фарзандларидир. У икковида қанча равшанлик ва софлик бўлса, бу икковида ҳам шунчалик жипслик ва бирлик бор. Ҳар бир юракда вафо бўлса, у ерда ҳаё ҳам бор ва ҳар масканда у топилса, бу ҳам барқарор. Вафосизда ҳаё йўқ; ҳаёсизда вафо йўқ. Агар, кимда бу икки сифат бўлмаса — унда имон ҳам йўқ. Ва агар кимда имон бўлмаса, унда одабийлик ҳам йўқ...

Қамолга етган одамлар — ҳаёли; камол топмаганлар — нуқсонли ва ҳаёсиз.

Вафо билан ҳаё оламнинг қоронғи жойидан ўтиб, йўқлик (ломакон) оламидан ўрин олганлар. Шундай қилиб, улар ўзларини бир-бирлари билан овутибдилар. Қолган вафосиз беҳаёлар эса уларни унутибдилар.

Ҳар кимга бир вафо кўрсатдим, ундан юз бевафолик кўрмагунча қутилмадим; ҳар ким билан бир меҳр-муҳаббат муомаласида бўлдим, минг жабру жафо тортмагунча халос бўлмадим.

Байт:

Кимга қилдим бир вафоким — юз жафосин кўрмадим?
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?

Давр бевафоларнинг жабридан дод! Ва замон беҳаёлари зулмидан фиғон ва фарёд! То олам пайдо бўлгандан бери бу ўтда ҳеч ким менчалик ўртанмаган; то бевафолик бошлангандан бери ҳеч ким мен каби бу алангада ёнмаган. Замон кишилари бевафолигидан бағримда тиконлар бор ва давр халқи беҳаёлигидан кўксимда яралар бор. Булар ҳақида ёзай десам, катта чидам менга вафо қилмайди ва барчасини қаламга олай десам, узоқ умр давомида ҳам тугатиб бўлмайди.

































Ҳақ уларга инсоф ва раҳм бергай ва ёки бу маҳрум жафоканга сабру чидам ато қилгай!

Байт:

Ё у жабру ситамкорларга марҳамат бергил,
Ё мен бечорага сабру бардош бергил.⁴¹

16. Т А Н Б И Ҳ

Ҳилм тўғрисида

Ҳилм (мулойим табиатлик) инсон вужудининг хушманзара мевалик боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгиллилик — ҳодисалар тўла денгиздаги кишилик кемасининг лангари деса бўлади ва инсоният қадрини ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштира ҳам бўлади.

Ҳилм — ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир. У — ёмон нафсин дайди шамол учиршидан асрагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчи.

Ҳилм натижасида одам халойиқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлади; ҳилм туфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишади.

Катта кишилар ёшларни масхара ва кулги қилса, улар қошида ўзи шунча обрўсиз ва бачкана туюлади; ёшлар ҳам катталарга нисбатан ҳазил ва енгилтаклик қилса, унинг қошида уятсиз ва эътиборсиз бўлади.

Бу давр боғининг хас-хашак сингари одамлари, шамолдек бетайин, енгилтак кишилари олдида ҳилм аҳли гўё оғир табиатли ва ёмон феълли деб камситиладилар. Уларнинг ўзлари эса, қуюндек тупроқни ҳавога тўзитадилар ва енгилтабиатлари билан бошларини гўё кўкка етказадилар. Тоғ жуссасини оёқ ости қилмоқ — одатлари; дала-даштлардаги зарраларни ҳавога совурмоқ — буларнинг салобатлари. Бундай одамлар елдек ҳар эшикдан киришга ор қилмайди; ўтдек оташдонни қиздиришдан ўзга ишни билмайди. Ел — гарчи лоланинг тожини учиради, аммо тоғ қоялари камарига қандай таъсир қила олади? Ўт — тоғ этагидаги хас-хашакларни куйдириши мумкин, лекин қуёш учқунига қандай тенглаша олади...

Ел — агар кўкка етса ҳам, бари бир енгил ва қадр-сиз; тоғ — агар тупроққа ботса ҳам салобатлидир. Елнинг орасида ўтга ёқиладиган хас-хашаклар бор; ҳилм мазмунида эса, шоҳ тожига қадалгудек чўғ каби қизил лаъл бор.

Байт:

Ҳири тоғи оғир бўлгани учун уни сел босса ҳам ташвини йўқ,
Тўзғоқ усимлигининг япроғи енгил бўлгани учун шамолда барбод бўлади.⁴²

17. Т А Н Б И Ҳ

Мазлумга яхшилик қилсанг — золимдан омонда бўласан. Агар кучлилардан зарар кўрмайин десанг, кучсизларга фойда етказ. Ақли бор одам жанжаллашишдан қочади; дўстлашиш учун келишувчилик эшигини очади. Арининг ғувиллашида, найза санчиши хавфи бор; асаларининг говурида болга муяссар бўлиш имкони бор.

18. Т А Н Б И Ҳ

Саодатманд йигит — шаҳвоний ишга берилмас; ёмонликка берилган бесаодат қарининг қўлидан ҳеч иш келмас.

19. Т А Н Б И Ҳ

Дард аҳлининг нафаси бир ўтдирки, қаттиқ кўнгилни юмшатади ва дийдаси қаттиқ одамни йиғлатади. Куйганларнинг дами шундай елки, у манманлик хашагини совуради ва жаҳолат тупроғини супуради. Ошиқнинг вазифаси ялиниш-ёлбориш; ишқнинг далили эса — куйиш, ёнишдир. Парвонанинг одати — куймоқ-ўртанмоқдир; булбулга зор-нола ва фарёддан бўлак таскин йўқдир. Кечаси ялтирайдиган қурт — ёлқин ёруғини бермайди; капалак — парвона ишини билмайди.

Байт:

Киши ўзини зўрлаган билан ошиқ буларми?
Елғон тонг ёруғи чин тонг ёруғидек буларми?⁴³

20. ТАНБИҲ

Дўст дийдорин кўришни истасанг — ошиқ бўл; бунинг уддасидан чиқмасанг, ошиқлар атрофида бўл. Агар сенда у ўтнинг шуъласини кўриш ҳаваси бўлса, бир учқун сен томонга юзланса басдир.

Назм:

Ишқ бир ўтдир, агар унинг шуъласидан бир учқун,
Осмон пардасига тушса, уни майин шойиндек ўртайди.
Сенинг жисминг тори эса ана шу парда ипидан ҳам нозикдир,
Агар унга ўшандай чақин тушса, бечора тор чидай оладими?⁴⁴

21. ТАНБИҲ

Кимки умрини мардлар хизмати учун сарфласа, умри ўтса ҳамки, абадий умр эгаси бўлади. Ўзингни шундайлардан узоқ тутма, бошинг кетса ҳам шу муддаони унутма. Умр — бевафодир; мардона ҳаёт — абадийдир.

Назм:

Мардлар хизматидан бўйин товлама,
Агар осмондан бошингга тош ёғса ҳам.
Гарчи у тошлар билан бошинг ёрилса-да,
Бошингдаги жароҳатлар изи саодат белгиси бўлиб қолади.⁴⁵

22. ТАНБИҲ

Ҳар ким биров билан дўст-ёр бўлса, ёки дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганни унга ҳам раво кўрмаслиги керак; баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, ёрига раво кўрмаслиги лозим. Кўп машаққатлардан киши руҳига алам етади, жисму жони бунга тоқат қилади. Аммо бундай машаққат дўсти бошига тушишини ҳаёлига ҳам келтира олмайди. Мабодо ҳаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан ҳаёти сўнади.

Қитъа:

Ёр улдирки, ўзига раво кўрмаган нарсани
Ёрига ҳам раво кўрмагай.
Ўзи ёри учун ўлмоққа тайёр эса-да,
Лекин ёрини бу ишда шерик қилмагай.⁴⁶

23. ТАНБИҲ

Кўнгил бадан мулкининг подшоҳидир. Кўнгилнинг саломатлиги — баданнинг ҳам саломатлиги; унинг но-

тоблғи — буинг ҳам ноблғи. Демак, кўнгил-бадан мулкининг эгаси, шоҳлар шоҳидир. Баданнинг соғлиги ва касаллиги кўнгилнинг соғлиқ ва касаллигига боғлиқ; мамлакатнинг обод ва харобалиги — шоҳнинг адолати ва зулмига боғлиқ. Подшоҳ — мамлакат баданининг жонидир, кўнгил — бадан мулкининг султонидир.

Байт:

Мулк учун мамлакатни осойишталикда тутиб турувчи
соғлом подшоҳ керак,

Тан учун бадан мулкининг шоҳи бўлган аъзо керак.⁴⁷

24. Т А Н Б И Х

Шоҳ ҳам лутф-марҳаматли, ҳам сиёсат эгаси (қаттиқ-қўл) бўлмоғи керак. Аммо ҳар бири ўз ўрнида яхши. Шоҳга дўст билан душманни фарқ қилмоқ учун кўп мулоҳаза ва фаросат керак. Ёрни ағёрдан ажратмоқ учун кўп тажриба ва зийраклик керак. Зероки, шоҳнинг сиёсатидан ҳамма хавфда ва марҳаматидан барча умидда бўлади. Шоҳ — халққа ўзини камтарин бир одам сифатида кўрсатмоғи зарурдир. Дўст ва душманнинг ҳақиқий башараси кўрингунча, номуносиб ишлар содир бўлиб қолиши мумкиндир.

Байт:

Агар шоҳ ўйламасдан бирор нобоп ҳукм чиқариб қўйса,

Кучли заифлашиб, заиф эса кучли бўлиб кетиши мумкин.⁴⁸

25. Т А Н Б И Х

Беҳуда ҳукм бировни нобуд қилса, у пайтда пушаймон бўлишдан не фойда?! Ёки ўйламай, бировни олий даражага кўтарса, унинг номуносиблигини билгач, яна пастга туширса, ўз шаънига зиёнدير.

Байт:

Бунда ғоят ўйлаш вожибдир,

Токи бу хил иш риоясиз бўлмағай.⁴⁹

26. Т А Н Б И Х

Подшоҳ душманга жазо берар экан, дўст ҳам ундан хавфга тушадиган бўлмаслиги; ёвга ҳам, ўз хайриқошларин осойишталиги бузиладиган сиёсат қўлламаслиги керак.

Байт:

Душманга жуда қаттиқ зулм қилмаслик керак,
Токи тарафдорлар ҳам умидсизликка тушиб қолмагай.⁵⁰

27. Т А Н Б И Х

Фосиқ олим — ўзига золим донишманддир; давлатманд бахил — ўз зиёнини кўзловчи нодондир. Бу икки тоифа — умрини бекорга ўтказадн ва гўрга ҳасрату армон олиб кетади. Ахир, буларнинг бири — илм урганиш учун қанча машаққат тортди, лекин илмига амал қилмади; иккинчиси — мол-дунё йиғиш учун кўп овора бўлди-ю, нимага сарфлашни билмади.

Қитъа:

Илмига амал қилмаган олим,
Ёки молига бахиллик қилган давлатманд
Юз ҳасрат ва армон билан ўлади,
Уларнинг ишлари халқ учун ибратли бўлади.⁵¹

28. Т А Н Б И Х

Ёмонларга лутфу карам қилмоқ — яхшиларга зарар ва озор бермакдир. Мушукни парвариш қилмоқ — кабутар учун офатдир. Шағол ёнини олмоқ — товуг тухумини қуритмоқдир.

Байт:

Бурини қўзи билан семиртирган,
Қийик тўдаларига раҳмсиздир.⁵²

29. Т А Н Б И Х

Илм урганмоқ — эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас. Саховатсиз бой — ёғинсиз булутга ўхшайди; илмига амал қилмаган олим — устига китоб ортилган эшакка ўхшайди.

Байт:

Ҳаммол қимматли юк ташиса ҳам,
Унга иш ҳақи бир-икки чақадан бошқа нафъ тегмайди.⁵³

30. Т А Н Б И Х

Бахил одам молини асраш учун қаттиқ азоб чекади. Хасадчи эса ўз ярамас феъли туфайли тинч яшай олмайди. Униси ўзига ўзи берган азобдан қийналади, буниси эса ўз қилигидан дард чекади.

Байт:

Унисига мол сақлаш азобу уқубати,
Бунисига ярамас феъли дарду балоси.⁵⁴

31. Т А Н Б И Х

Киши ўз молидан қанча фойдаланса — ўзиники; қанча асраса — ўзганикидир. Заҳмат билан топганини ўзингдан аяма; дўстлар билан меҳнат қилиб топганини душманлар учун асрама.

Байт:

Мол шуки, эл ундан баҳра олгай,
Душман ундан фойдаланса, заҳардек тотсиз бўлгай.⁵⁵

32. Т А Н Б И Х

Ақлли одамлар подшоҳларнинг марҳаматига ишонч билдирмайдилар; донишманд кишилар тентакларнинг гап-сузига ишонишни уринли демайдилар. Зеро, у бири нима қилса — ихтиёри ўзидадир; тентак эса беихтиёрдир; аммо ақлли одам иккаласидан ҳам эҳтиёт бўлиши яхшидир.

Байт:

Униси ихтиёр эгаси, буниси эса ихтиёрсиз,
Иккисида ақл билан ҳикматнинг тескариси бор.⁵⁶

33. Т А Н Б И Х

Ҳар бир ташвишли иш — мол сарф этиш билан тузаладиган бўлса, шуни қил, акс ҳолда жонга хатардир. Мол сарфлаш билан қутилишни ғанимат бил, саломатликка томон юриш қил.

Қитъа:

Пул билан зарарни қайтариш мумкин бўлса,
Бундай ишда киши сусткашлик қилиши хатодир.
Тағрини ланоҳ айлаб, айни вақтда
Бу хайрли ишни бажаришда тез суръат курсати⁵⁷

34. Т А Н Б И Х

Ҳар бир ишдан фойда кутганингда, уни бажаришда қийинчиликлар ва иккаланишлар пайдо бўлса, машаққати озроқ томонига куч бер, қийинчилигидан эзилмаслик чорасини кўр...

Нодон ўғитида хато бўлиши муқаррардир; душман насиҳатида алдов бўлиши шубҳасиздир. Унисидан алданма ва бунисига ўзингни алдатма.

Байт:

Ақли қупнинг сўзига кирмоқ — яхшидир,
Лекин алданмоқ ҳам, алдамоқ ҳам яхши эмасдир.⁵⁸

35. Т А Н Б И Х

Қимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас; у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас.

Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулойим сўз — ваҳшийларни улфатга айлантиради; сеҳргар — оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради.

Байт:

Ҳусн — жамоли йўқ одам ширин сўз бўлса,
Гўзал ва ширин сўзи билан барчани қўлга олади.⁵⁹

36. Т А Н Б И Х

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз. Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма — кечалари тонг отгунча тинмай ҳурайдиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам — халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказди. Нодоннинг ваҳшийларча бақирмоғи — эшакнинг бемаҳал ҳангра-

моги. Хушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади; кўнгилга тушиши мумкин бўлган юз ғам — унинг сўзи билан дафъ бўлади. Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор, шунинг учун ҳам айтадиларки; «нафаснинг жони бор...»

Ўзи хунук, гапи бемаъни, овози ёқимсиз одам қурбақага ўхшайди. Бахт бағишловчи тоза руҳ манбаи ҳам тил; ёмонликлар келтирувчи наҳс юлдузининг чиқар жойи ҳам тил. Тилни тиёлган одам — донишманд оқил; сўзга эрк берган одам — беандиша ва пасткаш. Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши; тил билан дил бир бўлса яна яхши. Тил билан дил — инсондаги энг яхши аъзолардир. Бўстонда — гулсафсар, гулгунча ва райҳонлар энг ёқимли гуллардир.

Одам — тили билан бошқа ҳайвонлардан имтиёзлидир. Унинг тили орқали бошқа одамлардан афзаллиги билинади. Тил — шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса — тилнинг офатидир.

Байт:

Ҳажр сўзининг даҳшати ошиқни ўлдиргани билан
Висол ҳақидаги хабар унинг жисмига яна жон бағишлайди.⁶⁰

37. Т А Н Б И Х

Тил ширинлиги — кўнгилга ёқимлидир; мулойимлиги эса — фойдали. Чучук тил аччиққа айланса кўпчиликка зарари тегади; қандан май тайёрланса ҳаром бўлади. Ширин сўз соф кўнгиллар учун асал каби тотлидир; болалар учун мулойим табнатли одам — ҳалвофуруш каби севимлидир.

Байт:

Яхши сўзга ким масту бекуш бўлса,
Шарбат ичида заҳарни тотли қилади.⁶¹

38. Т А Н Б И Х

Ҳар кимнингки сўзи — ёлғон, ёлғонлиги билинганча, уятга қолган; ёлғонни чиндек гапирувчи сўз устамони — кумушга олтин қоплаб сотувчи заргар. Ёлғон-афсоналар билан уйқу келтирувчи ёлғончи — уйқуда алаҳловчи. Ёлғон гапирувчи гафлатдадир; сўзнинг бир-биридан фарқи кўпдир, аммо ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир.

Ёлгон гапирниш билан ўз вақтини ўтказувчи одам, бу қилиғи ёмон туюлиш ўрнига, кишиларни алдагани билан фахрланади ҳам. Ёлгончи ўз гапига гўллик билан қулоқ солувчини топса, уларга ёлгонни чинга ўтказса, муродига етган бўлади. Ёлгончи — ҳақ қошида гуноҳкор; халқ олдига шарманда. Бундай наҳснинг беор юзи ёмонликка ўгирилган бўлади; бундай наҳсга ботган одам қутлуғ уйдан нари бўлмай.

Байт:

Ул кишини қутлуғ уйдан ташқари сурмоқ керак,
Қутлуғ уй дунёдир, демак уни ўлдирмоқ керак.⁶²

39. Т А Н Б И Х

Қимки, ёлгон сузни бировга тункагай, ўз қора юзини ёғга булайди. Озгина ёлгон ҳам улуғ гуноҳдир; озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир.

Байт:

Заҳарнинг миқдори оз бўлса ҳам ўлдиради.
Игнанинг учи кучсиз бўлса ҳам кўр қилади.⁶³

40. Т А Н Б И Х

У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам кўнгилсиздир, ёлгон бўлса янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ каттаси, хоҳ кичиги — дўзах ўтининг тутантуруғи бил.

Байт:

Қимки сузни териб чақимчига бергай,
Ҳақ уни дўзах ўтининг тутунига солгай.⁶⁴

41. Т А Н Б И Х

Шоҳлар даргоҳидан узоқ, хоқонлар базмгоҳидан йи-роқ бўлишлик, балки буларнинг яқинига йўламаслик яхшироқ. Булардан қоч, чунки: «тоқатдан ташқари ишдан қочмоқ керак» дейдилар.

Қимки, кўнглига нима келса қила олса, ўз ихтиёр билан унга яқин борган одам ўзини ўзи балога дучор этади.

Шоҳларнинг раъйи келса, айбни топиш — ҳунардир; ҳар бир маъқул иш — улар қошида гуноҳдан баттар; бундай зот хизматини ўз ихтиёри билан қилмоқчи бўлган одам — тентак эшак. Киши фойдаланиш учун шер асрайман дейдими? Яхши хосиятга эга бўлиш умидида заҳар ичадими? Подшоҳлар хизматини қилиш учун жасорат кўрсатмоқ — ўз ҳаётининг иппини ўз қўли билан узмоқ ва ичиш учун заҳар тиламоқдир. Уларга яқин бўлишни истамоқ ўз ўлими учун бало тигини раво кўрмоқдир. Уларнинг кулишлари чақмоққа ўхшайди. Ёруғлиги эътиборсиз бўлган чақмоқ куйдирганда гавдадан асар қолдирмайди:

Қитъа:

Чақмоқ ёруғлиги осмондан ергача этади,
Икки сўз айтгунча давом этади.
Аммо қаттиқ ё юмшоқ ерга тушса,
Уни барбод қилмагунча тинмайди.⁶⁵

42. ТАНБИҲ

Шоҳларнинг кайфиятини ва хулқини ўрганган донишмандлар уларни ўтга ўхшатибдилар. Ўт одамга узоқроқдан наф етказди, ундан фойдаланиш учун четроқда бўлмоқ яхшидир. Гулхан ўтига четроқдан туриб исинган маъқул; ичига тушганни дарҳол куйдиради. Ақлли одамнинг унинг яқинида бўлиши тўғри эмас ва ундай балодан ҳазар қилмоқ лозим.

Байт:

Ўтда исинмоқ бўлсанг, аввал ҳовуч оч,
Куйдиришини англасанг кейин қоч!⁶⁶

43. ТАНБИҲ

Елғончи одам — унутувчи; у андиша ва эҳтиётдан четда турувчи. Ҳар кимнинг сўзи чин бўлмаса, ростгўйлар кўнглига у сўз қабул бўлмас. Елғончи ўзининг ёлгон сўзига бир-икки марта ишонтиради, кейин нима қилади? Елғончилиги маълум бўлгач, у расво бўлади, унинг сўзига халқ ишончи йўқолади. Кўнгил хазинасининг қулфи — тил; у хазинанинг калитини — сўз бил.

Байт:

Кўнгулнинг ҳолати сўзлаганда билинади.

Унинг хазинасида инжу борми ёки садаф майдаси — дарҳол кўринади.⁶⁷

44. ТАНБИҲ

Чин сўз — муътабар; яхши сўз қисқа — мухтасар. Кўп сўзловчи — зериктирувчи; қайта-қайта гапирувчи — ақлдан озган. Айб изловчи — айбли; киши айбини гапирувчи — ўзига ёмонлик соғинувчи. Тўғрилиқ билан қаровчи — покиза назарли; кишиларнинг яхши томонларини кўрувчи — тўғри назарли. Кимнинг миясида иллат бўлса — сўзида мантиқ бўлмайди. Мияси соғлом бўлса, гап-сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади. Сўзи ҳисобсиз — ўзи ҳисобсиз. Сўзида парижонлик — ўзида пушаймонлик. Агар сўз гўзаллик зийнати билан безалмаган бўлса — унга чинлик беағи етарлидир! Ёлғончининг гапи қанчалик чиройли бўлса, шунчалик кабиҳдир. Чин сўз қанчалик бетакаллуф бўлмасин, сўзловчи учун таассуф йўқдир. Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам зиёнсиз; садаф хунук бўлса ҳам инжу учун нуқсонсиз.

Ёлғон сўз шеърдан бошқа ерда номақбул ва ёлғонни айтувчи ақлсиздир.

Байт:

Сўз ичида номақбул бўлган ёлғон,

Шеърга тизилганда донога ҳам мақбул бўлади.⁶⁸

45. ТАНБИҲ

Нодон — эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кўтаради; қаёққа ҳайдасанг ўша ёққа боради, унда ақл-фаросат даъвоси йўқ, бермасанг оч, берсанг тўқ. Бу бир бечорадир — юк ташувчи, ўтин-чўп ташувчи, балки ғалла ҳам ташувчи.

Нодон — юқоридаги сифатлардан холи; зоти билим либосидан маҳрум. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш; хаёлида юз хил беҳуда ташвиш. Нодоннинг барча бемаъни иши ўзига маъқул; барча ёмон феъли ўзига мақбул. Унинг кўнглида одамларга юз хил озор бериш хаёли. У жоҳиллигидан халққа минг зарар етказишни ўйлайди.

Эшак ҳанграшидан қулоққа озордир, бундан бўлак не айби бордир? Эшак тегирмондан уйингга ун келтиради; уни пишириш учун даладан утин келтиради. Эшакнинг меҳнатлари миннатсиз, унинг азоблари кулфатсиз.

Нодонни эшак десанг, хафа бўлади; эшакка яхши-ёмон баравар.

Байт:

У бирида бунча ҳунар, бу бирида бунча айб,
Қайси бири яхшилиги ақллиларга аён.⁶⁹

46. Т А Н Б И Х

Ёмон қилиқли одам — бадфеъл; аччиғи тез — бир балога гирифтор бир офатга мубтало бадбашарадир. Булар қаён борса — балодан қутилмас; ҳар ерга қочса ҳам офатдан халос бўлмас. Ёмон қилиқ ғолиб душмандир ва қаҳрли ёвдир, ёмон қилиқли киши эса доим унга мағлуб ва вужуди ундан мажруҳ.

47. Т А Н Б И Х

Очиқ чеҳрали одам — иккиюзламачиликдек нуқсондан йироқ бўлади... Очиқ юзидан халойиққа хурсандлик; чучук сўзидан эл-юртга хуррамлик. Одамийлик билан кунгилларга севимли; инсонийлик билан жонларга ёқимли. Ундан дўст-душман хотиржам. Бундай киши умридан барака топгай.

Маснавий:

Юзидан кунгилларга шодлик ва хурсандлик келади,
Сўз баданлардан хасталикни аритади.
Очиқ чеҳраси тоза гулдан нишона,
Сўзларига булбул ўз жонини фидо қилади.⁷⁰

48. Т А Н Б И Х

Душман алдовига учма; маддоҳ хушомадини чин дема. Душманнинг ғарази ўз ёмон ниятига етмоқдир; мақтовчининг мақсади — хорлик билан сендан инъом олмақдир. Агар иккаласига илтифот қилмасанг ва қабул қилишни лозим билмасанг, бири ўз мақсадининг ижросидан тўхтайдиган ва тадбири мужмал бўлади ва иккинчи-

сининг мақтови ҳажвга айланади.

Маснавий:

Унисининг ғарази — ўз муддаоси,
Бунисининг қасди — инъом илтимоси.
Агар сендан улар қаноатланмаса,
Бири душман бўлади, бириси эса ҳажв қилади.⁷¹

49. Т А Н Б И Х

Нохуш хабарни чин бўлса ҳам дўстингга етказма;
Бировдан айб кўрсанг юзига солма. Қўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил, у айб можаросини душмани қилсин.

Шеър:

Бировга кўнгилсизлик етадиган сўзни
Ошкор қилишлик сенга лозим эмас,
Қўявер, уни душмани билдирсин,
Адоват қилмоқлик — душман ҳунари.⁷²

50. Т А Н Б И Х

Ақлли одам ёлғон гапирмас; аммо, барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри эмас. Бировнинг кўзи ғилай — ногирондир; аммо, бунга у айбдор эмасдир... Бировни ноҳақ ҳижолатга солмоқ — ўз нодонлигини изҳор қилмоқ ва бир кўнгилни оғритмоқдир. Бу каби кишини хафа қиладиган чин сўздан кўра зарурат юзасидан — ўрни билан гапирилган ёлғон яхшироқдир.

Байт:

Ёлғон агар тасалли, таскин берса,
Даҳшатли чиндан азизроқ бил.⁷³

51. Т А Н Б И Х

Шоирлар ёмон шеърни ўз истеъдоди фарзандидек яхши кўргани каби одам боласи ўз хатосини ҳам маъқул кўради ва ёмон фарзандини ҳам одобли деб билади. Бу иккаласи — инсон табиатига хос хислатдир. Иккаласи ҳам унинг ўзи яратган нарса бўлгани учун, яхши-ёмон бўлишидан қатъи назар, ўз назарида чиройлик.

Оқил одам бу хислатни одат қилмайди... Ёмонни яхши деб, яхшини ёмон демайди.

Маснавий:

Ёмон — яхшини ҳақдан деб англа,

Ёмонни ёмон, яхшини яхши бил.

Ёмонни агар яхши деб ўйласанг,

Яхшини ёмон дегандек ёмондир.⁷⁴

52. Т А Н Б И Ҳ

Қаноат — эҳтиёжсизлик негизидир, иззат ва шараф тантанасидир. Қаноатли камбағал — давлатманддир; унинг шоҳу гадога иши тушмайди.

Тамаъ — хорликка сабаб; тамаъгир бой — хор ва тубан. Кимки тамаъ билан бирор нарсани олиши мумкин бўлсаю, лекин олмаса бу тамаъ йўқлиги бўлиб, ҳар қандай саховатдан қолишмайди. Бу хил сахийлар — олижанобу тамаъ аҳли эса — хасису нокаслардир.

Байт:

Хорликларнинг бошланиши тамаъдандир, билгил.

Ҳамиша «қаноатли — азиздир», билгил.⁷⁵

53. Т А Н Б И Ҳ

Тез қўлга кирган бойлик — узоққа бормас; мақтаган билан ҳеч нарсанинг баҳоси ортмас. Бир хумдондан мингта сопол идиш чиқар, қиймати бир тангадан ортиқ бўлмас, кунда юзтаси синса ҳам биров ачинмас.

Чинни идишнинг қиймати — уни тайёрлашдаги қийинчилигига яраша баланддир; уни асрашда ҳам қийматига яраша аҳамият берилади. Қиймати ўзининг ҳурмати оз.

Байт:

Қайси нарса оз бўлса, унинг қиймати баланд бўлади,

Унинг қийматига яраша ҳурмати ҳам ортади.⁷⁶

54. Т А Н Б И Ҳ

Сабр билан кўп мушкул ишлар осон кўчади. Ишда шошган кўп тойилади; кўп тойилган кўп йиқилади.

Ишда ошиқмоқ — ёш болалар иши; сабр билан иш қилмоқ тажрибали, ёши катта одамлар ишидир.

Байт:

Кимки ошиқмоқни хаёл қилмаса,
Япроқни ипак қилади, чечак баргидан бол олади.⁷⁷

55. ТАНБИҲ

Баъзи разил ва тубан кишилар аҳмоқона ҳазил-мутойиба қиладилар; кулдирмоқ учун тоvon қитиқлайдилар. Енгилтак аёл кўрганини кўрсатиб берганидек, баъзи ахлоқсиз кулдириш учун бировларни тақлид қиладилар.

Ҳазил агар одамнинг шахсиятига тегса — одобсизликдир, бундан яхшилар ор қиладилар.

Ҳазил-мутойиба бир оз кўнгилни хушламоқ учун, шодлик ва хурсандлик учун бўлса ёқимлидир. Агар ҳазилда қўпол сўзлар бўлмаса, ундан ҳеч ким ҳижолат, озор чекмайди. Беозор ҳазил зарифликдир, аммо ундан ўтса ақлсизликдир.

Байт:

Ҳазил табнатни очади, агар у ўткир ҳамда нозик фикр билан
безалган бўлса,

Бордию қўпол бемаъниликка етса, одам оғизга олиб нима қилади.⁷⁸

56. ТАНБИҲ

Май ичиш — ҳақ ҳукми билан маъ этилган, ҳар ҳолда уни тарк қилиш яхши. Ошкора ва кўп ичмоқ — нотўғри; шарт — махфий ва оз ичмоқдир. Оз ичиш ҳикматга мувофиқ; махфий ичиш — ақлли кишилар ҳислати. Меъёрда ичиш — тани соғ одамларга жўшқинлик бахш этади; муттасил ичиш — саломатлик кемиради.

Ичкилик «ярамасликлар онасидир», унга берилишга шу ҳислати боисдир. Қаттиқ ичувчи ичкиликка мағлуброқ; унинг ҳар қанча ёмонлиги кўриниб турса ҳам ичувчига севимлироқ.

Бадмаст одам учун сурункасига ичишдан не фойда? Одамийликни йўқотиш учун қадаҳ-қадаҳ заҳар ичиш қандай қоида? Ҳар қўлтумдан сўнг бадмастларнинг қиладиган хиргойилари телба итлар акиллашидан нишона. Мастлар орасида бўлган ҳушёр — ҳушёрлар орасидаги маст билан барабар. Ҳаммага кўрсатиб — ошкора ибодат қилиш манъ этилган. Модомики шундай экан, ошкора гуноҳ қилиш мутлақо ярамайди.

Байт:

Кимгаким хақ саломатлик тариқини пасиб қилган экан,
Ошкора тоат ҳам, гуноҳ ҳам қилмаслиги керак.⁷⁹

57. ТАНБИХ

Кўп гапирувчи, кўп егувчи — дўзах тўрига ошиқиб кетувчи. Сўзламоққа берилган, емоққа қул бўлган одам билим шарофатидан маҳрум бўлади. Ҳасадчи — бемор; балки ҳалокатли дардга гирифтор. Фисқ-фужурчи ва май сотувчи — зиён кўрувчи ва зиён келтирувчидир; ифвогар, ғийбатчи — нажосат егувчи. Банги ва нашаванд — одамзод номусини ерга урувчи. Таъмагирнинг умри зоеъ; малоллиги ошкора. Эркак киши кўп ясанса, бева экани билинади, ясан-тусан аёллар одатидир.

Байт:

Эр кишига зебу зийнат — илму ҳикматдир,
Яхши кийиниш эса хотинлар учун безакдир.⁸⁰

58. ТАНБИХ

Бачканалиғ қилувчи қари — балоғатга етмаган болага ўхшайди. Кичик ёшдагилар катталар қилиғини қилса, унда ақл ҳам, уят ҳам йўқлигига далилдир. Қари кишининг ўсма билан соқол бўяши, йигитларнинг уни гулоб билан ювиши кабидир. Қашшоқнинг инъом қилиш учун қарз олиши ҳазил қилиш учун соқол безашидек гап. Қарзининг устама ҳақи ортса, ўз бўйинини ўзи боғлаб зиндонга тортгани бўлади.

Эркак киши ўзига ортиқ даражада зеб бериб, ясан-тусан қилса, ақлли кишиларнинг назаридан тушар.

Рубоий:

Ҳайит оқшоми ёш бола қўлига хино қўяди,
Еки гўзаллар эғнига майин ипак либос кияди.
Қари киши ёпинғичи ва ҳассасидан бўлак,
Соқолига кўпроқ эътибор қилса,
ақллиларга мазах бўлади.⁸¹

78. ТАНБИХ

Бой кишининг бўз чопон кийгани — камбағалнинг атлас ва каноп тўн кийганига ўхшайди. Гўзал йиртиқ

тўн билан ҳам гўзал; гул ямоқ чопони билан ҳам сеvim-
ли. Зуҳал* баланд осмонда тургани билан шарқ қуёши
бўлолмас; дев жаннат либосларини кийгани билан пари
бўлолмас. Кампир — ҳарам нозанини бўлармиди. Сирт-
лон Хўтан оҳуси бўлармиди. Қари аҳлоқсиз юзу кошла-
рини гулгуна, ўсма, сурмалар билан қанча бўямасин,
қизил, кўк нақшлари бор бузуқ майшатхонанинг бузуқ
равоқига ўхшайди. Хўжайин, ўз хотини бўла туриб, чўри
хотинга айланишса, хотинининг ифбатли этагини қўл
булғайди.

Байт:

Агар одамда ўз шаънига лойиқ сифатлар бўлмаса,
Ўзига ўхшагандан бирор ҳаракатлар содир бўлса айб
қилмасин.⁸²

79. Т А Н Б И Х

Нодонга ҳар гапни айтманг, у сўз ташувчидир; кўп
гаплари пойма-пойдир; ёлғондир. Оз гапи — гўё насиҳат;
асли, гапирмагани маслаҳат. Унинг мақсади одамлар-
нинг айбини фош қилмоқ, ўзига ишончини расво қилса,
шу хилда ўзининг ҳам айбини ошкор қилган бўлади.

Байт:

Эл айбини айтиш учун кимки сўз очса,
Билки, ўз айбини фош айлагани тил узатмоқда.⁸³

80. Т А Н Б И Х

Илм ўқиб, унга амал қилмаган — ерни ҳайдаб, уруғ
сепмаганга ёки уруғ сепиб, ҳосилдан баҳра олмаганга
ўхшайди.

Байт:

Ким илм ўқиб дуруст амал қилмади,
У уруғ сочиб ҳосил ола билмади.⁸⁴

* Зуҳал — Сатури сайёраси.

81. Т А Н Б И Х

Мастнинг сўзига ҳикматга зид жавоб бериш — ақлли одамнинг иши эмас; эси бор одам телба кишининг имо-ишорасига ҳам ақл талабидан ташқари бирон сўз демас.

Маснавий:

Кишига ҳар қанча мушкуллик юзланса,
Ҳикмат билан ақл уни ҳал қилади.
Кесак отганга ким мушт кўтарса,
Тўнини йиртиб, соқолини юлади.⁸⁵

82. Т А Н Б И Х

Шафқатли насиҳатгўй гапини тингламаганининг жазо-си афсусланмоқ ва узини койимоқдир.

Байт:

Ақлли киши насиҳатини аччиқ деган,
Кейин пушаймон ейди, лекин фойдасиз бўлади.⁸⁶

83. Т А Н Б И Х

Ҳунарманд олдида беҳунарнинг қўли тебранимас, айбни эса устага қўяр. Итолғуга* туғдорининг[†]* кучи етмаса, ахлати билан уни булғатар.

Байт:

Ожиз агар душманидан енгилса,
Унинг бетига туфуради.⁸⁷

84. Т А Н Б И Х

Сайёднинг балиққа қармоқ ташлаши — нафс муд-даоси учун; балиқнинг қармоққа илинмоғи ҳам худди шу бало учун.

Байт:

Овчи ва овга нафс балоси тузоқ бўлди.
Иўқса у овчию бу унга ов бўлармиди.⁸⁸

* Базгалдоққа ўхшаш овчи қуш.

** Туғдори — туғадок (тувадоғ) номли қуш. Уни овчилар илбу-сун (илвасин) деган парранда қаторида ов қиладилар.

85. Т А Н Б И Ҳ

Оз гапирмоқ — ҳикматга сабаб; оз емоқ — соғлиққа сабаб. Оғзига келганни демоқ — нодоннинг иши ва олдига келганни емоқ — ҳайвоннинг иши.

Байт:

Қўп демак бирла бўлмагил нодон,
Қўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.

86. Т А Н Б И Ҳ

Зўр душманинг мағлуб бўлса — шодланма; унинг ишидан гофил бўлма. Уни жазолашда сабрли бўлиш, муомалада эҳтиёткорлик лозимдир.

Байт:

Душманинг шум нияти хавф солмасин десанг,
Шундай ҳаракат қилки, ҳеч ким сенга
душман бўлмасин⁸⁹.

87. Т А Н Б И Ҳ

Олим киши бир жоҳилни қаршисига ўтқазиб, уни мулзам қилишни истаса, бу олимнинг ўзи учун ҳақоратдир. Олим, аввало, ўз илмининг даража ва салмоғини асраши керак, гавҳарни синаб кўриш учун тошга урмаслиги лозим.

Байт:

Ҳар кимки, тошга йирик ийжун урса,
Хирадманд қайси бири қайсинисини
синдиришини балади.⁹⁰

88. Т А Н Б И Ҳ

Гавҳар балчиққа тушгани билан — қиймати камаймас; эшакмунчоқни тошга таққан билан феруза ўрнини тутмас ва ҳеч ким унинг баҳоси пастлигини унутмас.

Қитъа:

Қиз агар хунук бўлса,
Безак билан чиройли бўлмайди.

Ҳужра ҳар қанча қоронғи бўлса ҳам —
Шамъ унда равшанроқ ёнади.⁹¹

89. Т А Н Б И Ҳ

Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик — зулмкор-
лик ва ноқобил одамга тарбия хайфдир. Унисини тар-
биянгни аяб нобуд қилма, бунисига тарбиятингни зоеъ
қилма.

Қитъа:

Қобилиятлига тарбият гавҳардек қимматли,
У нажосатга тушса топган тозалаб ювади.
Агар итузумга май аралаштириб сув берса,
Бундай парвариш уни ток қила оладими.⁹²

90. Т А Н Б И Ҳ

Ҳазил қилаверишдан ҳурматсизлик ортади; ҳазил-
нинг охири жанжалга олиб келади. Кўп ҳазиллашиш —
номус ва ҳаё нардасини чок этади; адаб ва ҳурмат эга-
ларини бебурд ва беобрў қилади. Қўлингдан келганча
таъзим ва адаб биносини йиқитма; ҳаё ва ҳурмат пар-
дасидан ташқари чиқма!

Рубоий:

Ҳаё билан адаб эътиқоддан нишондир.
Ҳурмат билан таъзим — саодатга сабаб.
Ҳаёли ва адабли деб танилганлар
Мақсудига кеч етишса, таажжубланиш жойиздир.

91. Т А Н Б И Ҳ

Фосиқ — ахлоқсиз одам — ҳамма миллатда ҳам но-
дон, хусусан, дили пок кишилар ўртасида янада нодон-
роқдир. Фосиқ — ҳамма соҳада ёмон; хусусан, тақводор-
ликда — руҳоний қиёфасида жуда ҳам ёмон.

Қайси халқнинг ўртасига кирсанг, ўзингни, ушаларга
мосла; қандай бўлсанг, ўзингни шундай асра.

Маснавий:

Ҳаё ва адаб билан ҳаёт кечиргил,
Яна таъзим ва ҳурмат бажо қил,
Қайси эл ёри бўлсанг, ушалардай бўл,
Қандай бўлсанг, шундай йўлда юр.⁹⁴

92. Т А Н Б И Х

Хато қилмоқ — одамга хос хусусиятдир. Хатосини англаб, огоҳ тортган саодат эгасидир. Ўз хатосини эътироф этган одам — бу хатодан халос бўла олади. Қимки, хатосини бўйнига олмай, беҳуда далил келтириб алжирай берса, гуноҳи янада ортади. Хато қилган ўзини қанчалик лоф уриб оқласа, хатоси шунчалик рўйирост кўринади. Унинг устига кибрланиб тортишув олиб борса, халқ орасида баттарроқ расво бўлади.

Маснавий:

Хатога қарши чора нимадир?
Сўзсиз ўз хатосига очиқ иқрор бўлишдир.
Агар хатосига далил келтираверса,
Тўғри бўлса ҳам хатони икки баравар оширади.⁹⁵

93. Т А Н Б И Х

Ҳар бир давлатманд тириклигида хайр-эҳсон қилиб одамларни хурсанд қилмаган экан, ўлганидан кейин уни ҳеч ким дуо билан ёд этмайди. Эҳсон — тирнкликда яхши ном қолдирмоқдир...

Қитъа:

Агар инсонда барча гўзал фазилатлар
Жам бўлса, уларнинг отини эҳсон деб атайдилар.
Шулардан бири сахийлик, бири эса мурувватдир,
Булар бўлмаган инсон инсон эмасдир.⁹⁶

94. Т А Н Б И Х

Бахил бугун топганини асраб қўйса, эртага унинг қабри бугунги рўзғоридек қоронғи бўлади...

Юмшоқ кўнгилли ва ҳаёли одам ҳамма жойда азиздир, катталар назарида янада қадрлироқ. Ёмонлик ва ярамасликни ким қилибдики, жазосини тортди, яхшилик ва тўғрилиқ уруғини ким экибди, ҳосилини терибди.

Байт:

Яхшилик уруғини соч, деҳқонга айтиладиган сўз шу:
Ҳар нимаки бугун экинги, шунинг ҳосилига кўз тут.⁹⁷

95. Т А Н Б И Х

Қариялар муҳтожликка тушиб қолса, касб-ҳунар қила олмаса ва тилашга тили бормаса, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил ва қўлингдан келганча эҳсон қил. Лекин, камбағал йигит кетмон чопа олса, утин ташимоқни уддаласа, унга эҳсон қилмоқ — исроф қилмоқдир.

96. Т А Н Б И Х

Билмаганини сўраб ўрганган — олим; орланиб сўрамаган — ўзига золим. Оз-оз ўрганиб — доно бўлур; қатра-қатра йигилиб — дарё бўлур. Ўрганишдан қочган — дангаса; ўрганишдан қочиш учун юзига важ-баҳона эшигини очган — иш ёқмас; заҳмат чекиб илм ўрганган — донишманд.

Байт:

Илмдан четда қолган одам халқ орасидаги қайсар жоҳил,
Ўрганишга қаттиқ киришган — жаҳон алломаси.⁸⁸

97. Т А Н Б И Х

Тинч ва хотиржамлик билан ичилган ёвгон умоч, хижолат ва машаққат билан ейилган қандли кулчадан яхшироқ. Эски чопон билан бемалол тупроқда ўтирмоқ — зарбафт тўн кийиб биров олдида тик тургандан яхшироқ.

— Қитъа:

Ўзидек бир кимсага қарам бўлиб,
Шодлик билан атлас-кимхоб устида ўтиргандан
Барча қийновлардан хотирни жам қилиб,
Камбағаллик бўйраси устида ўтиришлик кўп ортиқдир.⁸⁹

98. Т А Н Б И Х

Одам — дунёларга тенг шараф эгасидир. Ит эса — жирканч махлуқдир. Аммо яхшиликни билмайдиган бевафо одам — яхшиликни унутмайдиган, вафодор индан пастдир. Вафодор қўтир ит — вафосиз гўзал, барно йигитдан яхшироқдир.

Қитъа:

Бевафо, яхшиликни билмайдиган одамдан йироқ бўлишга интил,
Чунки улардан ҳеч қачон жабру жафодан бошқа нарсa келмайди.
Итга жону кўнгил билан боғланиш мумкин,
Агар яхшиликни билувчи ва вафодор бўлса.¹⁰⁰

99. Т А Н Б И Ҳ

Нафс балосига учраган одамнинг ейишдан бошқа ҳу-
нари йўқ; худбин одам гап сотишдан бўлакка ярамайди.
У бири ҳаром овқатдан роҳатланади; бу бири эса доим
ўзини мақтаб ором олади.

Маснавий:

У бири луқма овқат ва насиба сўзини
Гапиравериб ўзини овутади. 5,5
Буниси эса ўз қилиқларини мақтай бериб,
Базм ва йиғинларни тўлдиради.¹⁰¹

100. Т А Н Б И Ҳ

Ақлли одам эл хатосини кўриб, хулоса чиқаради ва
тўғри йўлни танлайди. Буни у хатосини бошқалар сези-
шидан ва юзига солишидан олдин қилади.

Қитъа:

Оқил бошқаларда хато кўрса ўзини тортади,
Ўзини тўғри йўл сари мойил қилади.
Унинг хатосига эл эътироз билдириб,
Юзига қараб айбини айтишига ўрин қолдирмайди.¹⁰²

101. Т А Н Б И Ҳ

Ешлик кунлари тўғрисида

Йигитлик — умр гулшанининг баҳоридир ва ҳаёт оқ-
шомининг тонгидир. Бу бири туфайли ишрат гуллари
очилади; у бири сабабли завқ ва шодлик уйлари ёриша-
ди. Инсоннинг гузаллиги ундан; башар авлодининг қуд-
рати ундан. Асабу томирларга қувват ҳам; қўл-оёқ ва
аъзойи баданга саломатлик ҳам ундан. Кўнгилга ишқ
туғёнининг тушиши ҳам, шўх гузалларга мойилликнинг
пайдо бўлиши ҳам ундан. Йигитларнинг ўз-ҳусни жамо-

лига мағрурлиги, ўша навқиронлик туфайли, қариларнинг эса кўз ёш тўкиб, ёлбурувчан бўлиб қолиши ундан маҳрум бўлгани туфайли. Кўз уйи машъали ундан равшан; юз боғи анжумани ундан гулшан. Гўзаллар ҳусни ва истиғносиға сабаб ҳам у; ошиқларга ишқ балосининг жабру жафоси боиси ҳам у. Зўравонлар бошида мамлакатларни босиб олиш иштиёқи ҳам ундан, кучсизларнинг диёрини тарк этиб, ғариблик ихтиёр этиши ҳам ундан...

Рубой:

Дўстлар, йигитлик чоғини ғанимат тутинг,
Қарилик азобидан огоҳ бўлинг.
Адоват ва хусумат йўлига тушманг,
Ишқилиб, бир неча кун ўзингизни овутинг.¹⁰³

102. Т А Н Б И Х

Қарилик тўғрисида

Қарилик ёшлик майига хуморликдир, йигитликдаги соғломликни ҳасрат-ла қўмсашликдир. Қарилик кунлари шод юрган одамларни ношод этади; киши қаддини букчайтириб, умр билан хайр-хўш қилади. Кўнгилдаги ҳавас-орзулар шохи синади; балки барча тараддуд ва ҳаракатлардан кўнгил тинади. Юқори мартаба ҳаёли бошдан чиқади; ҳасрат ва надомат ёшининг сели бадан қасри деворини йиқади. Номуродликлар зиндони — будир; ноумидликлар харобаси будир.

Қад эгилиши — тупроққа қараб кетишга далилдир; жононлардан нафратланиш — бу айтилганларга исботдир. Қўлларнинг титраши — умрнинг охириги майини ичишга хуморликдандир; кўздан ёш оқиши — ҳаётга мотам тутиш важҳидандир. Эслаш ўрнини унутиш эгаллайди; ўрганмоқни унутиб, балки унутмоқни ҳам унатилади. Баданда саломатликдан асар қолмайди; ақл-хўшдан ҳам дарак қолмайди. Қариларнинг паришонлигига, уларнинг ҳилвираб боришини болалар масхаралайдн. Йигитлар ҳайрат билан қарайдн. Қариларнинг ҳар мўйида бир касал, вужудида минг иллат кўриниб туради.

Хотин, бола-чақалари парвариш қилишдан толиқади, хизматчи ва малайлари қарашдан зерикади. Турлитуман иллат бадани уйида жамъ бўлади; касали кўплигидан тириклик жонига тегади.

Хизматидагиларнинг сўзга кирмаслигидан турмуши ночор; қарамоғидагиларнинг бебошлигидан тирикчилиги

аччиқ. Оғзининг сўлакайи сўзи мазасини қочиради: дардининг оғирлигидан яқинлари оғзига сув томизади. Лаблари бир-бирига қовушмай, ўз ҳолича кулиб; оғзи қутичасидан тишлари тўкилади. Саломатлик умиди кўнгилдан йироқ; бундай тирикликдан юз қатла ўлган яхшироқ.

Рубой:

Йигитлик кетдию қарилик чўзилди,
Дам совиди, яъни қонда иссиқлик қолмади.
Ҳаёт шарбати оғизга аччиқ тўйилди,
Бу хил оғир ҳаётдан кўра ўлим яхши.¹⁰⁴

Рубой:

Афсуски, йигитлик умри кетди,
Танга қариликда кучсизлик юзланди.
Агар юз йил даврон сурса ҳам,
Ўлимдан омонлик топмагач не қиларди.¹⁰⁵

103. Т А Н Б И Ҳ

Сафарнинг фойдалари тўғрисида

Турғун ер қайда-ю, айланувчи осмон қайда? Бир жойда турган тупроқ қайдаю, сайр этиб юрувчи юлдуз қайда? Бири қимирламай тургани учун кишилар оёғи остида пояндоз бўлди; иккинчиси эса, ҳаракатда бўлгани тўфайли, юксакларнинг юксаги бўлди.

Азоб ва машаққат тавозеъ ва адабнинг негизидир. Сафар эса ранж-машаққатга сабабдир. Сафар — эритувчи ва куйдирувчи кўрадир. У эриш-куйиш эса эр кишининг вужуд олтинини тоблаб хом гилдан тозаловчидир.

Сафар — айрилиққа учраганларни мақсадига етказувчи ва маҳрумларни мурод уйига олиб кирувчидир. Сафар — хом одамларни пиширувчи ва таомларни синдирувчидир. Сафар кишиларни олам ажойиботларидан баҳраманд қилади, ғаройиботлар дунёсидан хабардор қилади.

Азиз кишиларнинг мозорларини зиёрат қилиш файзига мушарраф ва мукаррам бўлмоқ ҳам сафардан; файзли, улуғ зотлар хизматида иззат ва ҳурмат топмоқ ҳам сафардан. Йўловчининг юришига қувват берувчи ҳам сафар ва кўнглига ҳар томонга бориш завқини солувчи ҳам сафар. Мусофирни турли жой ва манзиллар билан таништирувчи ҳам у; дунёни кезиш йўлига солувчи ҳам

у. Иссиқ-совуқда жонга ором берувчи ҳам у; аччиқ-чучукдан кўнгилни огоҳлантирувчи ҳам у.

Сафар водийсида мусофирнинг оёғига кўп дарду бало тиканлари санчилади, лекин, ҳар қадалган тикандан бир мақсад гули очилади. Йўл машаққати зарбидан кишининг аъзойи бадани қақшайди; вужуди йўловчилар оёғи билан топталади ва ҳар аъзоси у оёқлар остида ушалади. Аммо, кўнгилнинг вайронлиги тузалади ва руҳи кўзгуси равшан тортиб, жило топади.

Ҳар ўлканинг гўзаллиги, ҳар манзилнинг осойишталигини сафарда юрувчилардан сўра ва мусофирлардан эшит. Сафар қилмаган ором олиш фароғатини қайдан билсин? Мусофирлик азобини чекмаган ватандаги ҳаётнинг қадрини қайдан англасин? Оқмайдиган денгиз сувини ичса бўладими? Оқар дарёнинг зилол сувларидан ичишни тарк этса бўладими?

Одам учун донм ҳаракатда бўлиш — ҳаётликдан асардир; жонсиз мавжудотлар — тириклик нишонасидан бе-хабардир...

104. Т А Н Б И Ҳ

Одамнинг яхшиси — ёмон нарсалардан сақланувчи, пок бўлгай ва ҳақ сўзни айтишда ҳеч нарсадан қўрқмагай, хавфга тушмагай. Ўзи пок, кўзи покни инсон деса бўлур...

105. Т А Н Б И Ҳ

Яхши одамдан ёмонлар ҳам ёмонлик кутмас; яхши одам ёмонлардан ҳам яхшиликни аямас.

Яхшилик қила олмасанг — ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонликдан яхшироқ деб билмасанг, ёмонроқ деб ҳам билма. Яхшилик қилишни билмасанг, яхшиларга қўшил; яхшилик атрофида айлана олмасанг, яхшилар атрофида айлан.

106. Т А Н Б И Ҳ

Шум ахлоқсизликка берилиб, ўзингни яхшилар сафидан чиқазма ва ёмонлар орасига қўшилма. Бу шум ақлга хилоф бўлса ҳам, нафс учун севимлидир. Агарчи у ҳақ йўлида ғамли бўлса ҳам, шайтон йўлида марғубдир.

107. Т А Н Б И Х

Майнинг бир неча қултумини баданингга киритиб, ундан бир-икки қатрани чиқазиб ташлама. У қултум ташвиши билан роҳатингдан айрилиб, у қатранинг ҳуружидан бало дарёсига ботма. У қултум дин ва имоннинг уйини йиқувчи бало селобидир. У қатра ранж-қулфатдирки, у билан ҳаётинг нақди — жонинг чиқар. Ахир, баданинг қутичасидан қатра-қатра дурларни тўкиш билан, у қутини гавҳардан бўшатасан, жисм шишасига у қултумлар учун йўл очасан. Бу билан нафсу ҳаво қурбони бўласан. У қултум фасодга ўхшаган бир моддадирки, уни танингга яқинлатма: у қатра ҳаёт нақдидирки, ундан воз кечма. Май ичиш билан шайтоннинг истагини юзага чиқазган бўласан... Май ичмоқ — жигар қонин ичмоқдир; май ичиш билан заҳар ютма; жонинг нақдинасини сочиш билан наслинг тухумини қуритма!

108. Т А Н Б И Х

Дардлик кўнгил — шуълалик чирог: ёшлик кўз — сувли булоқ. Туяқушга юк ортиб кўчса бўлмас, чодир қаноти очиб учса бўлмас. Ўт иши — қовурмоқ, ел иши — совурмоқ. Сувнинг мазаси муз билан: ошнинг мазаси — туз билан; одам яхшилиги сўз билан. Сиҳат тиласанг — кўп ема; иззат тиласанг — кўп дема. Хотин билан мақтанма, хайр-эҳсонга ишонма. Яхши либос танга оройиш; яхши ўртоқ — жонга осойиш. Тамаъгирдан яхшилик кутма; гадойдан чақа тилама. Бахилнинг омонат асраши ажабланарли; сахийдан хиёнат кутиш ажабланарли. Чақмоқ кумушини йиғиб бўлмас; ёмғир ипини тугиб бўлмас. Телба қулоғига панд — қуюн оёғига банд.

109. Т А Н Б И Х

Беҳаё — дўстликка ярамас; нопок — сирдошликка ярамас... Эрнинг қилиғи — сутнинг илиғи. Ясанчоқ эркак — мард эмас; капалак — парвона бўлмас. Дўст жабридан — инграма; душман зулмидан — зорланма.

110. Т А Н Б И Х

Бой подоннинг нима дейиши, тилла пашшанинг нима ейиши маълум. Фосиқдан ҳаё тилама; золимдан вафо. Очiq чехра билан қилинган марҳамат — саховат устига саховат. Ҳалоллик билан қилинмаган иш яхши бўл-

мас; ип калаваси ҳасса бўлмас. Шоҳларга хизмати ёққаннинг хавфи кўпроқдир. Ишқсиз — кесак; дардсиз — эшак. Қаноатли—ноёб донишманд, қаноат—туганмас хавина. Элга қўшилган оройиш топади. Ҳар югурган етишмас; ҳар айрилган қовушмас. Бидъатчи ўз динидан узоқда; ҳасадчи ўз феълидан азобда. Душман ҳар қанча кичик бўлса ҳам кўнгилни нотинч қилади; ҳас ҳар қанча майда бўлса ҳам кўзга азоб беради. Ер ободонлиги — елдан; сув мавжланиши — елдан. Ёш боланинг иши ҳеч нима бўлмас; писта пучоғи кема бўлмас...

111. Т А Н Б И Ҳ

Яхши бўл ё ёмон бўл; иккаласи бўламан деганнинг ўзи — ёмон. Ёмон билан яхшининг орасида фарқ кўпдир; икки кеманинг бошини ушлаган фарқдир... Қимлар билан бўлсанг — шулардексан. Улар ёмон бўлса — сен ҳам ёмон; улар яхши бўлса сен ҳам яхшисан. Демак, яхшилар этагини тутган яхшироқдир, ва хавф-хатардан йироқдир... Кўпгина қобилиятли кишилар яхшилардан айрилди, ёмонлар суҳбати уларни нобуд қилди...

Ёмондан яхшилик кутмоқ — беҳуда хаёлдир; итдан кийикка, мушукдан кабутарга раҳм-шавқат бўлиши махолдир.

112. Т А Н Б И Ҳ

Нодон дўстни дўст сонига киритма; ақл шамини унинг беҳуда афсонаси ели билан ўчирма. Кўпгина гўдаклар яхши кўрганларидан оталарининг соқолларидан тортиб, мўйлабларини юлибдилар ва жойнамози устида адабсизлик қилиб намозига халал берибдилар. Кўпгина маст одамлар улуғ кишиларнинг оёғини ўпмоқ учун эгилибдилар ва беихтиёр қусиб, пок одамларнинг этагини ифлос қилибдилар. Ақлли душмандан фойда имкони бор, лекин, нодон дўстдан зарар имкони кўпроқ. Шунга кўра улар билан борди-келди қилмаслик керак.

113. Т А Н Б И Ҳ

Гўзал кўнгилни очади; хунук ҳаётни ўкситади. Яхши хулқли гўзал — жаннат ҳуридир; ёмон табиатли хунук — дўзахбоп девдир. Номард — қандай бемаъни гапларни айтмайди? Товуқ — қандай нажосатларни титмайди? Яхшиларнинг ҳунари — сўзида; бўзчиларнинг ҳунари бўзи-

да. Пасткаш мақтангани билан буюк бўлмас; эчки югургани билан кийик бўлмас...

114. ТАНБИҲ

Умрни ғанимат бил; соғлик ва омонликка шукур қил. Бойлик орттириш йўлини ахтарма; камсуқумлик билан ифтихор қил. Ўтиқодингни ҳаммага айтиб юрма; пулингни совурма. Қамтарона равиш қил; — беозорлик билан кўнгилни овут.

Бефойда гапни кўп айтма, фойдалиқ гапни эшитишдан ҳеч қайтма. Оз гапирган — оз янглишади: оз еган — оз касалланади. Очлик негизида ҳикмат бор; тўқлик тагида ғафлат бор. Қорин тўйғазиш ҳирсини кўнгилдан йўқ қил; ўзинг оч қолсанг ҳам — бир очни тўқ қил. Ўзингни ясантиришни ҳаёлингдан чиқар; гўзал либос кийишни истасанг, бир яланғочнинг эгини буткар. Либос ҳар қанча зебодир, кийганингдан кийдирганинг яхшидир.

Байт:

Тўнни ҳар қанча авайлаб кийсанг ҳам эскиради.

Агар яланғочга кийдирсанг тўзимас тўн ўша бўлади.¹⁰⁶

115. ТАНБИҲ

Ҳар кимни ҳам сирингга маҳрам дема; бу сифат олам аҳлида кўп дема. Сирингни асраш ўзингга малолдир, бошқа бировнинг уни асрамоғи маҳолдир. Ўз хазинангни ўзинг очсанг ва махфий дурларингни ҳаммаёққа сочсанг — териб олган киши уни сепмай нима қилади ва «асра!» деб койиганинг қаерга боради? Ўзинг ўз сирингни асрай олмаганингни биласан; яна бошқа биров уни фош қилса, айбдор ҳам қиласан... Ўз айбингдан кўзингни олма; бировларнинг айбига назар солма!

Байт:

Ўз айбига иқрор одам ҳушёр одамдир,

Бошқалар айбини кўриш учун кўз очма.¹⁰⁷

116. ТАНБИҲ

Чин сўзни ёлғонга чулғамас; чин гапира оладиган тилни ёлғонга булғамас. Ёлғончи — киши эмас; ёлғон айтмоқ — яхшилар иши эмас. Ёлғон сўз — айтувчини

безътибор қилади; чунки у гавҳарни оддий тошдек хор қилади. Кимки чин сўзни ёлғонга қотади; бебаҳо дурни нажосатга отади.

Байт:

Шоҳларнинг тож ва тахтига безак бўлган гавҳарни,
Нажосатга ташлаган ажаб бадбахт кишидир.¹⁰⁸

117. ТАНБИҲ

Ҳақнинг дўстлари — садоқат — покликнинг қонидир; ҳақ душманлари ёлғончилардир.

Тилнинг ихтиёрини қўлингда асрагил; сўзингни эҳтиётлик билан сўзла. Вақтида айтиш керак бўлган сўзни асрама; айтиш керак бўлмаган гапнинг яқинига йўлама. Сўз борки, эшитувчининг танига жон киргизади; сўз борки, гапирувчининг бошини елга учиради. Тилинг билан дилингни бир тут; тили ва дили бир кишининг айтган сўзи бут. Сўзни кўнгилда пишитмагунча тилга олма; дилингда бор гапнинг ҳаммасини тилингга келтирма. Гарчи тилни тийиш — дилга меҳнатдир; аммо сўзни ёйиш — бошга офатдир. Айтиш керак бўлган гапни унутма; айтмайдиган ерда ўзингни сўзамол тутма. Айтар сўзни айт; айтмас сўздан қайт. Оқил киши чиндан бошқани демас; аммо барча чин сўзни айтиш ҳам оқил иши эмас.

Маснавий:

Оқил одам чин сўздан бошқасини демайди,
Аммо барча чин ҳам айтгулик эмас.
Киши чин сўз айтса гўзал бўлур,
Қапчалик қисқа бўлса, шунчалик яхшидир.¹⁰⁹

118. ТАНБИҲ

Уйғоқликда нима кўрсанг тақдирдан деб бил, уйқуда нима кўрсанг яхшиликка йўй. Элнинг гапидан ҳар қандай ёмонликни ахтарма; агар душманинг енгилса, ёмон тарафини бўрттириб, яхши тарафини яширма. Қудратли душман асиринг бўлса, мурувват қил, яхшилик кўрсат, авф эт.

Золим, бедард-беғам одамлар суҳбатида гапирма; чақимчи ва номард одамларнинг силлиқ гапига алданма. Доно одам қўлидан кетган нарса ҳақида сўзламас; ўтган йигитлик орзу қилган билан қайтмас...

ХОТИМА

Шундай қилиб, бу бажарилган ишнинг яхши-ёмон сифати шунда зикр қилингандир; унинг мақбул ва но-мақбул ҳолати ҳам шу ерда ёзилгандир. Илоҳо, буларни ёзган кимса* гарчи яхшилардан эмас, ёмонлардан бўлса ҳам, аммо, сендан яхшилик умидида бўлгани учун ўзини ёмон демайди.

Илоҳо, уни яхшилар орасидан четлатма ва ёмонлар гуруҳига қўшма... Бу қалбим фарзандини** кўзларга маҳбуб эт ва бу бағрим пайвандини кўнгилларга марғуб эт.

Рубойи:

Бу қалам билан ёзганларим
Кўнгул аҳли наздида маҳбуби қулуб бўлгай,
Агар нуқсонини топсалар, айбдор қилмағайлар,
Ҳар ким ўқиса, шаксиз, ниятига етгай.¹¹⁰

Тарих:

Бу ёзилганларни тилим айтиб турди,
Қаламим ҳар хил эл ишини нақл қилди.
Унинг тугалланиш йили «хуш»*** сўзидан ҳосил бўлгай,
Ҳар ким ўқиса, доимо хушҳол бўлгай!¹¹¹

* Бу ерда Навоий ўзини кўзда тутди.

** Навоий тугаллаган асарини назарда тутди.

*** «Хуш» сўзидан (араб ёзувида) абжад ҳисобида 906/1500—1501 йил чиқади.



АСАРДАГИ БАЙТ ВА ҚИТЪАЛАРНИНГ АСЛИ

1. Байт:

Димоғима тушубон қўп тасаввури пиндор,
Ўзумни жоҳу улуғликда айладим изҳор.

2. Қитъа:

Не билгай ул кишиким, шаҳду майни тотмайдур,
Ки васлу ҳажр киби ул чучук дурур, бу ачиг.
Билур залил мусофирки, пўя айларда,
Эрур тузинг қуми юмшоғу хораси қаттиқ.

3. Маснавий:

Улус подшоҳию дарвешваш,
Анга шоҳликдин келиб фақр хаш...

Халойиққа бу шаҳдин ўлсун нишот,
Даме бўлмасун холи андин бисот.

4. Байт:

Уйлаким, шоҳ морға бўлғай муъмидду жаъфарий,
Ё вабоу халқға товун ҳам ўлғай бир сари.

5. Маснавий:

Йўқ улким фосиқу хаммори закка,
Ки бузғай гарчи бўлғай хожа дакка.
Рикоби нақши кимсонлиғ саросар,
Тўпида ортиқ ондин зебу зевар.

Қитъа:

Керакки бошига қўйса алоқалиқ дастор,
Яна ридо ҳам анинг эғнида маволийдек.

Йуқ улки, маркаби буйниға боғлаб осса қутос,
Осилғай ўзининг ўз бўғзидан сақолидек.

Ул қавмдин аъжуба халойиқ бўлмас,
Ким меъдалари ҳаром ердин тўлмас,
Ўлгунча бало чекиб эрурлар мавжуд,
Чин бўлди бу даъвоки, ясоғлиқ ўлмас.

7. Байт:

Сипоҳий молин ул хайли табаҳи,
Туну кун муфт олиб хоҳи нахоҳи.

8. Маснавий:

Ариғларки, ул баҳрдин айрилур,
Биликлик аларнинг суйин бир билур.
Чу бирдур сув дарё била наҳр аро,
Эмас таъмида ҳожати можаро.

9. Байт:

Мундин ўлди муқарраби борий,
Шайхул — ислом пири Ансорий.

10. Рубоий:

Муфтиким, ишига музд олиб қилса рақам,
Музд ортуқ эса, майл керак қилғай кам,
Фатвода чу бўлди музд учун «ло» ву «наам»,
Қилмоқ керак ул қаламзан илгини қалам.

11. Байт:

Ҳозиқ табиби хушгўй тан ранжиға шифодур,
Омию тунду бадхўй эл жониға балодур.

12. Рубоий:

Аълоларидур нединки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча аднодин адно.
Авсатлариким, ҳеч нимаға ярамас,
Билким, нафас урмамак алардин авло.

13. Байт:

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ўл қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф.

14. Байт:

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

15. Маснавий:

Кишига бўлмасун бу фитна дучор,
Ки, унидин нажот тайри учор.
Ёнса қўнмоққа табл урар ҳар дам,
Ким ўшул қушқа кўпрак ўлғай рам.

16. Байт:

Кишиким, бўлмағай маъжуну қандининг харидори,
Онинг ҳангомаси бирла тузалмас ҳеч бозори.

17. Қитъа:

Воизки, дастёрсиз ўлмас сухангузор,
Анга ёроду мунга аёлғувчи ҳукми бор...

18. Байт:

Эмас афлоку анжум ҳоли бенафъу зарар, лекин
Ани тенгри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин.

19. Байт:

Мундоқ кишида йўқ хираду хушдин нишон,
Билгил гадо, агарчи эрур хожани жаҳон.

20. Байт:

Бу хайл одам эмаслар, яхши боқсанг,
Эрур судинг, алардин гар йироқсан.

21. Байт:

Булардин кимки, дер ўзни валийдур,
Агар қилсанг яқин, бир доғулийдур.

22. Маснавий:

Тоилдин оқшомға ишда санъатсоз,
Хунар атворида фусунлардоз.
Айлабон бу тарийқни варзиш
Ки, бировга югуртгайлар иш.

Гар муаддий ғаний йўқ эрса фақир,
Анга бозий берурда йўқ тақсир.

23. Байт:

Бир манзил эрур анда бәсе ранжу уқубат,
Тушган кишига анда ўқуш дарду суубат.

24. Байт:

Вале ул ҳарам ичра бўлгонга хос,
Умид улки, ҳам тенгри бергай халос.

25. Қитъа:

Кимки деҳқонлиғ айлади пеша,
Дағи нон бермак ўлди анга шнор.
Буйла кимса улувви рифъатдин,
Одам ўлмаса, одамий худ бор.

26. Байт:

Халойиққа ийзо аларга сифот,
Набий дедиким: «Уқтул ул-музирёт».

27. Байт:

Киши агар киши бўлса ўзин киши демагай,
Қилурда ҳеч ишин ҳам киши иши демагай.

28. Назм:

Бермак бўлмас аларга инсон ҳукми.
Ё одаму мўмину мусулмон ҳукми.
Фосид ахлотгаки вожибдур дафъ,
Бўлгойму киши берай деса жон ҳукми!

29. Маснавий:

Булар боиси барча нафсоният —
Қи, анда эмас дохил инсоният,

Қўнулга олиб қайда қўнса дирам,
Оғ арпаси ҳам, қушига туъма ҳам.

30. Назм:

Фақр исми бирла мунча зарқу шайду бу рие,
Салтанатдекдурки, қилгай подшоҳи бўрие,

Бу агар дарвеш ўзин қилса гумон, ул подшо,
Иўқ ажаб, чун иккисида йўқтурур ақлу ҳаё.

31. Рубой:

Риндеки, фано жомини тортар пайваст,
Дунё била охиратқа эрмас побаст.
Ҳақ раҳмати умиди билан тун-кун маст,
Кўп ортуғроқки, зоҳиди зарқпараст.

II ҚИСМ

32. Рубой:

Ҳар кимки, қаноат тарафи нисбати бор,
Барча эл аро тавозуъу иззати бор,
Улким, тамаъу ҳирс била улфати бор,
Яхши-ёмон ичра зиллату накбати бор.

33. Байт:

Кимки, бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишани нушу хорини гул айлади.

34. Байт:

Ақлу ҳикмат ишидур буйла маошу ойин,
Қайда топқай муни ҳар нафспарасту худбин.

5. Байт:

Мутакаббир кезибон шаҳрда хору мардуд,
Мутавазийни ғаний айлади дурри мақсуд.

36. Байт:

Ки то бўлғай булар бир-бирлари бирла қарийн бўлсун,
Самандарлар киби ишқ ўти ичра ҳамнишин бўлсун...

37. Байт:

Сўзки, маъносида ишқ ўти нишони бўлмағай,
Бир таҳарруксиз бадаи англаки, жони бўлмағай.

38. Байт:

Ошиққа гарчи заъфу маразлиқдурур мизож,
Маъшуқ зикри ул маразига эрур илож.

III ҚИСМ

39. Қитъа:

Ажаб сифат эрур эҳсонки, ҳар шариф сифат:—
Ки, келса жинси башардан анга эрур дохил.
Жавоҳир англа сифот они жавҳарий қафаси —
Ки, бордур анда қаю бирини истасанг ҳосил.

40. Қитъа:

Жафоларким, менинг жонимға етмиш даҳр халқидин,
Бири куффордин келмас асир ўлғон мусулмонға.
Не бедодиким, истарлар қилиб сўнгра ўкуш туҳмат,
Дағи юklarлар охир бу жафокаш зору ҳайронға.
Бу бедод аҳлидин гар жон бериб, махлас эрур мумкин,
Қилиб жонни фидо, биллаҳки, миннат қўйғамен жонға.

41. Байт:

Ё марҳамат ул хайли ситамкорага бергил,
Ё сабру таҳаммул мени бечорага бергил.

42. Байт:

Оғирлик вазнидиндур сайлдин ғамсиз Ҳири тоғи,
Енгиллик фартидин барбод эрур қомғоқ яфроғи.

43. Байт:

Киши ўзин ясагон бирла бўлурму ошиқ,
Субҳи козиб ёрумас, уйлаки субҳи содиқ.

44. Назм:

Ишқ бир ўтдурки, онинг шуъласидин бир шарар,
Тушса гардун пардасига ўртар андоқким ҳарир,
Сенки жисминг парда торидин дағи бўлғай наҳиф,
Тушса ул янглиғ чоқин тузгайму ул тори ҳақир.

45. Назм:

Эранлар хизматидин чекмагил бош,
Агар бошингга гардундин ёғар тош.
Ки гар ул тош била бошинг ушалғай,
Саодат хаттидур, гар захми қолғай.

46. Қитъа:

Ёр улдурки, ҳар неким узига
Истамас, ёрига ҳам истамагай.
Ўзи истарки, ёр учун улғай,
Ани мундоқ шарик айламагай.

47. Байт:

Мулк учун солим керактур хусрави кишвар паноҳ,
Тан учун ул узвким бўлди бадан мулкида шох.

48. Байт:

Ногаҳон гар бетааммул сурса бир ҳукми аниф,
Ким заиф андин қавий ёхуд қавий бўлғай заиф.

49. Байт:

Тааммул мунда вожибдур бағоят —
Ки, бўлмағай бу навъ иш берноят.

50. Байт: .

Керакмас мухалифга онча ишод —
Ки, қилғай мувофиқни беъътимод.

51. Қитъа:

Олимеким, илми эрди беамал,
Ё ғанийким, молига бухл эрди ёр,
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.

52. Байт:

Бўрини қўзи била қилгон семиз,
Жамъи кийик хайлигадур раҳмисиз.

53. Байт:

Ҳаммол нафис рахт ила гар урса қадам,
Иуқ нафъ анга гайри музд бир-икки дирам.

54. Байт:

Анга молининг ҳифзи ранжу ано,
Мунга феълининг зишти дарду бало.

55. Байт:

Мол улдурким, эл андин олса баҳр,
Душман андин топса тенгдур нўшу заҳр.

56. Байт:

Ул чу соҳиб ихтиёр ўлди-ю бу беихтиёр,
Иккисида ҳазму ҳикматнинг хилофи ошкор.

57. Қитъа:

Дирам била бўла олса зарарни қайтармоқ,
Хатодурур киши ул ишда айламак таътил,
Анинг паноҳига кир тенгрини паноҳ айлаб,
Валек айла бу хайр иш қилурда кўп таъжил.

58. Байт:

Хуштур хиради кўп эл сўзига кирмак,
Не бозий емак хушу не бозий бермак.

59. Байт:

Хусну жамолсиз киши ширин калом эса,
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса.

60. Байт:

Ҳар неча бийми ҳажр сўзи ошиқ ўлтурур,
Вуслат башорати яна жисмига жон берур.

61. Байт:

Хуш сўзга ким ўлса масту беҳуш,
Шарбат аро заҳрни қилур нўш.

62. Байт:

Ул кишини қутлуғ эвдин ташқари сурмак керак,
Қутлуғ эв дунёдурур, яъники, ўлтурмак керак.

63. Байт:

Заҳрнинг оз эса миқдори дағи муҳликдур,
Игнанинг нўғи заиф эрса дағи кўр қилур.

64. Байт:

Ким сўзни териб айтғувчи оғзига бергай,
Молик ани дўзах ўтининг дудиға тергай.

65. Қитъа:

Чоқин ёруғлиғи мадди самодин арзғача,
Замони тули ики лафз ўқурғача етмас,
Вале не ергаки тушти, қатиг ва гар юмшоқ,
Бериб ани сувға то етмагай, қарор этмас.

66. Байт:

Ўтдин исинурғача овуч оч,
Куйдургудек англасанг кейин қоч.

67. Байт:

Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур —
Ки, махзанда дур ё садафрезадур.

68. Байт:

Сўз ичраки ёлғон эрур нописанд,
Чу назм эттилар қилди доно писанд.

69. Байт:

Бирида мунча ҳунар, ул бирида мунча уюо,
Қайсининг хўб эканин аҳли хирад билгай хўб.

70. Маснавий:

Ўзидин кўнгулларга айшу тараб,
Сузидин баданларга дафъи тааб,

Очуғ чехраси тоза гулдин нишон,
Ҳадисиға булбул бўлуб жонфишон.

71. Маснавий:

Бирисиға ғараз ўз муддаоси,
Бириси қасди инъом илтимоси.

Чу сендин топмадилар ҳеч парво,
Бири хасму, биридур ҳажв оро.

72. Назм:

Не сўздинки, етгай бировга ғубор,
Не лозимки, сен қилғасен ошкор.
Қуяберки, қилсун аён душмани —
Ки, бордур адоват адувнинг фани.

73. Байт:

Ёлғон ўлса мулояматомиз,
Ваҳшатангиз чиндин англа азиз.

74. Маснавий:

Ямон-яхшини тенгридин англағил,
Ямонни ямон, яшини яхши бил.

Ямонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яшини ҳам дегандек ямон.

75. Байт:

Хорлиғлар боши тамаъ билгил,
Донмо «азза ман қанаъ» билгил.

76. Байт:

Қаю матоъким, оз воқеъ ўлса қиймат анга,
Эрур мувофиқ анинг қийматича ҳурмат анга.

77. Байт:

Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.

78. Байт:

Табиат хуш эрур бўлса дақойиқдин анга зөб,
Чун бўлди сафоҳат нетар ул сўзни киши деб.

79. Байт:

Кимгаким, ҳақ рўзий айлабдур тариқи офият,
Ошкоро айламас не тоату не маъсият.

80. Байт:

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдурур,
Яхши киймак бирла хотунларға оройишдурур.

81. Рубоий:

Ийд оқшоми тифл илгида чапу рост ҳино,
Ё шоҳиди шўх эғнига хаззу дебо.
Шойистадурур қари бажуз далқу асо;
Кўргузса сақолига куларлар уқало.

82. Байт:

Кишига бўлмаса ўз таънига шойиста сифот,
Қилмасун айб ўзидекдин дағи андоқ ҳаракот.

83. Байт:

Эл айбини айтурға бировким, узатур тил,
Ўз айбини фош айлагали тил узотур бил.

84. Байт:

Илм ўқуб, қилмоғон амал мақбул,
Доно сочиб, кўтармади маҳсул.

85. Маснавий:

Кишига неча келса мушкил ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол.

Кесак отқонға ким чекар юмруқ,
Тўни йиртуқдурур, сақоли юлуқ.

86. Байт:

Хирадманд пандини курган ачиг,
Сўнгида пушаймонлиги не асиг.

87. Байт:

Басе ожизки, хасм остига ётмиш,
Оғиз суйини анинг юзига отмиш.

88. Байт:

Бўлди сайёдгау сайдга нафс орзуси қайд,
Йўқса не ул эди сайёд, не бу эрди анга сайд.

89. Байт:

Душман ражову хавфи десангким, фан ўлмағай,
Андоқ тирилки, кимса сенга душман ўлмағай.

90. Байт:

Хорага ҳар кишиким, дурри саминни урғай,
Хирад англarki, қаю бир бирини синдурғай.

91. Қитъа:

Зевар била шакли ҳўб бўлмас,
Ҳар қизки эрур ёмон лиқолиғ.

Хар неча қоронғу бўлса ҳужра,
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиғ.

92. Қитъа:

Қобилга тарбият эрур ул навъким, гуҳар
Тушса нажосат ичра югай кимса они пок,
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,
Бу тарбият била қила олғайму они ток.

93. Қитъа:

Иймонга эрур нишон ҳаё бирла адаб,
Ҳурмат била таъзим саодатқа сабаб,
Ҳаййию муаддаб ангаким бўлса лақаб,
Мақсудиға кеч етса ажаб англа, ажаб.

94. Қитъа:

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму ҳурматни фош,
Не эл ёри бўлсанг алар ранги бўл,
Нечук бор эсанг, тутқил ул сори йул.

95. Қитъа:

Хатоға тадорук недур беҳилоф,
Аён қилмоқ ўз саҳвиға эътироф,
Ва гар қилса саҳвиға ижро далил,
Ки яхшидур айлар ики онча бил.

96. Қитъа:

Кишида барча ахлоқи ҳамида,
Чу жамъ улди қўярлар отин эҳсон,
Бири андин саходур, бир мурувват,
Булар гар йуқтур, инсон эрмас инсон.

97. Байт:

Яхшилик тухмини сочғилким, будур деҳқонға сўз,
Ҳар неким экетинг бугун, борин ҳамон тут они кўз.

98. Байт:

Илмдин орий улуснинг жоҳили худкомаси,
Урганурға жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.

99. Қитъа:

Гадолиғ бурёси узра маскан,
Ки хотир фориг улғай ҳар таабдин,
Қўп ортуқким бўлуб ўздекка маъмур,
Хазу дебода ер тутсанг тарабдин.

100. Қитъа:

Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,
Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедоду жафо.
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,
Ҳақшунос улсау бўлса анда ойини вафо.

101. Маснавий:

Ул бири луқмау навола сўзин,
Айтиб ончаки холи айлаб ўзин,
Бу ўз авсофига муарриф ўла,
Айлабон базми анжуманни тўла.

102. Қитъа:

Оқил чу кўрса элда хато ижтиноб этиб,
Андин савоб йўл сари мойил қилур ўзин,
Қўймас анинг хатосига эл айлаб эътироз,
Айтурга юзи ўтрусида саҳвининг сўзин.

103. Рубой:

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз,
Ўзни қарилик меҳнатидин қўрқутингуз,
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз,
Ҳар навъ ила ўзни неча кун овутунгуз.

104. Рубой:

Чун кетти йигитлигу узади қарилик,
Дам совуди, яъни қолмади қон ҳам исиқ,
Оғзиға ҳаёт шарбати бўлди ачиқ,
Ўлмак хушроқки, умр бу навъ қатиқ.

105. Рубой:

Афсуски, умри навжавонлиғ кетти,
Танга қариликда нотагонлиғ етти,
Ғар юз йил улки комронлиғ этти,
Чу топмади маргдин амонлиғ нетти?

106. Байт:

Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскирур,
Чунки кийдурдунг ялангга уфрамас тўн ул эрур.

107. Байт:

Бийнандадур ўлса киши ўз айбиға ҳозир,
Қўз очма бўлурға, яналар айбиға нозир.

103. Байт:

Гавҳареким, шоҳларға зеби тожу тахт эрур,
Ташлагон они нажосатға ажаб бадбахт эрур.

109. Маснавий:

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бори чин ҳам дегулик эмас.
Киши чинда сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

110. Рубой:

Бу номаки, хомасига, қилдинг мактуб,
Қил аҳли қулуб олида маҳбуби қулуб,
Эл айб топардин они қилма маъюб,
Қар ким ўқуса, насибин этгил матлуб.

111. Таърих:

Бу номағаким, лисоним ўлди қойил,
Қилким тили ҳар навъ эл ишига ноқил,
Таърихи чу «хуш» лафзидин ўлди ҳосил,
Қар ким ўқуса, илоҳи, ўлғай хушдил!



МУНДАРИЖА

«МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ» (Суйима Ганиева) 3

БИРИНЧИ ҚИСМ

Киниларнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида

1. Одил подшоҳлар тўғрисида	15
2. Исломпаноҳ беклар ҳақида	16
3. Номусосиб найнблар (уринбосарлар) тўғрисида	17
4. Золим, жоҳил, фосиқ подшоҳлар тўғрисида	17
5. Вазирлар тўғрисида.	18
6. Диёнатсиз салрлар (мансабдорлар) тўғрисида	19
7. Баҳодирлик лофици урган фосиқ ва очкуз мактанчоқлар ҳақида	20
8. Ясовул гуруҳи тўғрисида	21
9. Лашкарлар ва ҳарбий юришдаги қора черик тўғрисида	21
10. Шоҳга қарам одамларнинг унга ўхшашлиги тўғрисида	22
11. Шайхул-ислом тўғрисида.	22
12. Қозилар тўғрисида.	23
13. Қонуншунос муфтилар тўғрисида	24
14. Мударрислар тўғрисида	24
15. Табиблар тўғрисида	25
16. Назм гулистонининг ҳушовоз қушлари тўғрисида	26
17. Котиблар тўғрисида	28
18. Мактаб аҳли тўғрисида.	28
22. Ашулачи ва чолғучилар—мутриб ва муганнийлар тўғрисида	29
23. Қисса тўқувчи ва қисса айтувчилар ҳақида.	31
24. Насиҳатгўй ва ваъзхонлар тўғрисида	31
25. Мунажжимлар тўғрисида	32
26. Савдогарлар тўғрисида.	33
28. Бозор қосиблари ҳақида.	34
29. Баъзи ҳунарманд ва санъатчи усталар тўғрисида.	35
30. Миршаблар, зиндонийлар ва қоровуллар тўғрисида.	35
31. Деҳқончилик тўғрисида	36
32. Безори ва разиллар тўғрисида	38
33. Ғариб ва бечоралар тўғрисида	38
34. Шилқим ва гадоийлар тўғрисида.	39
35. Қўшчи ва овчилар тўғрисида.	40
37. Ўйланиш ва хотинлар тўғрисида	41
38. Риёкор шайхлар тўғрисида.	41
39. Харобот аҳли тўғрисида.	42

ИККИНЧИ ҚИСМ

Яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида

1. Тавба тўғрисида	44
4. Қаноат тўғрисида	45
5. Сабр тўғрисида.	46
6. Тавозе ва одоб тўғрисида.	47
10. Ишқ тўғрисида	49

УЧИНЧИ ҚИСМ

Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар

Танбиҳлар	55
---------------------	----

ХОТИМА

Асардаги байт ва қитъаларнинг асли.	96
---	----

На узбекском языке

АЛИШЕР НАВОИ

Возлюбленная сердец

Редактор М. Маҳмудов

Рассом В. Апухтин

Расмлар редактори И. Кириакиди

Техн. редактор Е. Потапова

Корректор О. Турдибекова

ИБ №1318

Босмахонага берилди 22.04.82. Босишга рухсат этилди 7.1.83. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 5,88+0,94 вкл. Нашр л. 5,78+1,45 вкл. Тиражи 75000, Заказ № 1490. Баҳоси 80 т. Ялтироқ қоғозда баҳоси 1 с. 20 т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Навоий, Алишер.

Маҳбуб ул-қулуб: (Қалблар севгилиси) / [Масъул муҳаррир ва сузбоши муаллифи С. Ғаниева; Рассом В. Апухтин].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.—112 б., расм.

Буюк ўзбек мутафаккири, халқимизнинг фахри бўлмиш Алишер Навоийнинг ушбу асари замонасида кенг шуҳрат топган ва ҳозир ҳам нозиктаъб, гўзал қалбли, мард, олижаноб, доно одамларнинг севимли китоби бўлиб қолган. Навоийнинг бу шоҳ асарларидан бири юксак дидли ўқувчиларимизга қимматли ҳадя бўлур деган умиддамиз.

Навои Алишер. Возлюбленная сердец.

